

НАЗАРМАТ

ЖЎРЛАР БАЛАНД САЙРАЙДИ

Воқеий қисса, очерклар ва жанговар
лавҳалар

ТОШҚЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1980


Ушбу тўпламда Улуғ Ватан уруши жангоҳларида ва урушдан кет-
йинги тинч қурилиш йилларида ўз жасоратлари, жанговар хизматлари
ва фидокорона меҳнатлари билан эл ҳурматиға сазовор бўлган за-
мондошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

Жўрлар баланд сайрайди (воқеий қисса)	3
Челак қуруқ қолмайди	64
Эътиқод	76
Зирқларни зирқиратган	81
Оқопда ёзилган сатрлар	93
Холмат партизан	98
Боғлар шайдоси	104
Устоз	110
Чегарадаги жудалик	116
Волгадан келган қисса	124
Қаҳрамонлик қиссаси	132
Иштилош	141

321936



Н 18

Н 101202—146
М 351(04) 80 72—80—1304010000

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1980 й.

Воқеий қисса

Кош қорайганда инжу қатраларини силкиб ўтган баҳор ёмгири субҳи гулшанни нилий чехра билан дилкушо этди.

Адирлар оралаб эсаётган майин шабада бепоён бугдойзорларнинг бахмал барраларини аста тебратиб, яшил водий — Фарҳод қоялари устидан бош кўтарган хуршиди оламнинг илк нурларидан тароватли житола-нарни.

Биз тўрт киши адирда турардик, ҳамроҳимнинг бири — Совет қишлоғидаги ўрта мактабнинг директори Раҳмонберди Худойбердиев, иккинчиси — Жўраҳон Усмонов номли совхознинг директори Тожимирза Набиев, яна бири гулистонлик шоир Ҳамроқул Ризо эди. Лолазор паллада адирда туриб водий тонгини кузатиш нақадар гаштли.

Янги кун қуёшнинг илк нурлари лолазор гулханини ёқди. Шундоққина ёнгинамздан бошланиб ҳув олисдан ўркач-ўркач адирларгача ақлни шоширтирадиган гўзаллик — табиатнинг қирмизи гилами ястаниб ётибди.

Лола гулшанлари улкан сўзанага қадалган ёқут мунчоқларни эслатади. Тирамойи ва баҳори ғалла майсалари инсон меҳнатининг мўъжизакор қудратини кўз-кўз қилиб қулф уриб ётибди. Бир-бирига туташган ғаллазорларнинг поёнини кўз илғамайди.

Узоқдан бир нима қимирлаб кўринди. Ҳаммамиз беихтиёр ўша томонга қарадик. Қалин майсалар орасидан сарғиш айёр тулки атрофга аланглаб борарди. Оғзига нимадир тишлаб олган. Нималигини билиб бўлмайди. Тулки анча нарига бориб, кўздан ғойиб бўлди.

Шу вақт само бағридан табиат кўркининг азалий ғазалхон хуштори жўрлар хониши эшитилди. Жўрлар осмонга тик кўтарилганларича, бир жойда муаллақ тўхтаб тургандек кўринар, тўлиб-тошиб сайрашарди. Чумчуқдек миттигина бу қушларнинг овози шу қадар ранг-баранг, шу қадар жозибали эдики, ҳаммамиз беихтиёр осмонга бош кўтариб, уларга маҳлиё боқиб турдик. Киши қалби ажабтовур ёрқин қайфият билан тўлаётганини ҳис қилиб турар эдик. Жўрлар бизнинг ғаллазор, бахмал қирларга ташриф буюрганимиздан хушнуд бўлгандай оромбахш қўшиқларини авж олдилар, гўё янги жўраларини осмонга таклиф этарди. Мовий самода куйга куй қўшилиб, олам нафис ва дилрабо оҳангларга тўлиб кетди.

— Бундай паллани Жўрахон жуда севар эди. Ҳар баҳор мактаб ўқувчиларини далага олиб чиқиб, жўрлар овозини биргаликда тинглар, лолалар терар эди,— деди Раҳмонберди ҳозиргина ўзи узиб олган ёқут пиёладак лолага хаёлчан боқиб. Мана шу ерда, ҳув уфқда осмон билан ўпишган адрда, гуркираб ётган буғдойзор-у, атрофга ажиб ҳаяжонли ҳид таратаётган ёввойи ялпизлар олдида у ўзининг ҳамқишлоғи — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўрахон Усмонов ҳақида гапириб берди. Атроф барра жағжағ, исмалоқ кўкатлари феруза чучумолар, алвонранг лолақизғалдоқлар билан тўла. Назаримда Жўрахон билан мана шу сайроқи жўрлар ва яшноқ табиат ўртасида уйғунлик бордек кўринди.

Мен Жўрахон номини эшитибоқ уни уруш йилларида фронтда, Днепр ва Нарев соқилларидаги жангларда учратганим ёдимга келди. Ҳамполк жанговар дўстимни эслаб, бир дам сукут сақлаб қолдим.

Совхоз директори Тожимирза ака ҳам Жўрахон жа-

соратидан, унинг номига қўйилган совхознинг ҳозирги ҳаётдан сўз очди.

Буғдойзорлар ортидан бошланган токзорларни, у ерда ишлаётган соҳибкорларни кўришга таклиф этди.

Бир томони ғаллазор, бир томони токзор ерлардан ўтиб борар эканмиз, шу заминда туғилиб, шу ердан фронтга кетган Жўрахон Усмоновнинг шу она диёр меҳри билан йўғрилган мактуби ёдимга тушди, мактуб «Ўзбекистон» нашриёти 1965 йилда нашр қилган «Фронтдан хатлар» тўпламида эълон қилинган. Бу мактубни у 1945 йил 17 февралда ўзбек халқига йўллаган эди.

«Салом серқуёш Ўзбекистоним! Мен Улуғ Ватан уруши фронтларида 3 йилдан ортиқ жанг қилганимдан кейин яна сенинг меҳрибон бағринга келдим. Мен аввал оддий колхозчи эдим. Ховос районидаги тўлиқсиз ўрта мактабни битирганимдан кейин аввал пионер етакчиси бўлиб ишладим, кейинги вақтларда Дзержинский номли колхозда ҳисобчилик қилдим.

Гитлерчи босқинчилар муқаддас тупроғимизга бостириб кирган кунларда сен мени улуғ озодлик жангларига, мардлар майдонига кузатдинг. Ҳарбий билимимни кун-тун оширдим, рус ўртоқларимнинг ёрдами соясида ҳарбий билимимни камолга етказиб, жанговар қуролни тўла-тўқис ўргандим.

Бугун яна иссиқ қучоғинга келарканман, берган топширигинини шараф билан бажарганлигим тўғрисида ифтихор билан сўзлай оламан.

Бепоён Совет Иттифоқимиздаги қардош халқларнинг содиқ фарзандлари билан бир қаторда мен ҳам ёвуз босқинчиларга қарши сон-саноксиз жангларда қатнашдим. Украина тупроқларини босқинчилардан озод қилиш вақтида, Десна дарёсидан ўтишда кўрсатган жанговар хизматларим учун Ватан мени Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлади. Нарев дарё-

сидан кечиб ўтиш ва унинг ўнг соҳилидаги муҳим плацдармни эгаллаш учун олиб борилган жангларда биринчилар сафида борганим ҳамда қисмимизнинг олдинга силжиши учун, бир тўда жанговар дўстларим билан йўл очиб борганим учун I-даражада Ватан уруши ордени билан тақдирландим.

Мен қардош республикалар тупроғида озодлик жанглари олиб борар эканман, гитлерчилардан озод қилнган шаҳар ва қишлоқларда босқинчилар келтирган азоб-уқубатлар, зулм ва ўлимлар асарини кўриб юрагимда душманга қарши қаҳру газаб тобора алангаланди ва мен ўзимни душман устига арслондай ташлайдиган бўлдим, жангда қўрқув нима эканлигини билмадим.

Сож дарёсини кечиб ўтиш вақтида қўмондонлик менга муҳим топшириқ берди. Мен билан 10 жангчи дарёдан кечиб ўтишимиз ва орқадан бошқа бўлинмалар етиб келгупча ишғол қилган позициямизни қўлдан бермай туришимиз керак эди. Биз кечаси, қоронғуликда Сож дарёсининг ўнг томонига ўтиб олдик ва уч кечаю уч кундуз гитлерчилар билан олишдик.

Бизни пайқаб қолган душман тобора шиддатли атакалар қила берди. Ҳар биримиз ўнлаб ва юзлаб душманга қарши ўт очдик.

Биз орқамизда жонажон Ватанимиз турганини яхши билардик. Бу Ватанда севимли ота-оналаримиз, ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз бизнинг тезроқ галаба билан қайтишимиз учун туну кун тинмай меҳнат қилмоқдалар. Биз яхши биламизки, агар чекинсак, қон тўкиб, қанча машаққатларни бошдан кечириб, сабот билан қилган жангларимиз оқибатсиз қоларди.

Яшнаётган боғларимиз, пахтазорларимиз, буғдойзорларимиз, мевазорларимиз, фронт учун ишлаётган завод ва фабрикаларимиз, озодлик нашъасини

тотган миллион-миллион кишиларимиз мардлар майдонида ғалаба қозонганимиздагина, бундан кейин ҳам роҳатбахш ҳаёт кечиришларини яхши билардик. Социализмнинг улуғ биниси кейин ўз қаддини мағрур кўтариб туриши ана шу ҳаёт-мамот жангларида ғалаба қозониб чиқишимизга боғлиқ эди. Шунинг учун бизлар ҳам кўрқув нималигини билмай жанг қилдик. Душманнинг 13 марта қилган атакасини қайтариб, 460 фрицни ер тишлатдик. Душманнинг катта техникаси мажақлаб ташланди. Айни вақтда бўлинмаларимиз орқадан етиб келган ва катта ҳужумни бошлаган эди.

Шу жангда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлигимиз учун СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил январь ойида чиқарган Фармони билан менга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ва Олтин Юлдуз медали топширилди.

Мен жангларда уч марта энгил ва икки марта огир ярадор бўлдим. Лекин жароҳатларим битиб кетиши билан яна ўз қисмимга қайтиб бордим ва шонли Қизил Армия сафида туриб, йиртқич фашистларни ўз уясида янчиб ташлаш учун олиб борилаётган жангларда иштирок этдим. Мен Ватанимизга қайтиб келгач, ўзбек халқининг пахтачилик соҳасида бу йил эришган катта ютуғини кўриб, беҳад қувондим. Озодлик жангларида мардлик ва жасурлик кўрсатаётган ўзбек йигитлари ўз халқининг меҳнат зафарларидан мамнундирлар.

Мен Тошкент область пахтакорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида қатнашдим ва колхозчиларнинг, совхоз пшчилари ва МТС ходимларининг беҳисоб ғайратларини кўриб, пахтакор халқимиздан беҳад миннатдор бўлдим. Область колхозчилари бу йил пахтачилик соҳасида янги муваффақиятларни қўлга киритишга ва ҳосилни гектаридан икки ярим-

уч центнердан оширишга ваъда бердилар. Ҳозир пахта учун кураш яна қизғин тус олди.

Бу жангда ўзбек халқининг, ҳар биримизнинг обрў-номусимиз масаласи, шон-шарафимиз масаласи ҳал қилинди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Улуғ Ватан уруши фронтларида мардона жанг қилаётган ва мамлакат ичкарасида меҳнат зафарларига эришаётган ўзбек халқи Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар билан бирга гитлерчи босқинчилар устидан узил-кесил ғалаба қозонажак.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўрахон Усмонов».

Қаҳрамон йигит ўзи жангу жадал ичида юриб ҳам фронт орқасида фидокорона меҳнат қилаётган халқимизнинг бахт-саодати, тақдирини, яшнаётган боғларимиз, пахтазорларимиз, буғдойзорларимиз, мевазорларимиз ҳақида ўйларди. Фронт линиясидан анча узоқ бўлган ўз юртининг осойишталиги, мардлар майдонида олиб борилаётган ҳаёт-мамонт жанги билан боғлиқ эканини у яхши биларди. Шунинг учун ҳам у ўз дўстлари билан қўрқув нималигини билмай жанг қиларди. У ғалаба кунини яқинлигини биларди. Душманни батамом яксон қилиб, тезроқ туғилиб ўсган жонажон Совет қишлоғига, қавму қариндошлари, ёру биродарлари ёнига бориш иштиёқи уни фашистларни яксон қилишга ундарди. У Совет боғларини жон дилидан севарди. Совет узумларидан ширин узумлар жаҳонда йўқ, Совет қирларида етилган буғдой нонларидай мазали нонлар бўлмайдди, дер эди. У урушга кетгунга қадар ўзи ўқиган мактабда пионер вожатий эди. Уқувчиларни ёнига олиб, баҳор, ёз ва куз ойларида боғбонларга, ғаллакорларга ёрдамга чиқарди. Сават-сават узумларни узарди, ғалла хирмонларини кўтаришда енг шимариб ғайрат қиларди. Совет боғлари — унинг ўсиб улғайган жонажон жойи эди.

Илгарилари Ватан деганда Жўрахон Советни тушунарди. Ватанимизнинг бепоёнлигини картадан кўриб

тасаввур қилса ҳам, ҳаммасидан ўз қишлоғини аъло биларди. Бироқ жангу жадал билан ўтилган ҳар бир шаҳар ва қишлоқни кўрганида юраги ачишар, душманга нисбатан нафрати қўзғирди. Бу шаҳар ва қишлоқлар ҳам гўзалликда Советдан қолишмаган обод жойлар бўлган, лекин фашистлар уни вайронага айлантиришган. Бу қора қузғунларнинг йўли тўсилиб, йўқ қилиб ташланмаса, улар Советгача бориши мумкин. Украина ерларида жанг қилаётган Жўрахон назарида ўз қишлоғи учун курашаётгандек туюларди.

Мана бугун Совет боғларида яна баҳор. Жўрахон «Совет қизларидай гўзал қизлар бошқа ҳеч жойда бўлмайди» деган ўша дилдор, меҳнаткаш, латофатли қизларнинг ёш авлоди ток занглари кўтариб сўриларга боғламоқдалар, чехралари яшнаб, баҳор баҳрасидан завқланиб, бахт ва севги ҳақида қўшиқлар айтмоқдалар.

Жўрахон эса қишлоқ ўртасида, Хўжамушкент сойи айқириб оқиб ўтаётган тепалик устида қора мармар остида мангу уйқуга кетган. Мармарга қуйидаги сўзлар ёзилган:

***«Совет Иттифоқи Қаҳрамони,
гвардиячи лейтенант Жўрахон Усмоновга
абдий шон-шарафлар бўлсин.
1923-1945 йиллар».***

Қаҳрамон хотираси қишлоқда муқаддас сақланади. Совхоз унинг номида, ўрта мактаб унинг номи билан аталади. Совхоз директори Набиев қишлоқ истиқболи ва аҳолининг ватанпарварлик ишлари тўғрисида қизиқарли мисолларни айтди.

Совхознинг ҳосилга кирган юз гектар узумзори бор эди, бу йил икки юз гектар ерга яна ток кўчатлари ўтқазилган. 1980 йилга бориб, 1200 гектар майдонда турли навли ширин-шакар узумлар етиштирилади. Совхоз ғалла, узумчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни

тез суръатлар билан ривожлантирмоқда. Яқин келажакда янги боғлар ва полизлар барпо этилади.

Совхоз директорининг кабинетида Совет қишлоғини қайта қуриб, кичкина шаҳарчага айлантириш плани бор. Тожимирза ака яқин йилларда Хўжамушкент сойининг икки соҳили бўйлаб, янги турар-жойлар, мактаб, магазин, касалхона, совхоз ва бошқа жамоат ҳамда маданий-маиший хизмат бинолари қад кўтаришини мамнуният билан сўзлайди. Адирлар орасидаги пастқам, яккам-дуккам уйлар ўрнида замонавий, кўркем бинолар қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшади.

Қишлоқ маркази — қаҳрамон қабрининг атрофи текисланиб, у ерда хиёбон барпо этилади. Қабр устига қаҳрамон бюсти ўрнатилади. Ватан ботирларининг қаҳрамонликлари ёзилган лавҳалар, паннолар ва суратлар қўйилади.

Мактабда ташкил этилган Жўрахоннинг жанговар ҳаётига оид шон-шўҳрат музейи кенгайтирилади, янги экспонатлар билан бойитилади.

Жўрахоннинг опаси — Хайри опа ҳозир пейсияда. У тез-тез мактабга келиб туради. Ўқувчилар ва музейни кўришга келган кишилар қаҳрамоннинг ёшлиги ва жасорати ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишни истайдилар. Шунинг учун улар Хайри опани учрашувга таклиф этиб, ундан Жўрахон ҳақидаги ҳаяжонли ҳикояларни эшитадилар. Қаҳрамон хотираси эл қалбида абадий сақланади.

Совет қишлоғидаги эзгу ишлар, янги қурилишлар унинг хотирасига қўйилаётган ҳайкалдир. Унинг номидаги улкан ғаллакор хўжалик ва унинг номидаги мактаб ўқувчиларни, ўқитувчилар коллективи ажойиб ватанпарварлик ишларини қилмоқдалар. Жўрахон ҳаётига боғлиқ бўлган ҳар бир нарсани муқаддас сақлаб, унинг мислсиз жасорати ҳақидаги ҳикоялар, ҳужжатлар, суратлар, эсдаликлар, китобларни тўплаб, келажак авлодлар учун авайлаб сақламоқдалар.

1941 йилнинг кузида Совет йигитлари йўлга чиққан эдилар. Мамлакатнинг ғарбий районларида шиддатли жанглар борар эди. Совет йўлларида тикланган телефон-телеграф симлари нотинч дамларни эслатгандай изгиринда ғувиллар, ёғочлари дардли ғирчиллар эди.

Далада экин-тикинлар йиғиштириб олинмаган. Ғалла ташийдиган машиналар, тракторлар камайиб қолган. Улар фронтга жўнатилган. Қишлоққа жанг майдонларидаги йигитлардан ташвишли хат-хабарлар келиб турибди.

Совет қишлоғи яна ўз фарзандларини фронтга жўнатди. Улар қишлоқнинг паст-баланд кўчаларидан ўтиб, Ховосга, район ҳарбий комиссариатига жўнаб кетмоқдалар. Уларнинг йўлга олган озиқ-овқатлари ортилган аравани кекса почтачи қайдаб кетяпти. Аравага қўшилган от бу йўللardan кўп юриб, ўрганиб қолганиданми, йигитларнинг ота-оналари билан хайрлашишларига, «бирдам тўхта, жонивор», деб юганидан тортишларига парво қилмай ўз манзили томон судралади. Йигитлар хаёли аллақачон олс жангларга парвоз этган. Қишлоқ тепаликларида ота-оналари: севимли ёру биродарлари «ой бориб-омон қайтинглар!» деб яхши тилаклар билдиришиб хайрлашиб қолмоқдалар.

Йигитлар орасида Жўраҳон ҳам бор эди. У энди ўн саккизга қадам қўйган, зуваласи пишиқ, зеҳни ўткир, азамат навқиронлардан. Ғайратли, билимли, ташаббускорлиги билан шу ёшидаёқ ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган, бутун қишлоққа танилган йигит эди. Мактаб пионер вожатийси бўлган Жўраҳон ёш авлод орасида тарбиявий-ташкилий ишларда бош-қош бўлиб келди. Ҳаваскорлик тўғарақлари, спорт ишлари жонланди. Турли дарслар бўйича кабинетларда кўргазмали қурооллар пайдо бўлди. Ота-оналар билан болаларнинг мактабдан

ташқари ҳаётларига бағишланган кеча ва йиғилишлар тез-тез ўтказиладиган бўлди.

Йўлда, район ҳарбий комиссариати томон бораётганда бўлажак жангчининг хаёлида кечаги осуда дамлар бир лаҳза жонланди. Гўзал ҳаёт гаштига тўймаган, ёшликнинг олтин даври билан сармаст бўлган йигитнинг кўнгли ногаҳоний қўмсов билан орқада қолаётган жонажон қишлоғига, адирлар орқасида рўмолча силкитиб қолган севгилиси томон қанот қоқарди.

Йигитлар Ховосга келганларида ҳарбий эшелонлар шимол томонга ўтиб кетаётган эди. Станция биноларида ва поездларда «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса галаба учун!» деб ёзилган шиорлар кўзга ташланиб турарди. Йўловчиларнинг аксарияти ҳарбийлар. Район ҳарбий комиссариатида одам кўп. Чақирув қоғозларини олиб, она-Ватан олдидаги бурчларини ўташ учун келган йигитлар навбат кутиб турибдилар. Жўрахон комиссарга учраб, чақирув қоғозини узатди.

Комиссар Жўрахонни юк машинаси ёнида турган, ёши ўттизларга борган қотма, ҳаракатчан лейтенантга таништирди-да:

— Мана, сизга яна бир чўл бургути!— деди.

Лейтенант Жўрахоннинг пишиқ, барваста қаддига синчковлик билан қараб:

— Жуда соз,— деди, сўнг комиссарга раҳмат айтиб, бўлажак жангчи билан кўришди.— Бизга сиздай азаматлар керак. Бирга жанг қиламиз.

Машина ёнида бошқа чақирилувчилар тўпланишиб туришган экан. Лейтенант Жўрахонни улар ёнига олиб борди ва рўйхатни комиссар билан бирга кўздан кечирди. Ярим соатлардан кейин йигитларни сафга тортиб, станцияга олиб чиқди.

Жўрахон шериклари билан тушган вагон Тошкентга келганида лейтенант уларга «вагондан тушиб сафга тизилинглар, вагонда ҳеч нарса қолмасин, қаранглари!» деб буйруқ берди. Қимдир «етдик шекилли» деди. Вокзал ёнида талайгина юк машиналари қатор туришарди.

Йигитларга ана шу машиналарга чиқишга буйруқ берилди. Ховосдан бирга келган лейтенант йигитларга синчков назар ташлаб борарди.

Тошкентда 461-ўқчи дивизия тузилаётган эди. Жўрагонлар ана шу янги дивизиянинг биринчи жангчилари бўлишди. У ҳарбий ҳаётга тез ўрганиб кетди. Командирларнинг аксарияти фронтчи, чиниққан, тажрибали, ўт-олов синовларидан ўтган баҳодирлар эди. Айниқса, полк командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Ўрта Осиё халқлари тилларида эркин сўзлайдиган Александр Васильевич Сидоров билимдон киши эди. Бир кун у жангчилар дам олаётган вақтда бўлинмага келди. Жангчиларнинг кўпчилиги ўзбеклар эди. Александр Васильевич улар билан соф ўзбек тилида суҳбатлаша бошлади.

У фронтдаги аҳвол, фашист газандалари Москва остоналаридан қувиб чиқарилгани ҳақида гапирди. Пойтахт остонасидаги галаба бутун фронт бўйлаб жангчиларимизнинг руҳини кўтарганини, фронтда бурилиш бўлганини айтди. Энди кўп нарсасизларнинг қандай жанг қилишингизга боғлиқ деди.

Командир ҳар бир жангчи билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, навбат Жўраҳонга келганда:

— Сиз ўз қишлоғингиздаги мактабда пионерлар етакчиси экансиз. Яхши комсомол эканлигингизни ҳам айтишди. Энди, бу ерда комсомолларга етакчилик қиласиз. Қаранг, атрофингиздаги йигитларни, ҳаммаси комсомол аъзоси. Лочин йигитлар. Шундай азаматларга комсомол сардори бўлиш катта шараф. Йигитлар, нима дейсиз?— деди.

Жангчилар унга жавобан бараварига:

— Усмонов яхши ўртоғимиз, аълочи жангчи, актив комсомол, уни сайлаймиз. Майли комсоргимиз бўлсин,— дейишди.

Бу суҳбатдан кейин, ўтган йиғилишда, Жўраҳон рота комсорглигига сайланди. Дивизия Тошкентда тузил-

ганлиги учун, унинг шахсий составидаги жангчиларнинг аксарияти Ўрта Осиёги республикаларидан келган йигитлар эдилар. Жўраҳон комсорг бўлган ротада ҳам ўзбекистонлик жангчилардан ташқари, Қозоғистоннинг Чимкент, Қирғизистоннинг Ўш областларидан чақирилган баҳодирлар бор эди. Турли миллат фарзандлари бир оила аъзоларидай аҳил, ҳамжиҳат бўлиб яшардилар. Бошига катта ташвиш тушган она диёр қисмати уларнинг қўлига қурол берган эди.

Ротанинг бўш вақти йўқ эди. Тонг қоронғусидан бошлаб қош қорайгунга қадар йигитлар тик оёқда майдонларда тинмай машқ қилар эдилар. Жанг майдонларида гитлерчиларга даҳшат солиб, оғир олишувларда ярадор бўлиб, госпиталда даволаниб, сўнг Тошкентдаги дивизияга келиб қолган командирлар жанг майдонларидаги қийинчиликларни жангчиларга эслатиб, машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади, деб сабоқ беришарди.

Жўраҳон 237-полкнинг 3-батальонида хизмат қиларди. Батальон командири майор Иван Савельевич Пруцаков тажрибали ҳарбий бошлиқлардан эди. У тез-тез жангчилар аҳволидан хабардор бўлиб турарди. У келганида Усмонов ротани «Смирно!» деб оёққа тургазмоқчи бўлса, Иван Савельевич аста қўлини кўтариб, «Ўлтиринглар, суҳбатни давом эттираверинглар» деб Жўраҳон ёнига келиб ўтирарди.

Батальон машқ қилиш учун баъзида қўргондан ташқарига чиқиб кетар, колхоз далаларида, шаҳар атрофидаги аҳоли пунктларига яқин жойларда бўларди. Машқдан кейин йигитлар саф тортиб, ашулани айтиб қадам ташлаб йўл босганларида хонадонлардан қариялар, бола кўтарган оналар, ёш болалар чиқиб кўча бетида туриб, уларни кузатар, ўз халоскорларига қарагандек ихлос қилишар, қизлар рўмолча силкиб хайрлашиб қолар эдилар. Бир кун машқдан кейин йўлда Жўраҳонга ойрухсор бир қиз атир гул бойламини бериб, «Ғолиббек бўлинг» деди. Жўраҳон шошганидан қизга раҳмат ҳам

айтолмай қолди. Қиз эса кўчаннинг нариги бетига ўтиб, жозибали жилмайиб турарди. У ифбатли гўзал қизга қарадию «Бундай дилрабо, гўзал қиз учун ўтли жангларда Голиббек бўлмаган номард» деди. Ёнида бирга қадам ташлаб бораётган Мажидвой дўстининг сўзидан завқланиб «зўрсан-ку» деб қўйди.

Жўрахон дўстига жавоб қайтармади. Анча жойгача хомуш бориб, сўнг бошини кўтариб дўстига қараб:

— Бундай гўзаллар юртимизнинг ҳамма жойида бор. Менинг она қишлоғим Советда ҳам бир гўзал менга термулиб, рўмолча силкиб, «ой бориб, омон қайтнинг» деб қолган. Мен бу атиргул соҳибасини кўриб, ўзимнинг ўша ҳамқишлоқ гўзалимни эсладим.

Йўлда мактаб ёшига етмаган болалар тушган эски юк машиналари кўринди. Лапанглаб бораётган ҳар бир машинада йигирма-ўттиз чоғли бола бор. Улар орасида биттадан кекса аёл бўлиб, болаларни қўлларидан ушлаб, «Маҳкам ушлашиб ўтиринглар, қимирламанглар» деб уқтириб борар эди.

— Жанг бораётган жойлардан келтирилган болалар,— деди Мажид хаёл суриб.

— Сен қаёқдан биласан?— деб сўради Жўрахон.

— Вокзалда бир инвалид қариндошим ишлайди. Ушандан эшитгандим. Ҳар кун шундай болалар келишар экан. Уларни болалар уйига жойлаштиришар, фарзандталаб кишиларга беришар экан.

— Бечоралар... Болаларда нима гуноҳ?!— Жўрахоннинг кўзлари ёниб кетди.— Лаънати уруш инсонни инималарга дучор қилмади. Онани фарзанддан, фарзандни юртидан, бахту баҳоридан жудо қиляпти Фитлер! Қани энди тезроқ фронтга юбориша қолса эди, бундай етим-есирлар камроқ бўлармиди...

Машиналар аста юриб, саф тортган жангчилар ёнидан ўтиб кетди. Болаларнинг кийим-кечаклари бир аҳволда. Ўзлари озиб-тўзиб туришибди. Жангчиларга қараб, кўзлари жовдирайди.

Йўлдаги бу воқеа Жўрахонга қаттиқ таъсир қилди, болаларнинг маъёс жовдираган кўзлари кўз ўнгида қолди, кўрганларини опаси Хайрига ёзиб юборди. Яқин кунларда фронтга жўнаб кетишини ҳам билдирди.

Ниҳоят, қиш чилласида фронтга жўнаш ҳақида буйруқ келди.

Жўрахон ўз жўралари сариоғочлик Жўлдас Сулаймонов, ленинободлик Домулло Азизов, бекободлик Степан Ильин, ховослик Умурзоқ Эминов, ғазалкентлик Қалибой Тасқуловлар билан бир ерга тўпланишиб суҳбатлашиб туришарди. Шу вақт улар ёнига Малла Абдуллаев келади. У батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари эди. Кўпни кўрган, билимли, хушсуҳбат бу командирни жангчилар ҳурмат қилишарди. У ҳам жангчиларга яқин бўлиб қолган эди. Тошкентда ҳарбий таълимни пухта ўрганиб, бугун фронтга кетаётганларга бундай деди:

— Мана, эшелонимиз жўнашга тайёр. Атрофимиздаги одамларга қаранг. Улар бизнинг ота-боболаримиз, момоларимиз, опа-сингилларимиз, норасида гўдакларимиздир. Улар, душманни тезроқ даф қилиб, омон-эсон қайтиб келинглар, деб турибдилар. Уларнинг бу тилаги бизларга мададкор бўлсин!

Абдуллаев икки ёнидан оппоқ буғ чиқариб пишиллаб турган паравозни кўрсатиб, буюрди:

— Энди вагонларга чиқинглар, баҳодирлар!

Эшелон аста жойидан қўзгалди.

Қизил вагонларда кетаётган жангчилар чўян печка атрофида давра қуриб фронт ҳақида, ортларидан келаётган очиқ вагонлардаги машиналар, замбараклар ҳақида суҳбатлашишади. Айримлар хаёл суриб кетяпти. Йўлга чиқилган куннинг эртасига поезд қайсидир станцияда бироз тўхтади. Вагон эшиги очилиб, Малла Абдуллаев ичкарига кирди. Жўрахон командирни қаршилаб, унга аҳвол ҳақида ахборот берди, ёнидан жой кўрсатди. Яна қизгин суҳбат бошланди. Малла ака

дивизияга «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясидан сиёсий раҳбарлик ишига чақирилган экан. Шунинг учун бўлса керак сиёсий аҳволни тез тушуниб етар, кишиларнинг руҳини кўтара биларди. Командир жанг майдонларида гитлерчи босқинчиларга қақшатқич зарба бериб, шуҳрат қозонган юртдош жангчилар ва улардан келиб турган хат-хабарлар тўғрисида қизиқарли маълумотларни сўзлаганида йигитларнинг айниқса кўнгли кўтарилди.

— Ота-оналаримиз бизларнинг ғалаба билан қайтишимизга катта умид боғлаб, йўлга кузатиб қолдилар. Бу ишончни шараф билан оқлаймиз, ғалаба билан қайта-миз!— деди Жўрахон сиёсий раҳбар сўзларидан илҳомланиб.

— Албатта шундай бўлади,— дейишди йигитлар ҳам.

Уртага бир лаҳзалик жимлик чўкди. Бу жимликни яна Абдуллаев бузди. У паст, айна пайтда шиддатли овоз билан ўқий бошлади:

Кўрсин десанг жаҳонни кўзим,
Ўссин десанг боғимда узум,
Умид билан ўстирган қизим
Десанг агар бўлмасин увол:
Қўлингга қурол

ол!

— Худди бизга атаб ёзилгандай-а,— деди Мажид.— Этинг жимирашади эшитганингда...

— Бизга ёзилмай, кимга ёзилган бўлсин ахир,— деди Жўрахон бир зум жим қолиб, шеърнинг «Ўссин десанг боғимда узум.... Азиз бўлса бир парча нонинг» мисраларини такрорлади.— Қандай чуқур маъноли сўзлар. Мана биз яшнаб турган узумзорларимизни, серҳосил боғларимиз, далаларимизни қолдириб, еган нонимизни азиз тутиб, жангга кетяпмиз. Устоз шоирнинг олмос қирра сўзлари ҳам бизга шу муқаддас бурчни эслатиб турибди.

Малла Абдуллаев жангчиларга кўп минг кишилик Тошкент меҳнаткашларининг москваликларга йўллаган

мактублари ҳақида сўз бошлади. Шеър билан ёзилган бу мактубдан айрим мисраларни ёддан айтиб, уни сизлар ҳам ёдда сақланглар, деди.

Вагондаги суҳбат йигитлар хотирасида бир умр сақланиб қолди. Жанг майдонига кириб келганларида ҳам атоқли шоирларимизнинг жангчи йигитларимизга атаб ёзган эҳтиросли шеърлари тилдан тушмади.

1942 йилнинг 24 феввалида дивизия Тула шаҳрига етиб келди. Туланинг қаҳрамонона ҳимояси Улуғ Ватан уруши тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Шунинг учун ҳам Тула фахрли қаҳрамон шаҳарлар қаторидан муносиб ўрин олди.

Баҳор нафаси эсиб турган 1942 йил апрель ойининг иккинчи ярмида дивизия мудофаа маррасини эгаллаб, 50-армиянинг ҳужумга ўтган қисмларини ён томондан ҳимоя қилиш ҳақида буйруқ олди.

Дивизия қисмлари ва бўлинмалари ўрмон четлари, бутазорлар ва душман вайрон этган қишлоқларга мудофаа марраларини қурдилар. Жўраҳон батальони арава йўли ўтган бутазор орасида жойлашди. Фронтишг биричи кун. Узоқдан отилган тўпларнинг, яқиндан чипқириб ўтган милиця, пулемётларнинг овози ноҳуш кайфият уйғотди. Командирлар, санитарлар, телефончн-алоқачилар, таъминот хўжалигининг жангчилари у ёқдан бу ёққа ўтиб туришибди. Баҳор ёмғири ҳамма ёқни кўлобга айлантриб юборган. Жўраҳон бешотар милтигини окоп устига қўйиб, олдинги маррани зийраклик билан кузатиб турибди. Гоҳида тепасидан шангиллаб ўтган мина, снарядлар товушига хавфсираб, бош кўтариб қараб қўяди. Ёнидаги шериклари ҳам яқин ўртада гумбирлаб портлаган овозлардан сесканиб, ўзларини окоп ичига оладилар, тамаки чеккилари келиб, шерикларидан махорка сўрайдилар. Ўлим юракка чангал солиб, хаёлни қочиради. Қайси бир командир «ўқ қўрқоқни ахтаради» деб айтган эди. Шу мақол Жўраҳон кўнглига келди. Ҳар йигитга бир ўлим бор. Бу ерга ўлиш

учун эмас, ёв билан олишиш учун келганман. Дадил турай. Дадил турсам қўлим баланд келади. Ҳа, бошимни кўтариб, душман томонни бир кузатай. Қани атрофда нима гап экан.

Мудофаа марраси ноқулай жойда эди. Фашистлар атроф-теваракдаги қишлоқларни ёндириб юборган эди. Йўллар ҳам ағдар-тўнтар бўлиб ётибди. Дивизиянинг юк машиналари олдинга ўтолмай қолди. Таъминот базаларидан чиққан машиналар белгиланган ерга етиб боролмас, ботқоқ жойларда қолиб кетарди. Жангчилар ва командирлар оч-наҳор, бир неча кун туз татимай жанг олиб бордилар. Озиқ-овқат ва ўқ-дориларга муҳтожлик кучайди. Лекин бундай оғир шаронгда ҳеч ким иккилашмади. Темир ирода, зафар иштиёқи қолиб келди. Бу аҳвол бир неча кун давом этди. Май ойига бориб аҳвол яхшиланди.

Июнь ойининг ўрталарида Яковлевка қишлоғини ва 244,6 — тепаликни қўлга олиш ҳамда у ердаги душман кучларини аниқлаш учун разведка жанги бошланди. Полклардан териб олинган ҳужумкор отрядлар артиллерия отишмаларидан сўнг душман устига ташландилар. Лекин душмanning мудофаа марралари кучли эди. Уни қувиб чиқариб бўлмади. Жангчиларимиз мислсиз жасорат кўрсатдилар. Командирлардан Малла Абдуллаев И. Р. Тюкаев, И. Н. Супрун ва Т. И. Сауленколар, шунингдек жангчилардан Ф. И. Секиевский А. Т. Олейников ва бошқалар шахсий намуна кўрсатдилар. Душмanning кучи қақшади, ўт очиш нуқталари аниқланди. Бу жанг дивизия кишилари учун катта синов бўлди. Дивизиямиз жангчилари ўзларини дадил ва баҳодир жангчилар эканликларини намойиш қилдилар. Жанг тафсилотлари бўлинмаларда ўрганилди. Янги жангларга тайёргарлик кўришда унинг сабоқлари қўл келди.

Улуғ Ватан урушида қатнашган ҳар бир жангчининг ўз жанговар тарихи ва бир умр эсда сақланиб қоладиган воқеалари бўлади. Жўрахон Усмонов ҳам Тула яқинида-

ги ва Курск — Орёл ярим доирасидаги жангларда қатнашди. Бир неча бор яраланди. Жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. Лекин унинг ҳаётида катта воқеа бўлган, номини бутун мамлакатга ёйган, Улуғ Ватан уруши баҳодирлари тарихига номини олтин ҳарфлар билан ёзилишига сабаб бўлган жанг бу қиссада қаламга олинди. Бу воқеа қардош Белоруссия ерида, Сож дарёсини кечиб ўтиш жангида бўлган эди.

Сож дарёси, 1943 йил сентябрь ойи. 69-дивизиянинг қисмлари дилларга азиз Сож дарёсини кечиб ўтишга ҳозирланди. Лекин душман атрофга кучли мудофаа тўсиғи ўрнатиб олган. Соҳил бўйлаб мустаҳкам истеҳкомлар, ўт очиш нуқталари қурилган. Душманни дарёнинг ғарбий қирғоғидан улоқтириб ташлаш керак. Шундай қилинганда у ердан Днепрнинг шарқий соҳилига чиқиб олиш мумкин. Сапёрлар бошчилигида қисмларда кечиш учун ҳамма керакли қуролларини тайёрлашга киришилди. Кечаси қайиқ ва соллар ясалди. Шунингдек, қуруқ ёғоч, тахта, бўш бочка — сувга чўкмай ушлаб кетиш мумкин бўлган ҳамма нарсаларни тахт қилишга киришилди.

Жўрахон шерикларини ёнига олиб, қуруқ ёғоч ахтариб кетди. Мажид Жумағалиев ва Филипп Алешин йўл четидаги чуқурликда ёғоч уюлиб ётганлигини айтишди. Жўрахон бу икки шеригини ёнига олиб у томонга югурди. Чиндан ҳам чуқурликда ёғоч уюлиб ётганди. Сал ўтмай бошқа шериклари ҳам у ерга бориб ёғоч тахта ва бир халта эски занглаган мих топиб келишди. Қоронғу тунда қайиқ тайёр бўлди.

29 сентябрга ўтар кечаси 120, 203 ва 237-полклар Сож дарёсини кечиб ўтишга киришдилар. Лекин айёр душман ўзини панага олиб, дарёга яқин полк бўлишмаларини кузатиб турган эди. Биринчи десант группа дарёга тушиши биланоқ, душман пулемёт ва автоматлардан кучли ўт очди. 120-полк кечувни тўхтатишга мажбур бўлди. Ўша куни дарёни кечиб ўтиш фақат 237-полкнинг 3-батальонига насиб бўлди. Батальон командири

капитан Д. В. Богданов бошчилигидаги 43 жангчи қаршидаги соҳилга ўтиб олиб, дарҳол у ерда окоплар қазиб, жойлашиб олдилар. Душман ўз тумшугида пайдо бўлган шапалоқдай плацдармни эгаллаган 43 совет жангчиси ўрнашган соҳил қисмига мина ва снарядларни тўхтовсиз ёғдира бошлади.

Ёв ичига ёриб кирган жангчиларимиз мислсиз баҳодирлик кўрсатдилар. Хоҳ командир, хоҳ оддий солдат бўлсин атрофдан ёпирилиб, плацдармдан суриб чиқаришга уринаётган гитлерчиларнинг ҳужумларини мардонавор қайтариб турдилар ва ўзлари ҳужумни кучайтирдилар. Ҳар икки томон ҳам тўқнашиб, граната, ханжарларни ишга солган вақтлар ҳам бўлди. Ана шундай шиддатли олишувларнинг бирида полк штабининг бошлиғи капитан С. А. Прозоров бир қўлида автомат билан ёвга ўқ ёғдириб иккинчи қўлида рацияни тутиб, жанг тафсилотлари ҳақида дивизия штабига ахборот бериб туриб ҳалок бўлди. Шиддатли ҳужумларнинг бирида рота командири старший лейтенант И. Т. Дежурних nobуд бўлди ва батальон адъютанти капитан В. Н. Андрюков оғир яраланди.

Бундайларнинг сони анчага етиб қолди. Батальон командири капитан Богданов ҳам яралангандан сўнг аҳвол айниқса оғирлашди. Душмanning мақсади жангчиларга аён эди. Улар ҳужумни кучайтириб, жангчиларимизни дарёга суриб, фарқ этишмоқчи. Ҳужум устига ҳужум. Мана душман пулемётчилари ва автоматчилари яна олдинга чиқди.

Ярадор Богданов командирликни лейтенант А. И. Озеровга топшириб, бундай деди:

— Мен ўзимизникиларнинг кечиб ўтишлари, бу ёққа ўқ-дори жўнатилиши ва ёрдамчи кучлар юборилишига ҳаракат қиламан. Имконияти борича сизларни ҳимоя қиламиз.

Батальон командири билан яраланган беш жангчи ҳам дарёдан кечиб ўта бошладилар.

Жароҳатлари ниҳоят огир бўлган кишиларгина улар билан бирга кетган. Уларнинг юриши ҳам амри маҳол. Айримлар жангчи Андриковга ўхшаб кечув вақтида дарё ўртасига борганда ҳушидан кетиб гарқ бўлди.

Плацдармда бизнинг жангчиларимиз оз қолганлигидан хабар топган душман қандай бўлмасин, уларни тормор қилиш учун янги кучларини жангга ташладп. Кеч кириб, қош қорайганда саккизинчи марта ҳужумга ўтди. Унинг бу ҳужуми пучга чиқди. Ўндан ортиқ жангчисидан ажраллиб, тун қатъида яна ўз жойига яширинишга мажбур бўлди. Тун ярим бўлганда жангчилар бир-бирларидан хабар олдилар. Ярадорларга ёрдам кўрсатдилар. Ўқ-дориларни ҳисоблаб эртанги кунга ҳозирлик кўриш ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Рота комсорги старший сержант Жўраҳон Усмонов лейтенант Озеров ёнига бориб ёвнинг янги ҳамлаларига қарши қаттиқ зарбалар бериш чорасини кўрдилар.

— Александр Ильич,— дея Озеровга мурожаат қилди Жўраҳон, йигитларни қараб чиқдим. Оёқда турган жангчилардан ўн киши қолибмиз. Ўқ ва гранаталар оз қолди.

— Шарқий қиргоқдан ўқ-дориларни кутиш амри-маҳол. Дарёга тушган қайиқларни душман сувга гарқ этапти. Бошқа илож йўқ. Шу ердан топамиз. Жанг майдонидан ўқ-дориларни ва қуролларни йиғиштириб олишни ташкил этинг.

— Шундай қиламиз. Ҳа, ҳар бир ўқни, ҳар бир гранатани ҳисобга олиш керак. Мен кетдим. Кечадан бери дам олмаган, чанг-тупроққа ботган, ҳориб мадордан кетган лейтенант Озеровнинг лаблари қуриқшаб, тамшанди. Сув йўқ, Жўраҳоннинг сувдонида ҳам бир томчи сув қолмаган, ноилож туриб чиқиб кетди.

Душмандан тортиб олнган окоплар ўпирилиб ётибди. Жангчилар тун қоронғусидан фойдаланиб, ўзларига янги окоплар қазиб олмоқдалар. Лекин кун бўйи жанг натижасида оч-наҳор қолган жангчилар, куч-мадори

кетган бўлса ҳам астойдил ишлар эдилар. Кимдир белкуракда шиддат билан оқоп қазияпти. Жўрахон яқин борган эди, уни таниб қолди.

— Мажид дўстим, бу сенмисан?— деди хурсанд бўлиб Жўрахон.

— Ҳа менман, ошна,— Мажид белкуракни оқоп ичига ташлаб, лабини енги билан артиб Жўрахоннинг кама-ридаги осифлик сувдонига қаради. Жўрахон дўстининг фикрини пайқади-ю, бошини қимирлатиб, суви йўқ деган аломатини билдирди.

— Дарёга бориб келаман,— деди Мажид.

— Душман отиб турибди-ку. Бунинг устига ракета-лари ҳаммаёқни ёритиб юборган. Борма, бир иложини қиламиз.

— Йўқ, ошнам, бизга сув керак. Озеровдан рухсат олиб келаман.

Мажид ўрнидан туриб, траншеядан югуриб кетди ва иккита сатилча кўтариб келиб қолди:

— Айтмовдимми, армияга сув керак деб,— Мажид плацдармда омон қолиб, жанг бораётган ўн кишини «армия» деб ғурур билан гапирди. Сўнг дўстига деди:

— Мени шу ерда кутиб тур, ҳозир сув олиб келаман.

— Эҳтиёт бўл,— деб дўстининг орқасидан тайинлаб қолди Жўрахон.

Мажид лип этиб оқоп устига чиқиб, дарё томонга югуриб кетди. Осмонга душман ракетаси отилди. Орқасидан пулемёт ва автоматлар тариллаб қолди. Жўрахон Мажид кетган томонга ташвишланиб қаради. Дўстининг қораси кўринмайди. Ракета сўниб яна атрофга зулмат чўкди.

Бир маҳал орқадаги траншеядан бир нима лип этиб ўтгандай бўлди. Жўрахон пайқамай қолди. Бу — Мажид эди. Ҳансираб, пишиллаб этиб келди, қўлида сувдон.

— Сатплчалар қани?— сўради Жўрахон.

— Эгаларига топшириб келдим. Буниси сенга,— деди у, сувдонни дўстига узатиб, кейин қорнини ушлаб

сўради,— тишлайдиган бирор нарсанг йўқми?— У жуда очиққан кўринарди.

— Икки дона сухарим бор. Бири сенга,— деди Жўрахон ва елкасидаги қопчиқдан икки дона сухари олиб, бирини дўстига узатди. Мажид қотган тараша нонни дарёдан келтирган сувга ботириб, ҳафсала билан ивитиб, чайнай бошлади.

Ун киши қолдик,— деди Жўрахон.— Нима бўлса ўртада баҳам кўрамиз. Улимни ҳам, ғазабни ҳам...

— Кемага тушганнинг жони бир,— деди Мажид ҳам товарак атрофга қулоқ солар экан.— Зулматни қара ҳеч нарсани кўриб бўлмайди-я.

Жўрахон шеригининг сўзига жавоб қайтармади. У ҳозир ўқ-дори топиш ҳақида ўйларди. У дўстини аста туртиб, «қани юр, ўқ қидирамиз» деди.

Икки жангчи қўшни окоплардаги жангчилардан — Петр Чехни, Изот Лелитани, Андрей Шевелевни ёнларига олиб, кундузи жанг бўлган жойларга гоҳи эмаклаб, гоҳида судрала кетишди.

Душман тун қоронғулигидан ўлгидай чўчиб қолган. Чунки тунда унинг одамлари йўқолиб қолади — разведкачиларимизнинг «ўлжа»сига айланиб, штабга келтирилади. Шунинг учун қоронғу тушиши биланоқ жанг майдони устида мушакбозлик қилади. Атрофни ёритиб, шарпа сезиб қолса ўқни аямайди.

Ўқ-дори ахтариб кетган жангчиларимиздан бирор таси ўзини сездириб қўйдими ҳар қалай душман устмауст ракета отиб, улар бораётган жойларни ёритиб қўйди. Йигитлар кўкракларини захга бериб, муздай тупроқни ҳидлаб ётдилар. Жўрахон юзини ерга қўйди. Ер намиқиб турибди. Хазонрезги бошланган. Эрта тўкилган барг тупроқ-лойга қоришиб, ивиб ётибди. Қора қозонга ўхшаган осмон бағридан қаёққадир шошиб ўтаётган қушларнинг тунги нотинч овозлари эшитилади.

Жўрахон ўнг томонида кўкрагини ерга бериб, бошини сал кўтариб, душман ракеталарининг сўнишини кутиб ётган Шевелевни аста туртиб, «қани, кетдик» деган

ишорани билдирди. Шевелев эса ўздан кейиндаги шерикларига ишора қилди.

Ракеталар сўниб, атрофга яна зулмат чўккач, йигитлар эрталабки жанг бўлган жойларни пайпаслашиб кетишди. Учта автомат, иккита қўл пулемёти, ўндан ортиқ гранаталар топишди. Бир яшикка яқин ўқ-дори ва чала отилган автомат дискаларини топиб олишди. Душман қолдириб кетган автомат, қўл пулемёти ва ўқ-дориларни ҳам йиғиб олиб кетишди.

Мажид ўқ яшигини қўлтиқлаб кетаётиб, бўш консерва қутисини босиб, пачақлаб ўтди. Яшикни ерга қўйиб, уюлиб ётган консерва банкаларини бирма-бир ушлаб кўрди. Жўраҳон етиб келиб, «Нима қиляпсан?» деди.

— Консерва банкаларига қоқилиб кетдим. Бутуни борми десам, йўқ экан.

— Қорнинг жуда очиқибди, дўстим.

— Ўша сендан олган сухари билан юрипман-да,

— Тур дўстим. Мана, ўқ-дорини топиб келяпмиз.

Тамадди ҳам топилиб қолар.

— Мадор қолмаяпти.

— Чидаш керак. Сабр инсон иродасининг тожи.

— Сабр...—Мажид ўрнидан аста қўзгалди, жаҳл билан, бўш консерва банкаларини тепиб юборди. Қутилар жаранглаб кетди.

— Жинни бўлдингми? Ёт!—Жўраҳон ерга ётди. Мажид ҳам яшикни ерга қўйиб, унинг орқасига беркинди. Осмонга ракеталар кўтарилди. Душманнинг автомат ва пулемётлари аланга-учқун кўтариб, атроф-теваракда ўқ ёмғири ёғдира бошлади. Шу аҳвол ўн-ўн беш мингча давом этиб, отишма насайганди, Жўраҳон Мажидни туртди:

— Тур, галварс!

Икки ҳамшаҳар ўриларидан туриб, шериклари ёнига югуриб кетди. Улар окоп қазиб, ўрнашиб олган истехкомга етиб боришиб, келтирган ўлжаларини шерикларига бўлиб беришди.

Сўнги диска қолди. Жўраҳон уни қўлига олиб, лейтенант Озеров ёнига борди. Командир жуда ҳориган эди. Кундузи бир дақиқа ҳам дам олмади. Жўраҳон билан бирга ҳаммадан кўп ўқ узиб жанг қилишига қарамай, қолган жангчиларни ҳам чаққон қаракат қилишларига бошчилик қилди. Ярадорларни хавфсиз пана жойларга кўчириб, уларни дарё орқали санчастига жўнатишга ҳам ўзи бош-қош бўлди.

Озеров автомат дискасини қўлига олиб, унинг вазнидан ўқи озлигини билди.

— Оз қопти, майли шунисига ҳам шукур,— деди. Бўш дискани автоматдан ажратиб, унинг ўрнига Жўраҳон келтирганни ўрнатди, сўнг қуролини окоп усти-брустверга қўйди, Лейтенант ўзини билдирмасликка ҳаракат қилсада, унинг чарчаганлиги нигоҳи ва салқиган юзидан билиниб турарди. У чекадиганлардан. Лекин бир чимдим ҳам тамаки қолмаган.

— Ўқимиз кам, гранаталарни авайлаб ишлатиш керак,— деди Озеров окоп ковагидаги иккита «лимонка» гранатани қўлига олиб,— Ўқ бўлмаса, булар билан жанг қиламиз.

— Граната йигитларимизда бор. Тонг отса асосан гранатабозлик жанги бўлади,— деди Жўраҳон ҳам.

Шу вақт душман томондан пулемёт овози эшитилди. Йигитлар турган окоплар устидаги қум-тупроқ уюмлари тўзғиб, ўқ лентаси ярақлаб, тизилиб ўтди.

— Кечаси ҳам жим турмайди лаънатилар,— деди Озеров елкасига тушган қумни қоқиб.

— Қўрқади-да. Шерикларини ҳушёр туришга чақиради,— жавоб қайтарди Жўраҳон. Ўқ овози тингандан кейин ўрнидан турди-да, дўстларидан хабар олгани чиқиб кетди. Тонг отишига ҳам оз қолди. Бу тонг бизга нима олиб келар экан?

Озеров жавоб қайтармади. Окоп деворига суяниб, кўзи юмилиб, мудрай бошлади. У ҳар доим Жўраҳон окоп ичида айланиб юрганида, тинчиб бир мудраб ола-

ди. Жўрахон кўрпимаса ёки окопида жим ўтирса, ўзи сергак туриб, жангчилар аҳволдан хабар олиб юради.

Жўрахон автоматни окоп устига қўйиб, шерикларига қаради. Олти киши ўз жойида сергак турибди. Уч киши дам оляпти. Тун ярмидан оққанга қадар ўқ овозлари тиимай турди. Саҳарда эса, ҳар икки томондан отишма тўхтади.

Сирли осойишталик. Отишма тўхтаса, изланпш бошланади. Жўрахон шерикларини атрофни синчиклаб кузатиб туришга, қоронғуликдан фойдаланиб, душман бостириб келишидан огоҳлантирди.

Иигитлар «ҳушёрмиз, жангга тайёрмиз» дегандай бош қимирлатдилар.

Оғир синов палласида инсон иродаси унинг бирдан бир мададкори бўлиб қолади. Ўзининг асосий, қудратли кучидан — забардаст дўстларидан вақтинча ажралиб, ёв ичкарасида жанг олиб бораётган кичик гурӯҳда бирлик, қудратли ҳамкорлик ғалаба гарови бўлиб қолди.

Иигитлар рота комсорги Жўрахонни ўзларининг сиёсий раҳбарлари ва жанговар, баҳодир командирлари деб билдилар. Шунинг учун ёнларида Жўрахон пайдо бўлса, ундан маслаҳат ва топшириқ кутиб, унинг буюрганларини жон-диллари билан бажаришга тайёр турардилар... «Нима гап, нима маслаҳат» деб унга савол аломати билан нигоҳ ташлайдилар. Жўрахон қайси бир шеригининг ёнига бормасин «яхши турибсанми азамат» деб ҳол сўрайди, юзида дўстнга меҳр жиқоланади.

Киши кишига мададкор бўлмаса, унинг бир ўзи ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайди. Оғир дамда кичик бир давра ҳам ўз ичидан дадил, доно кишини бошлиқ қилиб сайлайди, унинг сўзига қулоқ солади, унинг ғалабасига — ишончли манзилга беҳатар олиб боришига ишонади.

Жўрахон ўзида ҳамниша ана шундай ишончни сезиб турди. Ҳозир ҳам автоматини окоп устига қўйиб, бир

лаҳза хаёлга берилди. Дўстлари ҳақида ўйлади, албатта. Кейин хаёли қишлоққа элтиди. Жўрахон қоронғу осмонга қаради. Самони қоплаган булутлар аста тарқалапти, тонг шамолни кучли эсиб турибди. Совет қирларида ҳам мана шундай салқин шабада эсиб туради. Булутлар орасидан митти юлдузлар йилтираб кўринади. Одамлар қадим вақтларда юлдузга қараб манзилларига адашмай етиб борган эканлар. Қани энди юлдузларга қараб ғалаба йўллариини ҳам билиб олинса. «Юлдузим ўзим билан, зафарим ҳам ўзим билан келади» деди у хаёлан пешонасида қизил юлдуз ярқираган жангчи эканлигини хотирлаб.

Мактабда пионер вожатий эди. Бу ерда комсомоллар сардори бўлди. Одамлар тақдирини унинг измида. Дарёнинг нариги ёғида полк комсорги, дивизия комсорги плацдармдаги ўз вакилига катта умид боғлаб, ундан жасорат кутиб турибди. Эрта-индин дивизия дарёни кечиб ўтади. Плацдарм ёвдан тозаланди. Плацдармга биринчи бўлиб ўтиб, ёвга даҳшат солиб турган жангчилар орасида коммунистлар ва комсомоллар бор. Улар ўз ташкилотларига, дўстларига ҳисоб берадилар. Бу — эзгу одат. Жўрахон ҳам плацдармда комсомол дўстлари билан ёвга қарши қандай жанг қилганлиги ҳақида батальон комсоргига ҳисоб беради. Бу — унинг эътиқод бурчи.

Шамол тезлаб, унинг нафаси баданга аччиқ ботади. Тонг отса сентябрнинг охириги куни бошланади. Кейин октябрь. Белоруссия ерида октябрь салқин келади. Ингитларга эса ҳали шинель берилмаган. Жўрахон жунжикди. Қалқиб олди. Лекин совуқ қотганлигини шерикларига билдирмади. «Балки қорин очгани учун ҳам шундайди» деб ўйлади. Лекин ҳозир совуқни ҳам, қоринни ҳам ўйлайдиган вақт эмас деб ўзига далда берди. Ҳозир инсон тақдирини, жанг тақдири ҳал бўладиган вақт. Шунинг учун соҳилда қад кўтарган эман дарахтидай мустаҳкам туриш керак.

Мажиднинг қўлида чўғ кўринди. Енгининг ичига

беркитиб олган папиросини кўрсатиб, дўстига чекишни таклиф қилди.

Жўрахон унинг қўлини аста туртиб:

— Ўзинг чекавер, менинг кўнглим тортмаяпти,— деди.

Мажид Жўрахоннинг олдига ўтирди. У жуда чарчаган кўринади. Бунинг устига оч қоринга чекиб ўтирибди.

— Уйқу қочсин деб чекапман. Қани энди бунинг ўрнига паловми, бешбармоқми бўлса!— Мажид бу сўзи билан тамаки тортишни хоҳламаган дўстининг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

— Ажойиб йигитсан-да,— деди Жўрахон ҳам лабини қимтиб,— палов дейсан-а. Шавла бўлсаям майли эди-я. Ҳозирча хаёлда. Ноумид шайтон. Биз бу ерда оламдан ажралиб ётабермаймиз. Биз ўтдикми, эртага қолган шерикларимиз ҳам ўтади. Ёвни Сталинграддан, Ленинграддан, Кавказдан қувиб келяпмиз. Бу ёқда ҳам бўш келмаймиз. Уни Берлингача қувиб борамиз. Ўша ерда сўнги жазосини бериб, галаба байрогимизни ҳилпиратиб, уйимизга қайтамиз. Меникига келсанг— сени палов билан зиёфат қиламан. Сеникига борсам олдимга роҳати-жон бешбармоқ қўясан.

— Айтганинг бўлсин, дўстим,— деди Мажид, ўша орзули кунларга етгандек тамшаниб.

Тепадан снаряд учиб ўтди. Душман отадиган тўпидан ўт очган эди. Снаряд дарёнинг шарқий қирғоғида зарб билан портлади.

— Узоқдан ҳам отяпти ғаламислар,— деди чекиб бўлган тамакиннинг қўлида сўниб қолган қолдиқ-қоғозини оёқ остига ташлар экан Мажид.

— Кечувдан қўрқаяпти. Шунинг учун бор қуролини ишга соляпти, жавоб қайтарди Жўрахон. Сўнг дарё томонга, хира юлдузлар шуъласида жнлваланиб оқаётган дарёга қаради. Қани эдики, Сожнинг сувидай сероб дарё Ховос чўлидан айқириб ўтса. У ерда антиқа боғлар пайдо бўларди. Одамлари қўли гул миришкор соҳибкор-

лар. Атрофда бутазорлар кўрипади. Майда ниҳоллар кўп. Ҳар жой-ҳар жойда уюлиб ётибди. Қани эдики, улар мева кўчатлари бўлса. Бириси беҳи, бириси нок, бириси олма, бириси олхўри, бириси анор бўлса. Анор!... рус тилида уни «гранат» дейдилар. Ҳа бу ерда ҳам гранатлар бор. Лекин у ёвга даҳшат соладиган «гранат».

— Шерикларимиз ухламаяпти,— деди Мажид ўзидан ўн-ўн беш метр наридаги окопларда турган Филипп Алёшин билан Андрей Шевелевга кўзи тушиб.

— Бундай вақтда уйқу келадими? Ухлашга рухсат берилган шерикларимиз ҳам мижжа қоққанлари йўқ. Нотинч, хавфли дамда ким ухлай олади? Мана ўзингни олиб кўрайлик,— деди Жўрахон. Шеригига меҳр билан қараб,— шу плацдармга ўтиб олганимиздан бери кўз юммайсан. Худди сени менга қоровул қилиб қўйишгандай ёнимдан жилмайсан, окопимга бош қўйиб қнтдай мизғиб олмайсан ҳам.

Мажид жилмайиб, оқ тишлари кўринди.

— Тўғри гапирдинг! Сенга қоровулман. Буни менга виждоним, юрагим айтган. Сен бу ерда бизнинг бошлиғимизсан. Бошлиқни қўриқлаш жангчи учун шарафли ишдир.

— Раҳмат дўстим, Жўрахон қўлини дўстининг елкасига қўйиб, хурсанд гапирди,— сендай азаматлар билан бирга туриб жанг қилиш катта шараф. Сен билан бўлиб, тонг яқинлашганини билмай қолибман. Ҳали қараб тур, тонг отса, фашистнинг ўтакасини ёрадиган даражада қаттиқ жанг қиламиз.

— Бошқа дўстларимиз ҳам шай туришибди. Абдуш-ни қара, қоядай маҳкам, шердай ўт юракли,— Мажид ўнг томонда гранаталарни кўздан кечириб, уларни окоп ковагига қўяётган паҳлавон гавдали йигитга бош ирғиди. Абдуш унинг сўзини эшитдими, окопдан бош кўтариб, Мажид томонга бир қараб қўйди. Кейин ўз иши билан машғул бўлиб, окопни мустаҳкамлашга киришди.

Жўрахон сержант Абдуш Боқижоновни яхши билди. У коммунист, батальоннинг тажрибали жапчиларидан. Шунинг учун уни группа жойлашган ернинг ўнг томондаги чеккасига қўйди. Чекка жойда энг ҳушёр, энг ботир жангчи туриши керак-да. Шунинг учун Абдушнинг ўзи «Мен четда турай, уйқусизман» деди.

Мана ҳозир Абдуш тун ўтиб, тонг яқинлашишига қарамай, мизғимасдан, эрталабки жангга тайёргарлик кўриб ўтирибди. У тонг отса, майдонда қаттиқ жанг бўлишини билади. Лекин у қандай жанг бўлади? Тўп-мина отишма жангими ёки автоматлар жанг-и? Балки қўл жанги бўлар? Тасаввур қилиш қийин. Лекин ҳаммасига тайёр туриш керак. Дадил бўлсанг душманни доводиратасан дейди ўзига ўзи.

Жўрахон Абдушнинг ёнига келди. Икки дўст тонг қоронғусида хаёлга берилиб, жим ўтирар эди. Абдуш сувдон қопқоғини бураб, жўмрағини огзига элтди. Икки-уч қултум сувни сипқориб, сўнг уни Жўрахонга узатди. У ҳам чанқаб турган эди, бир қултум ютиб, эгасига раҳмат айтиб қайтарди.

Абдуш сувдонни яна жойнга қўйди. Жўрахон дўстининг окопини кўздан кечирди. Ҳамма нарсасаранжом-саришта. Автомат тозаланган, дискалар ўқланган, гранаталар қулай жойга қўйилган. Газниқоб ҳам автомат ёпида фойдаланишга тайёр ҳолда турибди. Ҳатто бир шиша ёнилғи ҳам пайдо бўлибди.

— Қаердан топдинг уни?— шишага кўз ташлаб сўради Жўрахон.

— Шу ердан топдим. Ҳар эҳтимолга қарши асраб юрибман. Танки келса, ўшанга ином этаман.

— Балли азамат,— деди комсорг,— сен эҳтиёткор жангчисан. Ҳар бир нарсанинг уддасидан чиқасан.

— Бугун роса терласак керак,— Абдуш дўстига синовчан нигоҳ ташлади. Ундан яна нима иш ва қандай тайёргарлик кўриш керак дегандай, сўз кутиб турарди.

— Ҳеч нарсаси деёлмайман. Бизникилар дарёдан ўтол-

маяптилар. Шунинг учун бизни нималар кутяпти, айтолмайман. Тонг отса биламиз.

— Тонг отса биламиз...

— Тонг отаяпти...

Субҳидамда қуёшнинг илк қизғиш нури сарбаланд қарағай шоҳида йилтираб кўринди. Қушлар галаси безовталаниб, дарё томонга тез учиб ўтди. Олам бир лаҳза хаёл оғушида қолгандай, сукунат ҳукмрон. Йигитлар окопларида ғимирлаб қолишди. Ҳар ким ўз иши билан банд. Бу ерда — ўтли соҳилда тонг жанг даракчиси. Беаёв олишув яқинлашмоқда. Албатта, бизникилар ҳам қараб туришмас, кичкина группага кўмак беришади. Командирлар у ёқда тунни билан ухламай чиққандирлар. Фақат бардош бериш керак. Ёвдан тортиб олинган жойни ушлаб турилса бўлгани. Албатта, ёрдам келади.

Ҳамма шунга умид қилади. Душман нонушта қилиб олди. Унинг рўпарасида турган ўн совет баҳодири эса кечадан бери ҳеч нарса тишлагани йўқ. Лекин уларнинг бардоши, газоби, ғалабага қатъияти ҳамма нарсадан зўр. Ёвнинг энг даҳшатли кучи билан ҳам жанг қилишга тайёр улар.

Ёр диниллай бошлади. Ёвнинг тўп ва миномётлари тилга кирди. Автомат, пулемётлари сайраб кетди. Окоплар устида ғалабага умид боғлаб, сакраб, югуриб келаётган фашистларнинг галаси кўринди.

— Газандаларни яқин келтириб ўт очилсин! — Озёровнинг жанговар ва жарангдор овози эшитилди.

— Ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилайлик! — ҳайқирди Жўрахон.

— Ўт очилсин!

— Ўт очилсин!!

Соҳил порох тутунига тўлиб кетди. Теварак-атрофда ўқ, снарядлардан тўзон кўтарилиб, тупроқ осмонга булут бўлиб сочиларди.

Душман автоматчилари яқинлашиб қолди. Жўрахон олдинда автоматни кўкрагига босиб тўхтовсиз ўт

очиб келаётган бир барзанги фашистни ўқ узиб қулатди. Яна ёпирилиб югуриб келаётган ўндан ортиқ гитлерчи бирин-кетин қулаб тушди. Бошқаларининг югуриши сусайди. Сўнг орқага чекинишди.

— Адабини бердик. Шундай турайлик!— комсоргнинг бардам овози янграб эшитилди.

— Бу — бугунги биринчи ғалабамиз!— деди Озеров,— дадил бўлсак, ёв яқин келолмайди!

— Ўқ тугаяпти,— қайғуриб ингоҳ ташлади Мажид.

— Ўқ тугаса граната билан жанг қиламиз,— уқтирди Жўраҳон.

— Ҳар битта ўқ ҳисобда бўлсин. Биттаси ҳам хато кетмасин!— қичқирди Озеров. У терлаб, оғир нафас оларди. У группанинг ён томонида эди. Қисқа, лекин шиддатли жанг ҳаммани ўзи билан ўзини овара қилиб қўйди. Йигитлар ёнма-ён туриб жанг қилишди-ю, лекин фақат ёвнинг ҳамласини қайтариш, тинкасини қуритиш, олдинга ўтганларини қулатишни ўйладилар, холос. Ёв орқасига улоқтириб ташланганда, йигитлар бир-бирларига қараб,— «Соғинсан, бутунмисан?» деб ҳол-аҳвол сўрашиб қолишди.

Мажид «ўзим соғману, пилоткамнинг тожидан айирди бу ғаламуслар» деди. Ҳамма унинг бошига қаради. Ҳақиқатан ҳам пилоткасининг тепа чоки пичоқ билан қирқилгандай кемшик эди.

— Бош омон бўлса дўппи топилар!— деди Жўраҳон.

— Зўр гап,— деди Мажид — Омон бўлсак фашистнинг зотини қуритамиз.

Озеров бу икки ҳамшаҳарнинг ҳазил мутойиба билан айтган юрак сўзларини мамнун бўлиб эшитиб ўтирарди.

Душман орқага чекиниб, янги ҳужумга тайёрланарди. Пулемёт ва снаряд, снайпер милтиқларидан ўқ узиб, йигитларни бош кўтартирмайди. Ҳали замон яна атака бошланади. Келса «сийловининг» олиб қайтишади деган йигитлар уларни қарши олишга тайёр туришибди.

Душман яна ҳаммаёқни ўққа тутиб, ҳужумга қўтарилди. Кечаги кундан бери бу унинг ўнинчи атакаси.

Кичик гарнизон олдида шиддатли жанг бўлди.

Мажид автоматиди қолган ўн етти ўқнинг ҳаммасини сарф қилди. Икки фашистни ағдарди, учтасини ярадор қилди. Бошқа йигитлар ҳам бўш келишмади. Душман яна орқага қайтишга мажбур бўлди.

Энди Шевелев билан сержант Николай Қомаровнинг пилоткаси ва гимнастёркаларини ўқ тешиб ўтган эди.

— Сенлар ҳам қуруқ қолмабсан,— деди Мажид икки шеригига.

— Чап бердик,— деди Николай,— бўлмаса нақ пешонани мўлжалга олишган эди лаънатилар.

— Чап бериб, ёвни доғда қолдириш ҳам санъат,— деди младший лейтенант Виктор Краснов.

— Чап беришгина эмас, ёвни чалғитиш ва унга зарба бериш ҳам-ҳақиқий ҳарбий санъат,— деди Озеров.

Бу ҳаммага айтилган гап эди.

— Биз бу ерга ёвга чап бериб, уни чалғитиб туришга келмаганмиз. Биз ёвни қақшатиб, ўзимизникилар келишларига имконият яратишимиз керак!— деди Жўрахон. У қўлида тутган автоматини кўздан кечириб унга ёпишган хас-туироқни энги билан артиб, қуролини тозалашга тушди. У ҳамиша қуролини шай тутишга ҳаракат қиларди. Мажидга қараб ўқинг қолмадими?— деди.

— Дискаси қорнимизга ўхшаб қолди,— бўшашиб жавоб қайтарди у.

— Кесатиқ вақти эмас, ошнам!— Жўрахон энсаси қоғитиб жавоб қайтарди ва окопи ичидаги қопчигидан сўнги бир сиқим автомат ўқини олиб, узатди,— мана сенга ризқи-рўз!

— Ризқи рўз наҳот ўқ бўлса! Яшавор, дўстим! Бизникилар қачон келишади-а!— қичқирди Мажид.

— Овозингни баланд қилма!— койиб берди комсорг.

— Жангчи дарё ёқасига келса, уни кечиши керак. Албатта кечиб ўтишар!— жавоб қайтарди Озеров.— Аҳ-

волимизни комбатимиз кўриб кетди. Наҳот у қайгурмаса?

— У оғир яраланиб кетди-ку. Ҳозир қисмдан кетиб, бирор санбатдами ёки госпиталда ётгандир,— деди Шевелев.

— Кетган бўлса-да, биз ҳақимизда полкка хабар берган. Мен бунга ишонаман. Ҳозир бу гапларни қўяйлик. Қаранг, яна фашистлар ғимирлаб қолишди. Жангга тайёрланинг, дўстлар!— ҳайқирди Жўраҳон.

Мажид Жўраҳон берган ўқни шошиб-пишиб дискага жойлаб, автоматини бруствер устига қўйди. Озеров яна ўша хавфли ён томонга ўтиб олди. Жўраҳон ўртада олдиндаги окопда жангга шай турибди. Гитлерчилар окопларни ўққа тутиб, югуриб кела бошладилар.

— Яқин келтириб урайлик!— таъкидлади Жўраҳон.

Бир ротага яқин душман солдатлари ёпирилиб ҳовлиқиб келишарди. Улар олдинда икки офицер алланималарин бақириб, одамларини олдинга чақириб, брауннидан ўқ сачратиб, югуриб келарди. Жўраҳон бирини нишонга олди. Ёв қуролини осмонга кўтариб, қўлидан ташлаб юборди. Сўнг ўзи ерга мукка тушди. Иккинчи офицерни кимдир ер парчин қилди. Яна икки уч гитлерчи солдат қулади. Бир взводга яқин душман ер тишлади. Улар орасида саросималик бошланди. Лекин отишма тўхтамаган эди. Шу вақт бир нарса келиб Жўраҳоннинг чап қўлига қаттиқ урилди. Ўнг қўли тепкида, чап қўлида эса автоматни ушлаб турган эди. Қўли карахт бўлиб, автоматни тушириб юборди. Жўраҳон энгашиб, қуролини олмоқчи бўлди.

— Автоматни олма, окопга яширин!— деган буйруқ-омуз овоз эшитилди.

Жўраҳон орқадаги траншеяга қаради. Мажид қўлида бинт ушлаганча унга қараб келарди. Жанг тугади. Душман яна орқасига чекинди. Жўраҳоннинг қўлидан қон оқмоқда эди.

— Ҳали бир нарса қўлимга қаттиқ урилгандай бўлувди-я,— деди Жўраҳон.

— Одам ёниб турса, шикастланганини ҳам сезмай қолади.

— Мажидвой, мен ёнадиганлардан эмасман.

— Ёнамас эмиш. Ўзинга қара, ловуллаб турибсан. Ҳаммаёгинг шалаббо, ёвни роса қирдинг. Офицерини қулатганингни ўзим кўрдим. Қани, қўлингни кўрсат!

Жўрахон индамай қўлини узатди. Шу пайт Озеров келиб қолди.

— Нима бўлди, яраландингми?

— Ҳечқиси йўқ, ўқ сал тегиб ўтди.

— Жумағалиев, комсоргнинг қўлини яхшилаб боғлаб қўй. Қон оқиши тўхтасин,— буюрди Озеров.

— Ҳозир, ўртоқ командир.— Мажид чаққонлик билан ҳамшаҳар дўстининг қўлини боғлаб қўйди.— Қандай, ошна оғриғи қолдими?

— Раҳмат дўстим, оғриқ тўхтади,— жилмайди Жўрахон.

— Ростини айт?— сўради Мажид.

— Рост,— Жўрахон қўлининг яраси қаттиқ оғриққа кирганлигини яшираётган эди. Шундай қилмаса бўлмасди. Атрофида жўралари хавотирланиб қараб туришган эди. У қўлини боғлаб, дарёдан кеча ўтиб кетган ярадорлар каби, «отишга мадорим йўқ. Санбатга бормасам ишим чатоқ» деб олса нима бўларди, бу парокандалик келтириб чиқармайдими?

— Қойил, чидамлисан ошнам,— деди Мажид. У бинтни яхши боғлаганим учун оғриғи ҳам қолди, деб ўйларди. Бошқа жангчилар эса, Мажидвой сен яхши санитар чиқиб қолдинг, бирор кори ҳол содир бўлса, сен хабардор бўл, деб унга санитарлик хизматини топиширишди.

— Энди автоматдан отолмасанг керак,— деди Озеров. Жўрахон автоматини олиб, қонга ёпишган қумни сидириб ташлади.

— Ўнг қўлим бутун.

— Сен отишга ярайсану,— Мажид бўш дискани қў-

лига олиб, уш айлантриб, сўзини давом этдирди,— ав-
томатнинг отишга ярамайди.

Жўрахон индамади.

— Ўқ қолмади,— ташвишланиб деди Озеров.

— Энди гранатабозлик жанги бўлади,— жавоб қай-
тарди комсорг.

— Ягона йўл шу,— тасдиқлади Озеров.

— Наҳот ҳеч кимда ўқ қолмаган бўлса?— сўроқ ало-
мати билан атрофга алаңглаб қаради Жўрахон.

— Менда пича бор,— деди Пётр Чех.

— Менда ҳам...— дискасини кўрсатди Изот Лелита.

— Абдуш, сенда-чи?— сўради комсорг.

— Икки шапалоқ ўқим бор. Қулатаман ҳали улар-
ни,— деди Абдуш, душман томонга ғазаб билан қа-
раб.

— Раҳмат дўстим. Дўстлар, мана ўқимиз бор, грана-
таларимиз бор. Бизлар ҳалиям кучлимиз,— деди ком-
сорг.

— Шундай. Яна қаттиқ турайллик!— Озеров уқтирди.

Йигитлар индашмади. Лекин уларнинг ҳар бири ҳар
қандай жангга, ҳатто ўлимга ҳам тайёрлиги кўриниб
турарди.

Вақт тушдан ошиб қолган. Қуёш хиралашиб, ғарб
томондаги ўрмонлардан ўзига яширингани жой ахтарар-
ди. Балки йигитларни тун пардасига ўраб, ором олди-
ришга шошилаётгандир.

Душман яна атакага кўтарилди. Яна қисқа шиддатли
жанг бўлди. Йигитлар ўқларини ва гранаталарини аяма-
дилар. Шундай қилмасалар немислар ёпирилиб келиб
қоларди. Душман йигитларимизнинг ўқ-дорилари ҳали
кўп деб фаҳмлаб, олти-етти одамни жанг майдонида
қолдириб, орқага чекинди.

Лекин бир соат вақт ўтар-ўтмас душман яна ҳамла-
га ўтди. Энди ўқлар батамом тугаб, гранаталар қолган
эди. Жўрахон айтгандай, гранатабозлик бўлди. Фашист-
лар олдин ҳужум бошлашга ботинолмади. Уларнинг ра-

дноси. «асирга тушинглар, бўлмаса ҳамманг қирилиб кетасизлар!», деб қичқириб турарди.

Аҳвол ҳақиқатан жиддий. Гитлерчилар одамини олддан жангга ташласа, бардош бериш қийин. Нима қилиш керак. Жўрахон Озеровга қаради. У яраланган эди. Мажид унга ёрдам кўрсатиб, ярасини боғлаш билан банд.

Шевелев, Краснов, Алёшин хаёлга берилиб, «Нима қилсак бўлади?» дегандай комсоргга савол, аломати билан қараб қўйишмоқда эди.

Жўрахон жўраларига жиддий нигоҳ ташлади. Бошқа дўстлари айтишга тиллари бормаган сўзни айтди:

— Патронлар тугади. Гранаталар ҳам тугай деб қолди. Ейишга ҳеч нарса йўқ, дам олиш ҳам мумкин эмас. Бизлар ўн кишимиз, немислар эса юздан ортиқ. Улар ҳа демай яна бизларга ташланишади. Мен сизларга бирор кўнгилни кўтарадиган гап айтолмайман. Ўлиш оғир нарса. Агар бизлар турган жойимизда маҳкам турсак, сўнгги нафасимиз қолгунча курашсак, ўлимни доғда қолдирамиз. Биз ўлмаймиз! Ўртоқларимиз бизларга ёрдамга келишади. Ким агар галабага умид боғласа, у албатта голиб келади.

Усмонов эҳтирос билан, жўшқин сўзларди. Жангчилар юзида жиддийлик пайдо бўлди. Юзларидаги умидсизлик ўрнини дадиллик аломатлари қоплади. Шу вақт кимдир сўз қотди.

— Агар ўртоқларимиз етиб келишмаса-чи, унда нима бўлади?

— Агар етиб келишмаса,— такрорлади комсорг,— ҳа, агар етиб келишмаса, бизлар барибир ўлмаймиз. Бизларни ҳамма вақт эслайдилар, ҳатто юз йилдан кейин ҳам бизнинг, ўртоқларимизнинг фарзандлари бизлар ҳақимизда сўзлайдилар,— Усмонов бир дақиқа хаёлга берилди ва кейин сўзида давом этди,— бу ерда кимлар жанг қилганлигини билншлари учун, келинглари отларимизни ёзиб қолдирамиз. Агар бизларнинг ҳам-

мамиз ҳалок бўлсак, дўстларимиз бу рўйхатни топиб оладилар ва бизларни эслайдилар.

Комсорг шу сўзларни айтди-ю, сўнг биринчи бўлиб газетанинг йиртиқ парчасига бир амаллаб ўз номини ёзди. Уларда шу йиртиқ газета парчасидан бошқа қоғоз йўқ эди.

Старший сержант Усмонов Жўрахон — рота комсорги.

Лейтенант Александр Ильич Озеров — ВКП(б) аъзоси.

Младший лейтенант Виктор Сергеевич Краснов — ВКП (б) аъзоси.

Сержант Николай Иванович Комаров — ВКП (б) аъзолигига кандидат.

Сержант Абдуш Боқижонов — ВКП (б) аъзолигига кандидат.

Қизил аскар Мажид Жумағалиев.

Қизил аскар Петр Арсентьевич Чех

Қизил аскар Изот Васильевич Лелита

Қизил аскар Андрей Андрианович Шевелев

Қизил аскар Филипп Иванович Алёшин.

Бу рўйхат қош қорайганда ёзилди. Жўрахон рўйхатни танкка қарши отадиган милтиқнинг бўш гилзасини топиб, унга солиб окоп ичида қолдирсак маъқул иш бўларди деб ўйлади. Лекин бу ерда пулемёт ва автоматлардан бошқа қурол йўқ. Қоғознинг ўзини окоп ковагида қолдириб бўлмайди. Ҳаво намиқиб турибди. Қоғоз нам тортиб, ивиб кетади.

Жўрахон рўйхатни қапдай қолдирамиз деб дўстларига маслаҳат қилди. Ҳар ким, ҳар хил сўз айтди. Мажид сувдон бўш ётибди, ўшанга солиб қўямиз, деди. Орқамиздан келган дўстларимиз албатта сувдонни топпб оладилар. Уни очиб кўрсалар, ичидан қоғоз чиқади...

— Яхшиси ҳозирча менинг ёнимда туради...— деди Жўрахон. У дўстларининг юзидаги умидсизлик кўлан-

касини ўзининг ана шу қатъий сўзи билан кўтариб ташламоқчи бўлди. Чунки рўйхатни тузишга тузди-ю, ўртоқлари бу билан «иш тамом-вассалом» деб тушунмадиларми деб хавотирга тушган эди. Мажид ҳам, Андрей Шевелев ҳам, бошқа биродарлари ҳам енгиб бўлмас ҳалокат олдидан тургандай хаёлга ғарқ бўлган эдилар.

Ана шу хавфли кайфиятга барҳам бериш керак эди. Шунинг учун Жўрахон рўйхатни икки буклаб кўкрак чўнтагига солди-да, «шу ерда тургани яхши» деди.

Жанг майдонини ёритиб яна осмонга ракета кўтарилди. Унинг оқиш нури тун пардасини эритиб, сирли зулматни бир дақиқа ёритди. Пулемёт ва автомат овозлари эшитилди. Йигитлар ўтирган окоп ва траншеялар устида тўзон кўтарилди, окопга қум тўкилди.

Жўрахон бўйнига тўкилган қумни қоқиб ташладида, душман осмонга учирган ракета ёругида атрофни кузатди. Сутдек ойдин кечага ўхшайди, ҳаммаёқ аниқ кўринадди. Йиқилган дарахтлар, қолиб кетган кекса, мажақланган тўплар, эгри-бугри траншеялар...

Ракета сўпиши биланоқ, қоронғулик янада қуюқлашди. Бу аҳвол кўпга чўзилмайди. Душман бетиним ракета отиб турибди, қўрқади-да, шунинг учун ғимирлаган нарсани пойлайди.

Ўн киши душмандан тортиб олинган жойни сергаклик билан қўриқлаб турибди. Соҳилдаги бу шапалоқдай ернинг ҳар қаричини душман яхши билади. Чунки куни кеча унинг ўзи шу ерда эди. У бу ердан ҳайдаб чиқарилди. Окоп қасрда, юриш жойлари қаерда, блиндаж қаерда — ҳаммасини билади. Ҳатто дарёга қаердан борилади ва неча қадам юрилса хавфсиз йўлак бошлангани ҳам унга маълум.

Шунинг учун ҳамма ерга ўқ узиб, йигитларнинг ҳаракатига халақит бериб турарди.

Бизникилар ҳам дарёнинг шарқий қирғоғидан туриб тўп ва миномётлардан ўт очиб, душманини бекинишга мажбур қилиб туришибди.

Мажид тепадан, тун қоронғусида у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа шиғиллаб учиб ўтаётган снарядларнинг парвоз йўлига қараб қўяди. Сўнг бориб ерга урилиб, гумбурлашини кузатади. Гоҳи ҳар иккала томондан отилган тўп ўқлари ўн жангчи турган соҳилда портлаб қолади. Шундай вақтда ҳамма ўзини окоп тубига олади. Атрофга снаряд парчалари санчилади. Шундай снаряд парчасининг бири Жўрахон окопига тушди. Мажид энгашиб уни қўлига олди. Снаряд парчаси ҳали иссиқ эди. Унинг ғадир турқига тикиларкан, «бун қара, Жўрахон, бизни ахтариб келибди. Бу қаерда ишланган: Берлиндами, Рейндами?» деб узатди. Жўрахон снаряд парчасини қўлига олиб, уни душман томонга ирғитди, сўнг дўстига «саволингни қара-я» деб қўйди. У ҳозир ўн кишида ўқ тугаб бораётгани — рўйхат бекорга тузилмаганлиги ҳақида ўйларди. Эрта тонгда фашистлар тўдасини қандай кутиб олиш ва уларга қандай зарба бериб, группани омон сақлаб қолиш ҳақида ўйларди.

— Ўқимиз қолмади. Рўйхатни бекорга ёзмадинг, — деди Жўрахонга қараб Мажид. Кейин оғир нафас олиб:

— Қийналиб кетдим, шамоллаганга ўхшайман. Бада-ним қақшаяпти.

— Ўзингни тут! — деди Жўрахон, — ҳозир шунақа бемаъни гапнинг вақтимми? Бошқаларга қара, қнмир этмай бардош билан тонгни кутишяпти.

— Тонг отса, бизнинг кунимиз битади. Ўқ йўқ, тўрга тушган беданадай бу окопларда қуруқ қўл билан жанг қилиб бўладими?

— Дўстим, яна сенга такрор айтаман. Ноумид шайтон деганлар. Биз ўз Ватанимиз тупроғида турибмиз. Бизнинг меҳримиз шу заминда, қаҳримиз ёвни таҳликага солмоқда. Кеча куни билан фашист газандалари неча марта уриниб кўрди. Мана, тонг отса, кўрасан. Уни яқинга келтириб, томоша қиладиган мард йўқ бу ерда. Фашистни уриб келганмиз, бу ерда ҳам уриб мажағини чиқарамиз.

Бизинкилар қараб турншмайди. Ёрдамга келишади. Мажид дўстининг «ёрдамга келишади» деган сўзини эшитиб, дарё томонга бош кўтарди. Дарё устида ҳам душман ракеталари бетўхтов ёниб, ҳамма ёқни ёритиб турибди, пулемётлари дарё устига ўқ ёмғирини сочаяпти.

— Биз немисларга чап бериб, зап ўтиб олган эканмиз-да,— деди Мажид дарё томонга бош илғаб,— дарёнинг ўқ тушмаган бўш жойи қолмаяпти-я. Фашистлар ўқ сачратгани-сачратган. Дарё туби ҳам ўқ, снаряд парчаларига тўлиб кетгандир.

— Майли дарё тўлса, тўлаверсин, лекин бизнинг поймонамиз тўлмасин. Бунинг учун қоринни эмас, гитлерчпларни мажақлашни ўйлашимиз керак. Бусиз ҳаёт йўқ. Бусиз газета парчасига битган рўйхатимиз ҳам кераксиз нарса бўлиб қолади. Тун бизни яшириб турибди. Тонг эса бизни жангга бошлайди, дўстим.

— Тонгга ҳали анча вақт бор,— деди Мажид ўрнидан туриб, окоп устига кўкрагини қўйди. Атрофга аланглаб қаради,— атрофни айланиб келайми, ҳов чап томонда ҳайдалган ер кўриняпти. Балки картошка экилган картодир. Ҳозир айни картошка йигиб олинадиган пайт. А, нима дейсан, Жўра, дўстим?

— Йўқ, бормаيسان. Борсанг, ёвга ўлжа бўласан!— деди Жўраҳон,— бу ерда картошка ўсмайди. Ажриқни кўрдингми? Ер ҳам унимсиз. Ёвни қувиб ҳайдасак, олдинда кишлоқ чиқади. Ўша ердан таом топамиз.

— Ўзимизникилар ёрдамга келса, ҳамма нарса бўларди,— деди ўзини окоп ичига олиб Мажид. Унинг кўзи юмиллиб бораётган эди. Уйқусизлик, очлик уни ҳолдан тойдирган. Жўраҳон жанговар дўстининг мадорсизланаётганлигидан ичида ачишар, унга ёрдам бериш йўлини изларди.

Лекин қаердан ёрдам келсин? Бир томоннинг дарё, бир томонинг душман истехкоми бўлса, ўн кишининг ҳоли бир-биридан қолишмайди. Ҳамма оч-наҳор, бунинг устига ўқ-дорилари тугаб қолган. Хавфдан, ўлимдан ҳеч

ким қўрқмайди. Ўлекин ўн азамат жанг қилишга ўқ-дорилари тугаб бораётганлигидан қайғуда эдилар. Мардлар майдонда мардонавор ўлишни афзал кўрадилар. Шунинг учун ўқ-дори етарли бўлса, ёвнинг қанчалигидан қатъи назар, унга даҳшат солиб, керак бўлса жонларини аямай ғалаба йўлида кўкрак кериб жанг қилар эдилар.

Мажид яна оқош пидан кўтарилди. Шарққа қараб:

— Тонг отишига яқин қолди,— деди. Шу сўзни айтдию, автоматини қўлига олиб, «Кўп хизмат қилди. хўб хизмат қилди» деб қўйди,— ўқ бўлса, яна кўп хизмат этади. Жўраҳон, дўстим, раҳмат сенга. Боя берган бир ҳовуч ўқинг, менинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. Қуруқ қўл билан жанг қилиб бўладими?

— Керак бўлса қуруқ қўл билангина эмас, ярадор қўл билан ҳам жанг қиламиз.

Мажид дўстининг қўли яраланиб, яра азобини тортаётганини энди эсладди. Ҳар хил гап билан унинг таъбини хира қилганлигидан афсусланди. Яқин келиб, унинг ёнига ўтирди:

— Қўлинг оғриятими?

— Унча эмас, чидаса бўлади,— жавоб қайтарди Жўраҳон.

— Ростини айт, қайта боғлаб қўяйми, ёки оғригини босадиган япроқ топиб келайми. Нима дейсан?

— Керак эмас, ўртоқ ҳаким,— деди жилмайиб Жўраҳон.

Мажид яна юмиқ кўзини очиб, Жўраҳонга бир қараб олиб, сўзга кирди:

— Қишлоғимизда бир бобой бўларди. Зўр табиб эди. Турли гуллардан ва ўтлардан дорилар тайёрлаб, ҳам-қишлоқларимизни даволаб келар эдилар. Менга қизамиқ чиққанда, кўкйўталга чалинганимда ўша боботабиб мени тузатган эдилар. Гиёҳларда хислат кўп экан, дўстим.

Жўраҳон гиёҳдан сўз очган дўстидан хурсанд бўлди.

— Гиёҳда хислат кўп,— деди комсорг,— мени биласан — қишлоқданман. Бизнинг Советимиз Туркистон тоғи этакларида жойлашган. Атроф паст-баланд адирлар, антиқа воҳа. Айниқса баҳор фаслида ақлни шоширадиган гўзаллик бошланади. Баҳор келса, бутун қишлоқ адирга чиқади. Наврўз иноми — исмалоқ, беда, жағ-жағ ва бошқа баҳор ўтларидан сомсалар тайёрланади, сумалаклар пиширилади. Улар қонни тозалаб, инсонга янги куч-мадор бахш этади. Бу қадим-қадим замонлардан элимиз одати бўлган.

— Дардни қирқиб, умрни узайтирадиган ўтлар ҳақида буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ҳам кўп нарсаларни ёзиб кетганлар дейишади. Жўраҳон мактабда аълочи ўқувчи эди. У айниқса табиёт фанига қизиқарди. Шифобахш ўсимликларнинг фарқини ва қандай касалликларга ишлатилишини яхши биларди.

— Мажидвой, ярага қандай ўт даво бўлишини биласанми?

— Отқулоқ, яна шунақа ўтлар-да...

— Бу ерларда қовул бўладими?

— Билмасам...

— Қовулнинг гули ярага дори. Гулининг шираси ярага босилса, ярани қотириб тузатади.

— Бу ерда бурган топилар...

— Ҳеч қайсиси керак эмас, дўстим, бизникилар келса, дори топилади. Санбатда зўр дорилар бор. Ҳозир дардимга дармон — сену, менинг душманга бўш келмаслигимизда.

— Бу гапингга қўшиламан, дўстим. Сенинг гапингни эшитиб, қорним танбур чалганини ҳам унутиб қўйибман... Сендай жўралар бўлса ўлимга ҳам тикка қарар экасан.

— Мен ҳам сендай азамат комсомол дўстларим билан фахрланаман. Ҳа, бу ердаги ўн кишидан ярмиси коммунист, қолганлари комсомол аъзолари. Қара, биз ўн кишимизу, душманнинг бир полкка яқин одамига қарши

турибмиз. Тасаввур қилиш қийин. Бу Ваташимизга чексиз муҳаббат рамзи. Ҳа, бу метинлики мен ҳеч қачон, ҳеч бир қудратли нарсага тенглаштира олмайман.

— Одам ташвишда қолса, қояга айланармиш,— Мажид окопдан кўтарилиб, уфққа разм солди.

Дарё орқасидаги баланд дарахтларнинг юқори шохларига шафақ қизиллиги югурди. Олам аста-секин ёришиб, жангоҳдагилар сергакланди.

Озеров, Усмонов — группанинг икки командири дўстлар ёнига бориб, уларнинг аҳволидан хабар олишди. Ўқдориси қолмаганларига шерикларидан автомат ўқи олишиб беришди, икки-учтадан гранаталар тақсимлашди, уларни жуда эҳтиёт қилиб сарфлашни тайинлашди.

Йигитлар турган жойни душман миномёт ва тўплар билан нишонга олиб, сўнг пулемёт ва автоматларини ишга солди. Зирилламаган жой қолмади.

Мажид окоп ичига беркиниб, Жўрахонга «бош кўтаргани қўйишмаяпти-ку аблаҳлар» деди.

Аҳвол жиддий эди. Ҳақиқатан йигитлар турган жойга немислар пайдар-пай ўқ ёмғирини ёғдириб, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилишди.

Ўқнинг ҳаммаси сарфланди. Гранаталар ҳам биринкетин душман устига учиб, чўғи қолмаяпти. Нима қилиш керак? Бизникилардан дарак йўқ. Олдинда ҳали беҳисоб атакалар турибди. Қандай бўлмасин душманны атакага кўтарилишга қўймаслик, алдаб, уни доғда қолдириш зарур. Бўлмаса аҳвол чатоқ. Жўрахон Мажид ёнидаги гранаталарни бир-бирига боғлаб, соғ қўлига кўтариб олди.

Рўпарада яна душман тўдаси пайдо бўлди. Жўрахон, дўстларига жиддий нигоҳи билан, жим турунлар дегандай бир қараб олди. Сўнг қўққисдан ўрнидан қўзғалиб, окоп устига чиқди. Яраланган чап қўлини баланд кўтариб олган. Ўнг қўли эса осилиб турибди. Гўё у қўли оғир яраланиб, ўз ҳаракатини йўқотгандай эди. Немислар уни асирга тушиш учун келяпти деб ўйлашди. Жўрахон

уларга яқин борди. Ораликда бир печа қадам масофа қолганда Усмонов бирдан ўнг қўлини кўтариб гранатани қулочкашлаб отди. Тўртта гитлерчи ер тишлаб қолди. Ёв устига саккиз граната ирғитди.

Шу вақт олисдан, дарёнинг нариги соҳилидан бизникилар душман турган жойни тўпга тутдилар. Душман окопдан бошини кўтаролмай қолди.

— Ура!— ҳайқирди Усмонов. Ўн баҳодир душман устига ташландилар. Душман окопларида қўл жангги бошланди. Порох тутунлари остида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Автоматлар тириллаб, гранаталар ҳар томонга учарди. Йигитлар бу ўт-олов ичида қандай қилиб соғ-омон қолганликларини тасаввур эта олмас эдилар, жангчилар душман ичида тўполон кўтариб, душмандан тортиб олган автомат ва гранаталарни ҳам ишга солдилар.

Шу вақт дарё томондан кучли «ура» ҳайқириғи эшитилди. Йигитлар ялт этиб, орқага қарадилар ва қумли соҳил бўйлаб жангчиларимиз ёрдамга шошилаётганликларини кўрдилар.

Ҳақиқатан ҳам, 237-ўқчи полкнинг учинчи батальони жангчилари уларга ёрдамга етиб келдилар. Жанг билан овора бўлиб гитлерчилар дарёни кечиб ўтаётган жангчиларимизга тўсқинлик қила олмай ғафлатда қолган эдилар.

Жўрахон бир санчиб тепага кўтарилди. Ёнида турган Мажид эса севинганидан ҳаяжонланар, турган жойида гир айланиб, атрофга қарарди: «Вақтида, жуда вақтида келдинглар, биродарлар»— деярди душман томонга ўқ узиб, югуриб ўтиб бораётган жангчи дўстларига.

Плацдармда бошланган қисқа, шиддатли жанг совет баҳодирларининг галабаси билан тугади. Душман соҳилдаги истеҳқомидан улоқтириб ташланди.

Ҳалп ҳозир снаряд миналар портлаб, гранаталар учиб, пулемёт ва автоматлар тариллаб турган жангоҳда бирданига сирли сукунат бошланди. Жўрахон бу жим-

лийка ишонгиси келмасди, унинг қулоғи остида гитлерчиларнинг ўдагайлаб, бақир-чақирлари ҳамон эшитилиб тургандай. Жўрахон охири гранат иргитган чуқурга борди. Окопда ўзи отган гранатадан аспаласопинга йўл олган тўрт гитлерчи чўзилиб ётибди. Бошқа окопларда ҳам душман мурдалари.

Жўрахон ярадор қўли энди оғриққа кирганлигини сезди. Лекин уни билдирмасликка ҳаракат қилиб шериклари билан хурсанд-кайфиятда турарди.

Батальон командири Усмоновнинг ёнига келиб, ундан сўради:

— Кимлар?

Шу вақт Усмоновнинг ёдига жанговар дўстларининг номлари ёзилган газета парчаси келди. Уни чўнтагидан олиб командирга узатди. Рўйхатда ўн қаҳрамоннинг номи ёзилган эди. Улар урушда нималарга дуч келмасинлар, мангу барҳаёт баҳодирлар эдилар.

Комбат ўн азамат эл фарзандининг табаррук номлари ёзилган, тарихга обида бўлиб қоладиган газета парчасини қўлида ушлаб турибди. Унинг ёнида полк ва дивизия командирлари, сиёсий раҳбарлар ифтихор туйғуларини кайфиятлари чоғ бўлиб рўйхатни ўқишди. Улар йигитларни ғалаба билан табрикладилар ва раҳматлар айтдилар.

Ев орқага улоқтириб ташланиб, майдонда саф тортган ўн азамат — Сож плацдармининг биринчи қалдирғочлари, кичик темир гарнизон қаҳрамонлари қўмондонлик топшириғини муваффақиятли бажариб, соҳилда янги ғалабаларга йўл очиб турганликларидан чексиз хурсанд эдилар.

— Бу чинакам қаҳрамонлик, раҳмат баҳодирлар! — деди комбат.

— Совет Иттифоқи учун хазмат қиламиз! — дейишди баҳодирлар.

Комбат Жўрахоннинг ёнига келиб, уни оталарча қучоқлаб пешонасидан ўпди, сўнг тўлқинланган ҳолда:

— Мислсиз жасорат кўрсатдинглар, баракалла! Ҳаммангиз тақдирланишга сазовор азаматсизлар. Сизларни олий мукофотларга тақдим этамиз.

Комбат шу сўзларни айтди-ю, Жўрахоннинг бинт боғланган чап қўлини ушлаб, «нега айтмадинг?» дегандай унга қаради.

— Унча хавфли эмас. Тузалиб қолар,— деди комсорг.

— Йўқ, ҳозир санчастьга борасан. Иложи бўлса ўша ерда, ёки госпиталда даволанасан. Тузалганингдан кейин ўзимизга қайтиб кел!

Жўрахон командирга қарши сўз айтолмади. Лекин у плацдарм учун ҳали яна жанг бўлишини, орқага улоқтириб ташланган гитлерчилар қўлдан кетган плацдармни яна қайтариб олиш учун хуруж қилиб қолишларини биларди. Шунинг учун комбат олдида сукут сақлаб, бошини эгиб, жим турди. Ер гўё, «ўғлим, мени ёвдан озод этиш учун бу ерда қанча азият чекдинг, шу ерда бироз дам олу, лекин мени ташлаб кетма» деяётганга ўхшарди.

— Қўлимнинг яраси у қадар хавфли эмас. Санбатга бормайман. Санитарларга боғлатиб оламан.

— Врач ҳам келган, ҳув анави чуқурда ярадорларга ёрдам кўрсатяпти. Бўлмаса, тез ўша ёққа бор,— деб тайинлади комбат.

Жўрахон ярадорлар тўпланишиб турган чуқур томон югуриб кетди. Чамаси ярим соатлар вақт ўтмасдан яна қайтиб келди. Қўлидаги бинт янги ва яхшилаб боғлаб қўйилган эди.

— Дарров қайтиб келибсан?— деб унинг қўлига разм солди командир.

— Ярадорлар навбатсиз ўтказиб юборишди...

— Раҳмат, азамат. Бугун кечаси яна одамларимиз дарёдан кечиб ўтишади. Шунга тайёрланиш керак. Ҳозир эса пана жойни топиб овқатланиб олинглар!

Ун азамат икки кундан бери туз тотмаган эди. Старшина испқ овқат, чой, сухари олиб келди. Йигитлар ўр-

тага қўйилган таомни иштаҳа билан баҳам кўришди.

Куёш уфққа бош қўйиб, биринчи октябрь туни бошланди. 237- ва 120- полкларнинг бўлинмалари артиллерия ва миномёт ўтларининг ҳимояси остида Сож дарёсини кечиб ўтишни давом эттирдилар. Дарёни кечишда 237-полкнинг 1- батальон жангчилари катта жасорат кўрсатишди. Батальон командири капитан Н. П. Дмитриев йигитларини тез ва чаққон ҳаракат қилдириб, ўз вақтида соҳилга олиб чиқди ва шу ондаёқ душманга қарши жанг бошлаб юборди.

Бу батальоннинг сержанти коммунист Н. И. Андреев тушган қайиқ дарё ўртасига келганда душман ўқидан қалқиб, тўнтарилган, қайиқдаги рация дарёга тушиб кетган эди. Баҳодир сержант дарҳол ўзини дарёга отиб, сув остидан рацияни олиб чиқди.

69- дивизиянинг қисмлари тўрт кун мобайнида Сож дарёсини кечиб ўтиб, унинг ғарбий соҳилида мустаҳкам ўрнашиб олишди.

Душман соҳилдан улоқтириб ташлангандан кейин қорасини кўрсатишга ботинолмай қолди. Дарёдан кечиб ўтиш бемалол бўлди. Иккинчи эшелондаги бўлинмалар ҳам ўз хўжаликларини ғарбий соҳилга олиб ўтдилар.

Дарёдан кечиб ўтиб, плацдарм эгаллашда катта жасорат кўрсатган ўн баҳодирнинг таърифи бутун фронт бўйлаб ёйилди. Дивизияга машҳур қалам соҳиби Илья Эренбург келди. Генерал Кузовковнинг кузатиш пунктида намуна кўрсатган жангчилар билан суҳбатлашди. Улар орасида лейтенант Озеров билан старший сержант Усмонов ҳам бор эди.

Генерал адибга Жўрахоннинг жасорати ҳақида ҳикоя қилиб берди ва у оғир бир дамда плацдармда газета парчасига ўз номларипи ёзган рўйхатини кўрсатди. Илья Эренбург газета парчасини қўлига олиб, номлари ёзилган ўн қаҳрамонни ўз олдида кўриб жуда ҳаяжонланди. Унинг тўлқинланаётганлиги билиниб турарди. У да-

рѐга қаради. Кенг Сож ёйилиб, соҳилга аста, майин тўлқинлар отиб, қуёш нурларидан жимирлаб, жанубга оқиб ўтарди. Дарёдан ҳар хил қайиқлар янги қисмлар беҳавотир сузиб ўтиб туришибди. Бу имкониятни ким яратди? Бундан тўрт кун илгари соҳил бўйлаб гитлерчилар изғиб юришарди. Дарёга яқинлашиш амри маҳол эди. Энди эса дарёдан қўшиқ эшитилаяпти. Уни совет баҳодирлари куйлаб ўтмоқда:

Днепр, Днепр, улкан Днепр,
Соғинган ёримни ёнимга келтир...

Илья Эренбург аввал лейтенант Александр Ильич Озеровни табрқлаб, у билан суҳбатлашди. Озеров ёзувчига ўзининг урушгача бўлган таржимаи ҳолидан бир шингил сўзлаб берди. Александр Ростов областининг Киев районидаги «Профинтерн» совхозида комбайнчи бўлиб ишлаган. Хотини ва икки ўғли бўлганлиги ва катта ўғлининг номиши буюк доҳий В. И. Ленинга чексиз ҳурмат юзасидан Вилен деб қўйганлигини фахрлашиб сўзладн.

Адиб энди чайир, қорамтир, лочин нигоҳли Жўрахонга қаради ва қўл узатиб у билан кўришиб, уни Сож плацдармида мислсиз жасорат кўрсатганлиги билан табриклади. Жўрахон раҳмат айтди. Адиб унга газета парчасини кўрсатиб «шуни сиз ёздингизми?» деди. Озеров жавоб қайтарди:

— Ҳа, у ёзган. Хат шошилиб, қандай шароитда ёзилганлигини айтишгадир...

— Бу оддий хат эмас, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари тарихининг олтин саҳифаларидан бири,— деди адиб. У ҳамон чексиз ифтихор туйғулари билан Жўрахонга қараб турарди. Жўрахон эса адибга, «Сизни Гитлернинг пўстагини қоқиб ёзган, ўткир дамли қиличдай мақолаларингизни ўқиб, маза қилиб, жанг қилиб юрибмиз», деди.

— Сизлар бундай мислсиз жасорат кўрсатиб жанг қилсаларинг-у бизлар четда қаламга дам бериб ўтирсак

қандай бўлади,— деди адиб, сўнг қўлидаги блокнотини олиб, унга алланарсаларни ёза бошлади. Жўрахон адиб саволларига дона-дона қилиб жавоб қайтарди.

— Пионердан, ўзбекдан чиққан қаҳрамон!— деди адиб.

Илья Эренбург блокнотни қўлдан қўймай, унга яна алланарсаларни ёзди. Гоҳи-гоҳида Жўрахонга қараб қўяр, яна ёзув билан банд бўларди. Жўрахон эса адибга илҳом келди, шекилли, майли дилга келган сўзни ёзиб олсинлар дерди. Суҳбат орасида Жўрахон адибга «Биз ўн кишимиз, ҳаммамизни барабар ёзинг, домла», деб луқма ташлади. Адиб, жилмайиб бош қимирлатди.

Адиб ҳозир ўзининг «Ўзбеклар» деган мақоласини эслади. Уни Сталинград жангида мислсиз жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган ўзбекистонлик баҳодирларга бағишлаган эди. Мана ҳозир қаршисида ўша ботирлардан бири яраланган қўллни орқасига яшириб, худди ҳеч нарса кўрмагандай ийманиб, тортинчоқлик билан адибдан сўз кутиб турибди.

Адиб Жўрахондан:

— Плацдармда, энг оғир дамда нимани ўйладингиз?— деб сўради.

— Ватан меҳрини, дўстлар ёрдамини,— жавоб қайтарди у.

— Аниқроғи?

— Ғолиблик ишончини... Ҳа, фақат шуни ўйладим.

— Раҳмат баҳодир. Сож плацдармида кўрсатган жасоратларингиз учун сиз — Жўрахон, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлигига, сиз ўртоқ Озеров, Ленин орденига тавсия этилибсизлар. Табриклайман. Сиздай баҳодирлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, сизлар ҳақингизда ҳар қанча ёзсак кам.

— Раҳмат, Илья Григорьевич,— Жўрахон ва Озеров барабар ташаккур айтишди ва бундан кейин ҳам яхши жанг қилишга ваъда беришди.

Жўрахон ёзувчи билан хайрлашиб ташқарига чиқди. Гўё бутун олам уни табриклаётгандай эди.

Плацдармни кенгайтириш учун жанглар давом этди. Дивизиянинг бир қанча бўлинмалари Днепр билан Сож дарёлари ўртасидаги Хоминка, Карповка қишлоғидаги душман истеҳкомларини атака қилдилар. Лекин душман бутазорлар ва ботқоқликдан иборат бўлган бу жойларда қаттиқ ўрнашиб олган эди. Уни ўрнашган жойидан суриб чиқариш қийинлашди. Шунинг учун фронт қўмондонлиги, плацдармда армиянинг бир корпусини қолдириб, қолган икки корпусини 40 километр жанубга, Лоев, Радуль қишлоқларига етиб бориб, у ердан жангни бошлашга буйруқ берди.

1943 йил 15 октябрь тонготарида 69- дивизиянинг бўлинмалари Днепрни кечиб, унинг соҳилини эгаллай бошладилар. Соҳилда шиддатли жанглар бўлди. Айниқса, 120- полк жангчилари мислсиз жасорат кўрсатдилар. Улар ёв устига шердай ташландилар. Душман истеҳкомларини атака қилиб, плацдармни кенгайтира бошладилар. Дарёни биринчилар қаторида кечиб ўтганлар орасида Жўрахоннинг ҳамюрт дўстлари Т. Иброҳимов, Т. Қаумбоев, Ж. Сулаймонов, Қ. Тасқуловлар бор эди. Плацдарм тобора кенгайтирилиб, гитлерчи босқинчилар орқага улоқтириб ташланди. Днепрдан янги жанговар қисмлар кечиб ўтиб, ҳужуми давом эттирдилар. Лоев, Радуль томонларда душман ўзининг катта жонли кучи ва техникасидан ажралди. 69- дивизия Днепрни кечишда ва ҳужум жангларини давом эттиришда палуна кўрсатди. Дивизиянинг 52 жангчисига Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Кўп жангчилар жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Дивизия қардош Белоруссиянинг Калининчи, Осиповичи, Барановичи шаҳарларини ёвдан тозалаб, Польша ерида шиддатли жанглар олиб борди. 1944 йилнинг сўнги ойлари ўтиб боради. Польшанинг Нарев дарёсини кечиб ўтиш жангларида ҳам 69- дивизия катта жасорат

кўрсатди. Жўрахон яраси тузалиб, яна ўзининг қадрдон полкида взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб тайинланди. Унинг кўксига қаҳрамонлик Олтин Юлдузи порлаб турарди.

Нарев плацдарми ёвни катта таҳликада қолдирди. Қўшинларимиз плацдармни эгаллаш билан, душмanning Шарқий Пруссиядаги группасини Берлин томондаги қўшинларидан ажратиб ташлаб, яксон этиш хавфини туғдирган эди. Шунинг учун гитлерчилар зўр бериб қаршилиқ кўрсатди. Плацдармни қайтариб олиш учун атакага ўтди. Жуда катта жонли кучи ва техникасини жангга ташлади. Ҳар бир қарич ер учун жон-жаҳди билан жанг қилди. Бир кун и эрталаб, 237- полк участкасида паст-баланд бутазорлар орасида саксонга яқин гитлерчилар пайдо бўлди. Уларнинг олдинги маррага яқинлашиб, қўққисдан ҳамла қилниш нияти борлиги аниқланди. Полк командири, подполковник Андрей Михайлович Горбунов капитан С. И. Ковалев батальонига душман ҳамласини қайтариб, унга қақшатқич зарба беришга буйруқ берди. Батальон жангчилари ўт очиш жойларида сергак туриб, яқинлашиб келган маст-аласт гитлерчиларга ҳамжиҳатлик билан ўт очдилар ва олдинга ўтганларини гранаталар иргитиб ер парчин қилдилар.

Жўрахон ва унинг шериклари ҳам бу жангга намуна кўрсатишди. Душмanning қайта-қайта уриниб, ҳамла қилишлари барбод бўлди. Шивалаб ёмғир ёғиб турган салқин ҳаво жангдан бўшамаган, туну-кун ўт ичида бўлган баҳодирлар жонига оро кираётгандек эди.

Қош қорайганда жанг тугади. Старшина кечки овқатни олиб келди. Жанг қилиб очикқан йиғитлар иштаҳа билан овқатланиб бўлишиб, окопларида дам олиб ўтиришарди. Полк командири Горбунов келиб қолди. Батальон командирлари билан бўлинималарни айланиб, душман ҳамлаларини мардонавор қайтаришиб, унга катта талафот келтирган жангчиларга раҳмат айтди.

Полк командири Нарев плацдармида дивизия жанг-

чилари мислсиз жасорат кўрсатганликларини тилга олиб, жанг майдонида душман 62 танкидан, 20 автомашинасидан ва 1240 солдат ва офицерларидан ажралганлигини хабар этди. Сўнг ёнида унинг сўзини жимгина, зўр эътибор бериб тинглаб ўтирган, кўкрагида қаҳрамонлик Олтин Юлдузи порлаб турган Жўрахон Усмоновга ўгирилиб, «Бундан уч йил илгари қаерда эдик?» деди. Жўрахон ўрнидан туриб, жавоб қайтармоқчи бўлди. Командир ўтириб жавоб беравер, деди. «Тошкентда эдик, ўртоқ подполковник»— деди жилмайиб.

— Шундай,— деди командир.— Бу ерда — Нарев плацдармида дивизия тузилганлигига уч йил тўлди. Биз ветеранлар ва дивизияга яқинда келган ёш жангчилар бу жанговар қўшиннинг босиб ўтган шонли йўлини ифтихор билан хотирлаймиз. Дивизиямиз шу қисқа вақт ичида 1073 километр йўлни жанглар билан ўтди. 297 аҳоли пунктини озод этди. 3773 гитлерчинини асир олди. Дивизия қаҳрамонлар дивизиясига айланди. Усмонов, сиз дивизиянинг биринчи ветеран қаҳрамонларидансиз.

— Сиз ҳам шундасиз, ўртоқ подполковник!— деди командир кўксида ярқираб турган қаҳрамонлик Олтин Юлдузига имо қилиб Жўрахон.

— Жангга кирган, душманнинг йўлини тўсиб, унга зарба берган ҳар бир жангчи қаҳрамон,— деди командир.— Кечаги жангчи бугун командир бўлса арзийди. Чунки неча жанглари кўрган, жанг майдонида командирсиз қолган тақдирда шерикларини ҳужумга кўтарган жангчи командир бўлишга ҳақлидир. Маршал бўлишни орзу қилмаган жангчи бўлмайди, деган мақол бор. Шундай, йигитлар. Мана сиз, Усмонов, сизни ўқчи взводга командир қилиб тайинлаш ва сизга кичик офицер унвонини бериш ҳақида юқорига ёзма хабар берганмиз.

Жўрахон бу хабар учун полк командирига раҳмат айтди ва, Ватан ишончини оқлаш учун бор кучимни аямай ёвуз душманга қарши жанг қиламан, деди.

Бу тунги суҳбатдан кейин кўп вақт ўтмай, Жўрахон

ўқчи взводга командир қилиб тайинланди. Бир кунни дивизия штабига Армия ҳарбий Кенгашининг аъзоси генерал Радецкий келди. У Жўрахонни Сож дарёсида кўрсатган қаҳрамонлигини биларди. Наревда эса взводга командир бўлганини, лекин ҳозиргача старший сержант унвонида эканини эшитди. Генерал бундай қаҳрамонлар бўлинма командирлигига тавсия этилишга, офицер унвонига лойиқ кишилардир, деди. Шундан кейин кўп вақт ўтмай Усмоновга кичик лейтенант унвони берилди.

Унинг тажрибаси, жангдаги баҳодирлиги ёшларга намуна қилиб кўрсатилди. Бўлинма комсомоллари унинг номини фахр билан тилга олиб, «бизнинг қаҳрамон сардоримиз» дер эдилар.

Плацдармда шиддатли жанглар давом этарди. Шундай жангларнинг бирида Жўрахон оғир яраланди. У ўз взводи жангчиларини гитлерчилар тўдасига қарши атакага кўтарган эди. Жанг қисқа, лекин шиддатли бўлди. Ундан ортиқ гитлерчи қириб ташланди. Қолганлари совет баҳодирларининг ҳамласига бардош беролмади. Уликларини жанг майдонида қолдириб, орқасига қараб қочди. Жўрахон йигитлари мудофаа аҳамиятига эга бўлган тепаликни эгалладилар.

Йигитлар тепаликка кўтарилаётганларида душман снаряди яқин жойда портлади. Жўрахон қалқиб кетди, у оғир яраланган эди. Уни жангчи шериклари ушлаб қолдилар ва биринчи ёрдам кўрсатиб дарҳол санчастга юбордилар.

Яра тезда тузала бермади. Армия госпиталининг тажрибали жарроҳлари қўлдан келган ҳамма ёрдамини кўрсатдилар. Операция қилиб, яра хавфини барҳам этишга ҳаракат қилдилар. Лекин жароҳат оғир бўлса медицинанинг кучи ҳам ожизлик қилар экан. Жўрахон тузалавермагач, уни даволанишни давом этдириш учун Туркистон ҳарбий округи госпитали ихтиёрига юбордилар. Бу ерда Жўрахонни даволаш давом эттирилди. Лекин яра тузалмади. Бу ҳақда 1974 йилда СССР Мудофаа

министрлиги Ҳарбий нашриёти томонидан чиқарилган «Жангчи календари»нинг 238-саҳифасида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Икки кечаю икки кундуз Усмонов группасининг жангчилари душман атакаларини қайтариб, бизнинг бўлинмаларимиз етиб келгунча плацдармни қўлда тутиб турдилар. Улар бу вақт ичида душманнинг 80 солдат ва офицерларини йўқ қилдилар. Усмоновнинг шахсан ўзи ўн фашистни йўқ қилди. Бу жангда кўрсатган жасорат ва баҳодирлиги учун Жўраҳон Усмоновга 30 йил бурун — 1944 йилнинг 15 январида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Кейинги жангларда ҳам ўзбек халқининг шонли фарзанди шунингдек мардлик ва жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. У ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди. 1944 йилнинг охирида ўзининг солдатлик бурчини бажараётиб Усмонов жангларнинг бирида оғир яраланди. Шу ярадан вафот этди. 1963 йилнинг 6 майида қаҳрамон мото-ўқчи полкнинг рўйхатига абадий ёзилган».

Жўраҳон Ғалаба байрамини Тошкент госпиталида кутиб олди. Моҳир шифокорларнинг муожиласи уни анча дармонга киритди, оёққа туриб ҳовли айланиб юрадиган бўлди.

Госпиталга ҳамқишлоқлари, қавму қариндошлари келиб туришди. Жўраҳон улар билан кўришиб, улар билан бирга қишлоққа кетишни орзу қиларди. Врачлар эса жавоб бериш муддатидан сўз очмасдилар. Кўп илтимослардан кейин Жўраҳон жавоб олди — қишлоғига қайтгандан кейин ҳам врачлар назоратидан ўтиб туришга ваъда берди.

Қаҳрамоннинг қишлоққа қайтиб келиши катта тантанага айланди. Қишлоқнинг бутун аҳолиси уни табриклашга келди. Қаҳрамон шарафига дастурхон ёзилиб, тўй-тантана ўтказилди. Фронтдан қайтиб келмаган Ватан фарзандларининг хотираси ёдга олинди, зафар билан қайтиб келганлар Жўраҳон билан ёнма-ён туриб,

Генерал ўзининг ажойиб, қаҳрамон жангчиларини ўйлаб, бир дам маънос қолди.— Ҳа, бугун эсланишга лойиқлар жуда кўп. Кўп жангчилар она-Ватаннинг жанговар топшириқларини шараф билан бажардилар, сўнгги нафаслари қолгунча мардонавор жапғ қилдилар. Улар бугун олис ўлкаларда ётибдилар...

— Дивизияда Жўрахонга ўхшаган ҳамшаҳарларингиз кўп эди,— деди генерал, атрофдаги гуллар, чаман-чаман очилиб турган гулзордаги капалаклар парвозига қараб,— Карим Бектурдиев, Иббот Юсуфалпев, Кенжабек Абдуллаев, Борис Суровцев, Михаил Шибаев, Иван Шаумян, Домулло Азизов, Жўлдас Сулаймонов, Мажид Жумағалиев, Абдуш Боқижонов, Умурзоқ Эминов, Абдурахмонов, Жалоловлар ҳам зўр жангчилар эди. Улар чинакам қаҳрамонлик ва мардлик намуналарини кўрсатиб жанг қилдилар. Кўплари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Халқимиз ўзининг фидойи ўғлонларини унутмайди.

— Сиз Борис Николаевич Суровцевни тилга олдингиз. У самарқандлик эди,— деб гап бошладим,— У сапёр Днепрни кечишда ёв ўқидан тешилган қайиқни ўз тани билан беркитган ва жангчиларни қирғоққа бехатар олиб чиққан азамат эди. У дарёнинг у қирғоғидан олти марта қатнади. Сўнгги жангларнинг бирида ҳалок бўлди. Днепрни кечишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг 1961 йил 17 июндаги қарори билан Самарқанддаги 45- мактабга старшина Б. Н. Суровцев номи берилган.

— Қаҳрамонлар номи унутилмаслиги керак,— деди генерал, сўнг бошини кўтариб, майдоннинг шимол қисмидаги Номаълум солдат қабри томон қараб деди:— Ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон унутилмайди. Қаранг, ҳов анаву ерда — Тошкент сийнасида мангу гулхан ёнмоқда. У — ҳамма шаҳидлар хотирасига ёқилган машъал. Ҳа, бахтимиз учун курашганлар асло унутилмайдилар...

мислсиз жасорат кўрсатган ўн қаҳрамонни, унинг сардори Усмонов билан лейтенант Озеровни Илья Григорьевичга таништирдим. Адиб бу қаҳрамонларни кўриб нақадар тўлқинланганлиги ҳозир ҳам кўз олдимда турибди. У биринчи бўлиб, Жўрахон ёнига келди. Унинг қотма, қорамтир, жиддий юзига, келишган ихчам қаддига, яраланган қўлига ифтихор билан қараб, қўлини узатиб, кўришиб, қаттиқ қучоқлаб олди ва «Раҳмат, ўғлим!» деди.

Жўрахон эса ёш боладай, жилмайиб, тортиниб, ерга қараб турарди. Адиб унга «ерга қараб турибсиз, шу она ер сизга раҳмат айтмоқда... Биз қаламкашлар ҳам сизга раҳмат айтиш учун шу она заминнинг бош шаҳри Москвадан келдик!» деди.

— Мен солдатлик бурчимни бажардим холос,— деди Жўрахон. Адиб қўлида очиқ турган блокнотига алланарсаларни ёзиб, хурсанд бўлиб бошини кўтарди:

— Бурч дедингиз. Сиз улуғ бурчни бажардингиз. Ҳар бир жангчи ўз бурчини сиздек бажарса демак уруш тугашига оз қолибди!— деди тўлқинланиб.— Армиямизнинг кучи жангчиларнинг Ватан учун фидойилигидадир.

Генерал Кузовков ёзувчи билан бўлган суҳбатни эсладию, сўнг бундай деди:

— Бизнинг дивизиямиз Тошкентда тузилган эди. Дивизиянинг 50 жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони ушбуни билан тақдирланган. Ҳаммаси шу табарруқ заминнинг фарзандлари эди. Қани энди имконият бўлсаю, Бўстонлиқ қирларига бориб, 120-полкимизнинг разведкачиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тасқуловни, Сирдарё соҳилига, Бекободга бориб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони сапёр Степан Ильинни кўрсам, ёки — Ховосга бориб, дивизиямиз рўйхатига номи абадий ёзиб қўйилган рота комсорги, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардиячи лейтенант Жўрахон Усмонов қабрини зиёрат қилсам...

қилинган тепалик шинам гулзорға айлантирилган. Бу ер қаҳрамон хотирасини ёдга олувчилар билан ҳамиша гажум. Жўраҳон етакчи бўлган мактаб пионерларининг тантанали маросимлари ҳамиша шу ерда ўтади.

Жўраҳон хотирасини у билан бирга ўтли фронт йўлларида жанг қилган командирлари ва жангчи дўстлари ҳам унутганлари йўқ. Хатто у жанг қилган жойлардаги аҳоли ҳам унинг номини эъзозлаб, ҳурмат қилиб келмоқда

1976 йилнинг октябрь ойида Тошкентда Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мавзусига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга келган кишилар орасида 69-ўқчи дивизиянинг собиқ командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, отставкадаги генерал-лейтенант Иван Александрович Кузовков ҳам бор эди. Мен у кишини Днепр ва Нарез дарёларини кечиб ўтиш жангларида кўрганман. Чунки бизнинг 1-гвардиячи Дон танк корпусимиз 65-армия ихтиёрига берилган эди. Биз шу армия дивизиялари билан бирга гитлерчиларга қарши жанглар олиб борардик.

69-дивизия жангчилари билан бирга Калининчи, Осиповичи шаҳарларини гитлерчилардан озод қилганмиз.

Иван Александровични дарров танидим. Юришлари ўша-ўша шиддатли, боқишлари вазмин ва зийрак. Мен ўзимни танитиб, сўнг Жўраҳон ҳақида бир-икки оғиз билганларини сўзлаб беришни илтимос қилдим. Генерал хаёлга берилиб, 1943 йил октябрь ойини, Сож ва Днепр дарёлари учун бўлган жангларни эслади.

— Жўраҳон Усмонов ёдимда бор,— деди ҳамон ўша вазминликда,— у Сожда катта жасорат кўрсатди. Дивизиянинг биринчи қаҳрамонларидан эди.

Мен генералга мурожаат қилиб, Жўраҳонни Илья Эренбург билан учрашганлиги ҳақида ҳам сўзлаб беришни сўрадим.

— Ҳа, ўша Сож жанглари вақтида машҳур адибимиз дивизияга келган эди. Сож плацдарми жангида

тўй-тантаналарда иштирок этдилар ва ўзларига кўрсатилган иззат-ҳурмат учун чексиз миннатдорчилик билдирдилар. Фронтчилар номидан Жўрахон сўзга чиқиб, жангчининг хизмати тугамайди, у Ватан фарзанди, шунинг учун тинч қурилиш фронтларидаги энг оғир вазифаларни бажаришга ҳам тайёرمиз деди. Митингдан кейин фронтчи йигитлар қадрдон далаларда фидокорона меҳнат қилишга отландилар. Кенг ғаллазорлар, серҳосил узумзорлар ўз эгаларининг меҳрига илқақ эди.

Қадрдон далалар уларни мусаффо осмон, сарин еллари, бўлиқ, бўрсилдоқ ерлари, ранг-баранг гуллари билан кутиб олди. Бепоев адиридларда тракторлар гуруллаяпти. Қани энди уларнинг бирини бошқарсанг-у, шудгор нафасига қониб-қониб ишласанг. Кунини кеча она ер бағридаги жароҳатлардан юраги ачишган Жўрахоннинг ерга меҳри чексиз эди. Лекин у яна ўзини ноҳуш сеза бошлади. Оғир яра ўзини унутишга қўймас эди. Жўрахон яна Тошкентга — госпиталга келишга мажбур бўлди. Жангчи танидаги қўрғошин ўзининг машъум ишини килди — Қаҳрамон бевақт nobud бўлди.

Унинг вафоти юрт қайғусига айланди. Дафн маросими туғилиб ўсган Совот қишлоғида ўтказилди. Яқин-йироқдан жуда кўп кишилар келишди. Қаҳрамоннинг жасади қишлоқ ўртасидаги тепаликка қўйилди. Эл-юрти, жонажон халқи ўзининг жасоратли ўғлонини катта обрў-эътибор билан сўнгги йўлга кузатди. Унинг қаҳрамонлиги, жасорати, ёрқин хотираси, ишлари қалбларда, ҳаётда абадий қолажагини айтдилар. Унинг хотирасини муқаддас тутиб, фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқни обод қилиб, янги боғу роғлар барпо этишга қасамёд этдилар.

Қишлоқ кўчаларидан ўтиб борар эканмиз, ҳар қадамда, ҳар уйда Жўрахон хотираси унутилмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Қишлоқ қариялари унинг хотирасини ёдга олиб, ёшларга Жўрахондай яшаб, жасорат кўрсатиш тўғрисида ўғит-насиҳат қиладилар. Жўрахон дафн

Бахтимиз учун курашганлар асло унутилмайдилар...

Тошкентдаги 92- мактабда 69- Севский ўқчи дивизиянинг жанговар шонли йўлига бағишланган музей ташкил қилинган. Бу музейнинг очилиши ўша шонли дивизиянинг собиқ командири генерал Кузовковнинг ўзи қатнашаётгани билан катта тантанага айланди. Генерал ёзиб қолдирган эсдалик хат эса болалар учун энг нодир экспонат бўлиб қолди. Генерал мактабдаги учрашувда дивизиянинг Улуғ Ватан уруши фронтларида, Тула шаҳридан Германиянинг Росток шаҳригача босиб ўтган жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шу босиб ўтилган жанговар йўлда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган ховослик Жўраҳон Усмонов ҳақида ифтихор туйғулари билан гапирди. Ботирлар изи йўқолмайди.

Мен 69- ўқчи дивизия жанг қилган ва кўп жангчилари мислсиз жасорат кўрсатган қардош Белоруссияда шу яқин йилларда уч марта бўлдим. Гомель шаҳрида область партия комитетининг секретари Немкевич мен билан шаҳар бўсағасидан оқиб ўтаётган Сож соҳилида туриб:

— Назаримда Сож Ватан ботирларининг, улар орасида сизнинг ҳам юртдошингиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўраҳон Усмонов номини такрорлаётгангиз ўхшайди,— деди.

Сож соҳилидаги Старице Яриловичи, Карповка қишлоқларида, сўнг Лоев, Речица шаҳарларида бўлганимда, бу ердаги қариялар, мактаб ўқувчилари ўз юртлари қаҳрамонларининг номларини тилга олганда — Жўраҳон номини ҳурмат билан эслаб ўтадилар. Мактабларда ташкил қилинган музейларда унинг суратини кўрдим.

Гомелдан учқур оқ кемага ўтириб, Лоевга йўл олганимда, июль ойи эди. Сож мавжланиб, қуёш нуруларида ярқираб оқарди. Кемада қардош республикалардан келган саёҳатчилар, шунингдек шу ерлик мактаб ўқувчилари бор эди. Бир маҳал кемада қўшиқ кўтарилди. Уни мактаб ўқувчилари айтишарди. Қўшиқ жонажон

Белоруссия ҳақида эди. Дилрабо оҳанглар қалбларни забт этди. Таъсирли тароналар она-Ватан бахт-саодати учун ҳаёт-мамот жангига ташланган, беқиёс қаттиқ уруш оташларида мардлик, жасорат намуналарини кўрсатиб, эл эркини омон сақлаб қолган баҳодирлар ҳақида эди. Куй тобора авж олиб, қанот боғлаб икки соҳил оша узоқ-узоқларга тараларди. Бу қўшиқда Жўраҳоннинг номи бўлмаса ҳам, лекин у Жўраҳонларга бағишланган эди. Мана учқур «оқ қушимиз» Карповка қишлоғи яқинидаги пристанга келиб тўхтади. Соҳил ям-яшил, антиқа дала гулларида яшнаб турибди. Мен соҳил бўйлаб, анча нарига бордим. Жўраҳон босиб ўтган излардан юрмоқчи бўлдим. Мен ахир шу ният билан неча минг километр олисдаги Жўраҳон юртидан келганман. Менинг ниятимни билгандай кемадаги қўшиқ-куйлар, гурунглари бир лаҳза тўхтади. Шу вақт тепамда жўр овозини эшитдим. У шундоққина тепамда, мусаффо осмонда қанотларини пилдиратиб, тўлнб-тошиб сайрарди. Жўр куйини турли сеҳрли оҳанглар пардасига улаб, тобора баланд кўтариларди. Жўрлар ҳамма ерда бирдек баланд сайраркан.

Жўраҳон туғилиб ўсган Совет қишлоғи далаларда ҳам ҳар баҳор жўрлар мана шундай баланд сайрайди. Гўё ўша Белоруссия ерларида, Сож соҳилидаги майсазорлар устида сайраган жўрлар бу ерга — Ховос лолазорларига, бепоён ғаллазорларига келиб, Жўраҳон ҳақида янги тароналар айтаётгандай эди.

Жўраҳон билан шу баланд сайраётган жўрлар ўртасида уйғунлик бордек. Жўрлар баҳор фаслини, мусаффо осмонни, осойишта дала-қирларни, гулга бурканган диёр кўркини севади. Жўраҳон ҳам шундай эди. У фронт оташгоҳларида ҳам, ўзи туғилиб ўсган Совет қирларида ҳам ҳаёт гўзаллиги учун курашди. Бундайларнинг номи ўчмайди. Ўзи хизмат этган 237- ўқчи полkning 3- батальон жангчилари унинг номини ўз рўйхатларига абадий ёзиб қўйдилар. Эрталаб рўйхат ўқилганда, саф-

да турган биринчи жангчи «Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардиячи лейтенант Жўраҳон Усмонов немис-фашист босқинчиларга қарши жангда ҳалок бўлган» деб жавоб қайтаради.

Унинг жасорати — оддий совет жангчисининг мардлиги беқиёс эди. Жўраҳон Усмонов оз, лекин ёрқин ҳаёт кўрган қаҳрамон эди. Ўзи ёрқин юлдуздек яшади, бошқаларни ҳам шунга чорлаган баҳодир эди.

«Эслайдилар бизни доимо» —
Алп бағридан янгради наъра.
Чақмоқ чақиб ундан дуд само,
Қалқиб кетди ўт сочган марра.
Уни тинглаб замин у замон
Излар эди малҳам дардига.
Кўз тикканди дарё бўлиб қон
Соҳилдаги ўн фарзандига.
Турмоқ керак, чидамоқ керак,
Бўронларни қайтарар чидам.
Элга берган қасамёди бор,
Ҳеч ким қўймас ортига қадам.
Учди ёвга қолган сўнгги ўқ,
Иргитилди сўнгги гранат.
Бундан кейин... бошқа илож йўқ,
Ўлим қолар олдинда фақат...
Кўтарилди жангга йигитлар,
Алаф каби ўрилди душман.
Жанг майдонин қоплади ўтлар,
Талвасага тушди ёв бирдан.
Дўстлар келди, ёрдамга, жангга,
Дарё кечиб шошилди улар.
Ўн азамат ўтиб олдинга,
Энди ўзи душманни қувлар.
Шивирлади кузги япроқлар,
Хомуш қолди ўт ёнган қирғоқ,
Лолалардай қизарган тупроқ
Мардлар пойин ўпарди шу чоқ.
Дарё жўшиб, бешик елкасин
Қайиқ айлар баҳодирларга
Ўққа тутиб душман тўдасин.
Мардлар шошар янги қирларга.
Қирлар ошиб, ўрмонлар ошиб,

Мардлар борар ғалаба томон.
Сож дарёси оқади жўшиб,
Қўшиғида қолар Жўрахон.
Уруш тугаб, она юртига
Сож орқали қайтар Жўрахон.
Ундан ўтган жанглар ўтига
Хаёл бериб, ўтади шу он.
Уруш ўтди бу нур оламдан,
Жўрахон ҳам ўтди бир куни.
Эл ажратмас уни кўксидан,
Мумкин эмас, унутмоқ уни.
Элда қолди у марддан нидо:
Жасоратли қалбдан кўчган ун —
Мангу мардлик бўлиб учган ун —
«Эслайдилар бизни доимо!».

1976 йил, Ховос

ЧЕЛАК ҚУРУҚ ҚОЛМАЙДИ

Дарё қалқиб соҳилга урилади, заррин томчилари барра майсаларни ювиб ўтади, ям-яшил япроқларда муаллақ туриб қолганлари эса қуёш нурида инжу доналаридай жилоланади.

Соҳилда ёши етмишни қоралаб қолган, паҳлавон гавдали киши қалам соҳиблари даврасида ўтирибди. Ҳаммаининг эътиборини ўзига тортган бу киши — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Пиримқул Нурмонов. Қалам соҳиблари ундан уруш таассуротларидан сўзлаб беришни ялтимос қилдилар. Уруш кўп йиллар, беҳисоб кун-тунлар давом этди. Унинг ҳар дақиқаси ҳаёт-мамот учун курашдан иборат бўлди, қай бирини сўзласин қаҳрамон?

Мана, Зарафшон соҳилида ўтириб, челагдаги муздек сувдан сипқориб, шунинг ўзигагина завқланиб ўтирибди. Атрофини нурафшон кўрган бу одам бир вақтлар мана шундай азм дарё Днепр соҳилида кўрсатган жасоратидан шу мунаввар оламга бир зарра нур олиб келганлигидан чексиз масрур эди.

1943 йил ноябрининг аёзли сўнгги кунларидан бири.

Днепр соҳилида шиддатли жанглар борарди. Қўшинларимиз душманни ларзага келтириб, уни она-Ватанимиздан суриб чиқара бориб Днепр соҳилига етиб келдилар. Днепрнинг ёйилиб оқадиган кенг жойидан кечиб ўтиб, Запорожьенинг ғарбида, ўнг қирғоқда кичик бир плацдарми эгаллаш 3-Украина фронтидаги генерал-майор Монахов командир бўлган 60-гвардиячи ўқчи дивизия зиммасига тушди.

Дарёни кечишдан олдин унинг соҳилини разведка қилнш кераклигини генерал яхши тушунарди. Шунинг учун у тажрибали разведкачи, бўлинма командири, гвардиячи старший сержант Пиримқул Нурмоновни ёнига чақириб, унга ўз бўлинмаси билан дарёни ҳаммадан аввал кечиб ўтишини ва у ердаги аҳволдан хабар бериб туришини тайинлади. Нурмонов:

— Буйруғингиз бажарилади, ўртоқ генерал!— деб жавоб берди.

Командир қоронғи тушганда йўлга чиқишларини тайинлади ва вазифани аниқлаб олиш ва йўлга пухта тайёрланиш учун уни батальон командири ҳузурига юборди.

Бундай масъулиятли топшириқни Пиримқул Нурмонов бўлинмасига топширилгани бежиз эмас эди. Пиримқул разведкага кўп маротаба борган. Душман пистирмасига йўлиққани ҳам бор. Шиддатли олишувларда неча бор ғолиб чиққан, ҳамма вақт қисмига қимматли ҳужжатлар билан қайтган. Бу гал ҳам шундай бўлишига ишонади. Днепр бу ердан кенг қанот ёзиб, яйраб оқиб ўтмоқда. Унинг кенглиги уч-уч ярим километр келади. Дарёнинг баъзи ўрта жойларида митти оролчалар пайдо бўлган. Бу оролчаларда немислар пистирмага ўз одамларини қўйган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир кўринган нарсани, ҳар бир дарахт ости ва устини синчиклаб кузатиб бориш талаб этилади. Батальон командири картани стол устига ёзиб, Пиримқулга қа-

ердан кечиб ўтиш мумкин эканлигини, қайси жойларни ипидан-игнасиғача текшириш зарурлигини уқтирди.

Нурмонов комбат кўрсатган жойларни картадан яхшилаб қараб, майда оролчалар ва қишлоқлар белгисига алоҳида аҳамият берди.

— Бу ерларда душман истеҳкомлари ва базалари бўлиши мумкин. Йўлда бунақа жойлар бўлса, дарҳол рация орқали хабар қилинглар, биз уларни йўқ қилишга киришамиз. Умуман кечувга тўсиқ бўладиган нима бўлса, ҳаммасини хабар этасизлар,— комбат кружкага иссиқ чой қуйиб, уни Пиримқулга узатди, хайрлашиш олдидан жанговар разведкачига топшириқнинг нақадар муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

Нурмонов комбат ертўласидан чиққанида тушки овқат вақти бўлиб қолганди. Шериклари сатилчада овқат олиб, уни қарагай остида кутишаётган эди.

Пиримқул иштаҳа билан овқатланиб бўлгач дўстларига навбатдаги топшириқни тушунтирди. Шу вақт термосда қайноқ чой келтирган оддий солдат Майборада кружкаларга чой тақсимлаётиб Нурмоновга сўз қотди:

— Бу ерлар менга ташиш ўртоқ гвардиячи старший сержант. Мен илгари бу ерларда бир неча бор бўлганман. Сизларга йўл бошловчи бўлиб боришга ижозат этинг?

— Ундай бўлса жуда соз,— деди Нурмонов, кейин огоҳлантириб сўзини давом эттирди,— сен бу ерларда тинч вақтларда бўлгансан. Ҳар бир дарахт ости сенга оромгоҳ, ҳар соҳил бурчаги чўмилиб, балиқ овлайдиган жой бўлган. Эндичи... Ҳар бир қулай ер душман истеҳкомига айланган. Душман оролчалар ва қишлоқларнинг қайси бирида писиб ётганлигини ҳеч ким айтиб беролмайди. Ниҳоятда огоҳ ва эҳтиёткор бўлишингиз керак.

Майборада бўш кружкани ерга қўйиб:

— Хавфсиз жойлардан олиб ўтишга қаракат қиламиз,— деди.

Душманни тутиш, унинг истеҳкомларини аниқлаш, унинг турган жойларига сездирмай боришнинг ўзи ҳам катта ҳарбий санъат ҳисобланади. Бўлинма йигитлари буни яхши сезиб туришарди.

Бўлинмага рота ва батальон командирлари келишди. Дивизия разведкасининг бошлиғи ҳам шу ерда. Улар йигитларнинг ҳар бири билан узоқ суҳбатлашди. Ҳар бир нарсaga аниқлик киритилди. Майор жангчилар қуrollларини, улар сузиб ўтадиган кичик қайиқни бир-ма-бир кўздан кечирди. Ҳамма нарса тахтлигидан мамнун бўлди. Майор Нурмонов камарида осиглиқ турган қинга қўл текизиб, ундан узун, ўткир ханжарни олди. Уни кўздан кечириб:

— Яхши сақлабсиз, яхши хизмат қилсин,— деди.

— Ханжар жангчининг ҳимоячиси. Уни яхши сақласам менга хизмат қилади. Армияга келмасдан аввал, уйда юрган вақтларимда ҳам белбоғимда ўткир пичоғим бўларди. Аксарият ўзбек йигитларида шундай.

— Раҳмат азамат, яхши хизмат қилсин,— деди майор.

Командирлар разведкачиларга оқ йўл ва зафар тилаб қайтишди. Нурмонов йигитларни йигиб, бориладиган жойларни картадан яна бир бор аниқлаб, ўрганишга киришди.

Майборада ҳақиқатда бу ерларни яхши билар экан. Сув қайси ерда тез оқиб ўтиши ва чуқурлиги тахминан қанчалигини, қайси жойлар саёз эканлигини айтиб турди.

— Қайиқ билан борилади. Қайиқни яшириб қўйса бўладиган жойларни айт,— деди Нурмонов.

Майборада бундай саволга жавоб беришга ожиз эди. Чунки дарё тўлқишлари оролчанинг соҳилларини тез-тез ювиб, жойини ўзгартириб турарди.

Қуёш дарё орқасидаги ўрмонга ботди. Осмонда яккам-дуккам юлдузлар кўринди. Паға булутлар бағрини

титкилаганича ой қаёққадир шошиларди. Кеч куз палласи бўлганидан аччиқ изгирин турди. Дарёда тўлқинлар устига тўлқинлар пайдо бўлиб, разведкага кетаётган йигитларга пешвоз чиққандай соҳилга пайдар-пай югуриб келишарди.

Нурмонов йигитларни соҳилга — пана жойга олиб келди. Ана у ерда қайиқ ҳам тайёр турибди. Нариги соҳилдан душман ракетаси осмонга кўтарилди. Дарё усти бир лаҳза ёришиб, ялтираб оқаётган дарё ва дарахтлар билан қопланган оролчалар оқариб кўринди.

— Қани, қайиққа!— деб қисқа команда берди Нурмонов.

Йигитлар дарҳол жойлашиб олдилар. Майборада қайиқнинг бош қисмида, Содиқов эса эшкак тортди. Бошқа жангчилар ҳам ёнма-ён ўтиришиб, қуролларини шай тутгапларича атрофни кузатишиб боришарди. Содиқов бақувват йигит, эшкакни бир текис тортиб бормоқда. Қайиқ жимираб, майда тўлқинлар отиб, оқаётган дарё устида тез сузиб бормоқда. Дарёнинг муздек салқини димоққа аччиқ урилади, изгирин юз-кўзни пайпаслаб ўтади.

— Ўнгга, яна ўнгга!— Майборада оҳиста буйруқ бериб кетяпти. Содиқов эшкакни шиддат билан тортаркан унга жавоб қайтаради.

— Дарё чапга оқаяпти. Сеп эса ўнгга дейсан.

— Ўнгда оролча кўриняпти. Ўшани текшириб ўтмай-мизми, ахир?

— Майборада тўғри айтаяпти. Ўнгга бур,— буюрди Нурмонов, бироздан кейин эшкакни ўз қўлига олди.

Дарё шиддат билан жанубга қараб оқаётганлигига қарамай, Пиримқул ўнгда, шимол томонда, дарё ўртасидаги тўқайга қайиқни тез ҳайдаб борди. Дарёга сочинни осилтириб хомуш турган мажнунтол тагида тўхтаб, оролчани кузатишди. Майборада билан Алексей соҳилга тушиб, анча ичкарилаб боришди. Сўнг орқага қайтишиб, қайиққа ўтиришди. Оролчада ҳеч ким йўқ эди. Шу

вақт ўнгдан, анча наридаги бошқа оролчадан ракета осмонга кўтарилди.

— Содиқов, қайиқни ўша ёққа бур,— деди Нурмонов.

— Эшакка мен ўтираман,— деди Майборада эшакни қўлига олар экан,— дўстим чарчади...

Қайиқ яна бир текис сузиб кетди. Дарё бўлиниб-бўлиниб оқаётган жойларда оролчалар пайдо бўлган эди.

Ҳали ракета отилган оролча анча нарида эди. Унга етгунча яна икки-уч оролчадан ўтилди. Бу оролчалар ҳам кўздан кечирилганда, кимсасиз эканлиги аниқланди.

Қайиқ соҳилга етиб борди. Шу оролчадан ҳозиргина ракета отилган эди. Пиримқул қайиқдан сакраб ерга тушди. Сўнг Майборада билан Алексейни ёнига чақирди. Учовлон энгашганларича уч-тўрт гектар келадиған оролчани шарпа чиқармай айланиб чиқишди. Лекин душман қораси кўринмади. У қаерда писиб, ҳамлага пайт пойлаб ётибдийкин? Пиримқулнинг боши қотди. Шу вақт соҳил бўйлаб юриб кетган Содиқов анча нарида бўш консерва банкалари ва тамаки қолдиқларини кўрганлигини айтди.

— Кетдик,— деди Нурмонов,— бу ерда душманнинг ракетачиси бўлган. Истеҳкоми йўқ. Ҳамма гап олдинда — Катта ерда экан. Қани, дарёнинг фарбий соҳилига кетдик!

— Ҳали яна оролчалар бор,— деди Майборада.

— Уларни ҳам қараб ўтамин,— жавоб қайтарди бўлинма командири.

Қайиқ яна йўлга чиқди. Эшакка Алексей кейин Майборада ўтирди. Рўпарадан дуч келган оролчалар бирма-бир текширилди. Лекин у майда оролчаларнинг бирортасида ҳам душман йўқ эди.

— Соҳилга яқинлашяпмиз, жангга тайёрланинг!— буйруқ берди Нурмонов. Ёигитлар автоматларини кўздан кечириб, уни отишга тайёр тутдилар.

Тонг оқара бошлади. Оролчаларни текшириб, соҳилга етиб келгунча бир кеча ўтибди. Ёигитлар бир зумда

ерга тушиб, қайиқни пана жойга беркитиб қўйишди ва ўзлари чуқурлик орқали олдинга эмаклаб кетишди. Душманни кузата бошладилар.

Анча наридаги тепалик атрофида фашистлар қораси кўринди. Афтидан улар понуштага шошилишарди.

— Нонуштасини биз берамиз,— деди Нурмонов ва ўрнидан туриб ҳайқирди,— душман соқчиларини яқсон этиш учун олға!

Етти жангчи бир лаҳзада душман истеҳкомига етиб борди. Қисқа, шиддатли жангдан кейин душман қочди.

— Қозонини ҳам олиб қочди, лаънатилар,— деди Содиқов, тажанг бўлиб,— ушлаб қололмадик, тайёр овқатни қўлимиздан чиқариб ўтирибмиз-а...

— Биз батальонимизнинг келишига йўл очяпмиз,— деди Пиримқул,— биз бу ерда фашистларни яқсон этсак, бироздан кейин батальонимиз етиб келади. Нима истасанг ҳаммаси муҳайё бўлади. Сабр қил, дўстим.

Душман ташлаб қочган жой кўздан кечирилганда, бу ер кузатиш жойи эканлиги, душманнинг асосий кучи олдинда-соҳилдан ичкари томонда турганлиги аниқланди.

Рация орқали батальондан хабар келди. Дивизия дарёни кечиб ўта бошлабди. Қадрдон дўстларга йўл очиб, соҳилдан ёвни қувиб, ҳужумни кенгайтириш учун плацдарм эгалланиши керак. Етти азамат, юзга яқин фашист газандаларга қарши жанг бошладилар. Душман бу озгина кучни тез йўқ қилиб, плацдармга яна ўзи хўжайин бўлиб қолиш хаёли билан ҳужумни кучайтириб юборди. Лекин баҳодир совет разведкачилари гитлерчиларнинг ҳамма ҳамлаларини мардонавор қайтариб, плацдармни қўлда тутиб турдилар. Шу вақт дивизия қисмлари дарёни кечиб ўтиб кела бошладилар. Қадрдон батальон плацдармга оёқ қўйди.

Душман соҳилга янги кучларини ташлади. Шиддатли жанглар бошланиб кетди. Нурмонов бошлиқ бўлган бўлинма комбатдан буйруқ олди. Душман томондаги да-

рахтзорлардан гитлерчилар ҳужум қилиб қолишди. Нурмонов бўлинмаси ҳужумни қайтариши ва дарахтзорни босқинчилардан тозалаши керак эди. Пиримқул йигитларини ўрмонга бошлаб кетди. Баланд дарахлар ора-лаб борар экан, фашист пистирмасига дуч келинди. Ўзини панага олган душман қўққисдан зарба беришга чоғланган эди. Унинг нияти пучга чиқди. Ўрмон гитлерчилардан тозаланди. Олдинда қишлоқ кўринди. Комбат яна Нурмонов бўлинмасига қишлоққа кириб боришни, агар у ерда душман бўлса яксон этишни буюрди.

Бўлинма қишлоққа ҳужум бошлади. Душман қишлоққа мустаҳкам жойлашиб олибди. Ўт очиш жойлари, пулемёт нуқталари, окоп ва алоқа йўллари қазилган экан. Нурмонов бўлинмаси у ерни разведка қилиб ўтирмади. Бора солиб жангга киришиб кетди.

Қишлоқ атрофида душман миномётлари борлиги аниқланди ва дарҳол тўпчиларимизга хабар қилинди. «Уруш худоси»нинг баҳодирлари душман миномётларининг нафасини чиқармай қўйдилар. Улар отган снарядлар Пиримқул кўрсатган мўлжалга аниқ бориб теккан эди. Бу ҳолат бўлинмани тез ва чаққон ҳаракат қилишига имкон яратди. Қишлоқ чеккасидаги уйларда жанг қилиб кетди. Бу чекка уйларга гитлерчилар жойлашиб, уларни кузатиш пунктларига айлантиришган эди. Яна қаттиқ жанг бўлди. Автоматлардан отилган ўқлардан кўп гитлерчилар қулади. Гранаталар иш берди. Истеҳком жойлари портлатилди.

Йигитлар қишлоқнинг ғарбий чеккасига чиққанларидан, бу ерда гитлерчиларнинг госпитали ва ўқ-дори омборлари борлиги маълум бўлди. Бу жойларни бир полкка яқин душман солдатлари қўриқлаб туришган экан. Генерал Монахов душман кучларини парчалаб, унинг ўқ-дори объектларини қўлга туширишга буйруқ берди. Олдинга биринчи бўлиб яна Нурмонов бўлинмаси ташланди.

Душман қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Мустаҳкам ис-

тсҳқомларини ташлаб кетгиси келмади. Лекин шиддатли зарбадан талвасага тушиб қолганди. Пиримқул душман омбори соқчиларини қириб ташлаб, аслаҳа биносини қуршаб олди, сўнг душманнинг госпиталига ёриб кирди. Бу икки жойда душманнинг 250 дан ортиқ офицер ва солдатлари асир тушишга мажбур бўлди. Чунки жангчиларимизнинг ҳужуми шу қадар тез ва кучли эдики, ҳар қандай ёв унга бардош беролмасди.

Узун урушнинг биргина қисқа туни ва куни ўтди.

Гитлерчилар қишлоқдан қувиб чиқарилди. Дивизия яна олға йўл бошлади. Пиримқул бўлинма жангчиларини сафга чақирди. Лекин сафга Алексей, Майборада чиқмади. Улар огир яраланган эдилар. Пиримқул бу қадрдон жанговар дўстлари билан хайрлашиб, «тезроқ тузалиб, яна бизга қайтиб келинглар, Берлингача бирга борамиз» деди. Ярадор дўстлари бош қимирлатиб хайрлашдилар.

Пиримқул санитария машиналари орқасидан маъюс қараб қолди. Икки азамат дўсти огир яраланган. Замбилларда ётишибди, зўрға нафас олишяпти. Майборада «шу азиз Днепр соҳилида туғилганман», деб айтган эди. Қайси қишлоқдан эди-я қавму-қариндошлари бормикан? Улар ўз фарзандларининг Днепрни кечишда мислсиз жасорат кўрсатганликларини билармиканлар?

Алексейнинг аҳволи огир эди. Ярага бардош бераолармикан? Эҳ, афсус, уруш йўлларида кўп жанговар дўстларимиз қоляпти. Улар она-Ватан эрки учун муқаддас қонларини тўкмоқдалар.

Пиримқул олисдан ялтираб оқаётган Днепр соҳилларига югуриб бормоқчи бўлди. У ерда бир дам ўтириб, мавжли тўлқинларга қараб, она юртидаги Зарафшон соҳилларини хаёлга келтиришни истади. Киши огир дамларда қадрдон дўстларни ёдга олар экан, ўзининг она юртини қўмсаши табиий. Пиримқул ҳам улкан Днепр тўлқинларида кеча туни билан сузиб, урушни ғалаба билан тугатиб, яна Зарафшоннинг заррин қирғоқ-

ларига қайтаманми деб ўйлаганди. Мана ҳозир, Днепрнинг ўнг қирғоғида, тўғрироғи ундан анча олисдаги бир қишлоқ чеккасида туриб, жанговар ҳаёт йўлларини ўйлаб ўтирибди.

Бенхтиёр дўсти Содиқовнинг «Челак қуруқ қолмайди» деган сўзини эслади. Оқшомда дарёнинг кечишга тайёрланаётган вақтларида Пиримқул сув ичмоқчи бўлди, кимдир челакда сув келтириб қолди. Йигитлар ярим челак мусаффо булоқ сувини паққос сипқориб, раҳмат айтдилар. Кимдир «челак қуруқ қолди» деди. Содиқов Пиримқулнинг авзойи бузилганлигини пайқади. У дўстини Челак қишлоғидан эканлигини, ҳозир бу жангчи муҳим топшириқ билан ўтли жангоҳга бораётганлигини хотирга келтирди. Жангчи ҳар янги жангга йўл олар экан, ундан соғ-омон чиқаманми, ёвни енгиб, олдинга силжий оламанми, деб ўйлайди. Пиримқул «челак қуруқ қолди» деган сўзни эшитганда, бадани жимирилаб кетди. Буни сезган унинг дўсти Содиқов сўз ўйини билан «Челак қуруқ қолмайди» деб дўстининг кўнглини кўтарди.

Бўлинма командири ҳамшаҳар жангчи дўстининг бу ҳазил сўзига жилмайиб, «зап ажойиб дўстимсанда» деб қўйди.

Мана ҳозир Днепр соҳилида, янги жангларга йўл олар экан, ўша «Челак қуруқ қолмайди» деган сўзни кўнглидан ўтказиб, ҳаёт косаси доим лиммо-лим туриши учун жанг қилиб, зафар қозонмоқ даркор деб ўтирибди.

Олдинга силжиш ҳақида буйруқ бўлди. Қишлоқ орқасидаги ўрмондан ўтилгандан кейин яна жанг бошлашиб кетди. Душман қўлдан бой берган жойларини қайтариб олиш учун қарши атакага куч тўплаб келган эди. Душман артиллерия, миномёт ва автоматлардан тўхтовсиз ўт очиб гвардиячиларнинг ердан кўтарилишига имкон бермай қўйди.

Бўлинма командири бироз вақт кутиб тургач ўлим

хавфини писанд қилмай, ўрнидан ғоз туриб «Ура! Ватан учун! Гвардиячилар учун!» деб қичқирди ва солдатларини эргаштириб душман устига отилиб бордилар. Душман тўдаси ичида қаттиқ олишув бошланди. Сержант Нурмонов автоматдан ўқ узиб гитлерчиларни қириб ташлади. Бошқа жангчилар ҳам катта жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатдилар. Улар 30 га яқин фашистни ерга михлаб, қолганларини чекнишга мажбур қилдилар.

Лекин душман қулай пайт пойларди. Куч тўплаб яна ҳамлага ўтиб қолди. Нурмонов йигитларига «гранаталар ишга солинсин!» деб буйруқ берди. Душман устида гранаталар ёнғоқ чақа бошлади. Нурмонов гранага отишга уста эди. Урушдан олдин Армия сафида хизмат этиб юрган кезларида граната отиш мусобақаларида ҳаммадан узоққа отишда биринчи бўлиб қолган эди.

Днепр соҳилларида ҳам гранаталарни қулочкашлаб отганида, унда улкан куч пайдо бўлгандек бўларди. Чунки, анча наридаги душман окоплари устида ҳам унинг гранаталари портлади. Душман беркинган жойда туриб, «бу ерга граната етиб келмайди» деб ўйларди. Лекин у ерга Пиримқулнинг отган гранатаси етиб борарди. Ана шу гранатабозлик жангида кўплаб гитлерчининг яксон қилди. Душман қарши атакага кўтарилишга юрагин ботинолмай қолди.

Узун урушнинг яна бир куни шундай ўтди...

Плацдармга дивизия командири генерал Монахов келди. Жангчиларни улкан ғалаба — Днепрни кечиб ўтиб, плацдарм эгалланиши билан қизгин табриклади. Окоплардан айланиб ўтиб, сўнг Нурмонов ёнига келди, унинг чинор қаддига ифтихор билан қараб, жангчининг қўлини қаттиқ қисиб, бундай деди:

— Ишончини аъло даражада оқладинг. Қара Днепр сени табриклаб, осойишта оқмоқда. Сен бугундан бошлаб Совет Иттифоқи Қаҳрамонисан. Сени ана шу юксак

унвонга тавсия этдик. Сенга янги зафарлар истайман. Йигитларингнинг ҳаммасини ҳам мукофотларга тақдим этдик. Командирнинг сўзларидан Пиримқул ҳаяжонланиб кетди.

Пиримқул генералга ўзи ва жангчи дўстлари номидан раҳмат айтиб, бундан кейин ҳам яхши жанг қилишларига уни ишонтирди.

Эртаси куни яна жанглар бошланди. Плацдармни кенгайтириш ва янги қишлоқларни босқинчилардан тозалаш керак эди. Пиримқул бўлинма жангчилари билан ҳужумга киришиб кетди. Жангчилар ҳамжиҳат бўлиб, дадил ҳаракат қилар эдилар. Кечгача яна бир неча қишлоқ ёвдан озод қилинди. Катта бир қишлоқ учун қаттиқ жанг бўлди. Душман муҳим мудофаа аҳамиятига эга бўлган бу қишлоқни ташлаб кетгиси келмасди. Нурмонов бўлинма жангчилари билан қишлоқни штурм қилди. Йигитлар югуриб, тез ҳаракат қилиб, ёв окоплари устига йўл-йўлакай ўқ узиб, ёпирилиб боришарди. Душман совет баҳодирларининг наърасидан довдираб қолди. Окопларда шиддатли жанглар бошлангач, гитлерчилар таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Шу вақт окопдан окопга сакраб, ҳаммадан олдинда югуриб бораётган Пиримқулнинг яқинида мина портлади. Нурмонов билаги ва бошидан яраланди. Боши айлангандай бўлди, кўзи тиниб, йўлини йўқотиб, йиқилаёзди. Ёнида югуриб бораётган Содиқов уни ушлаб қолди. Санитарлар тез етиб келишиб, қаҳрамон жангчига биринчи ёрдам кўрсатдилар.

Жанг қизиб турган эди. Ёв солдатларининг бир қисми асир тушиб, бир қисми шаталоқ отиб қочишаётган эди. Қочоқларини ушлаш керак эди. Шу сабабданми, санитарлар келиши билан Содиқов кўринмай қолди. Узун урушнинг яна бир куни ана шундай ўтди...

Шундан кейин госпиталь ҳаёти бошланди. Бир неча ой шифохоналарда даволанди. Лекин оғир яра ўз таъсирини кўрсатар эди. Пиримқул даवони давом эттириш учун ўз юртига қайтиб келди. Даволаниб, соғайганда уруш тамом бўлди.

Пиримқул госпиталда даволаниб ётганида, унга СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 22 февралдаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитди. Уни госпиталдаги врачлар ва даволанаётган жангчилар бу юксак унвон билан самимий табрикладилар, ўзи хизмат этган қадрдон 60-гвардиячи дивизиядан ҳам табрикномалар келди. Нурмонов табриклаган дўстларга раҳмат айтди ва қадрдон дивизия командирларига чексиз миннатдорчилик мактубини йўллади.

Мана бугун Пиримқул Нурмонов она юртида, қадимий заррин Зарафшон қирғоғида ўтириб, тингловчиларга жанговар ҳаёт йўли ва ўзи билан бирга жанг қилиб, улкан ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган жанговар дўстларининг жасоратлари ҳақидаги хотираларини сўзлаб ўтирибди. У узун урушнинг айрим кунлари ҳақидагина ҳикоя қилиб берди, ундай кунлар кўп бўлган. Уларнинг ҳар бири бир қиссага лойиқ кунлар. Беихтиёр у дўсти Содиқовнинг «Челак қуруқ қолмайди» деган сўзини эслаб, бундай деди:

— Умид учун курашган инсон, ўз умидидан қуруқ қолмас экан. Мен Челагимга — она-юртимга ғалаба билан қайтаман деб ният қилиб курашган эдим, қуруқ қолмадим. Ёвларимдан қасос олдим. Уйга ғалаба билан қайтиб келдим. Уйланиб, бола-чақалик бўлдим, колхозда ҳалол меҳнат қилдим. Коллектив хўжаликнинг раҳбарлик ишларида хизмат қилдим. Эндиликда пенсияга чиқиб, қарилик гаштини суриб эл ҳурматини кўриб юрибман. Бу мен учун энг катта бахт.

1977 й.

ЭЪТИҚОД

Айвонда чироқ ёқилди. Шинам, мўъжазгина ҳовли ёришиб кетди. Туроб ака мусаффо оқшом ҳавосида неваралари билан бироз айланиб, ойнаванд айвондаги иш

столнга ўтирди. Жавонларга тарихга оид китоблар дид билан тахлаб қўйилган. Улар орасида хонадон соҳиби қўли билан ёзилган асарлар ҳам бор.

Туроб ака хотира дафтарини аста варақлаб, уларда қайд этилган воқеаларни, ҳужжатларни бирма-бир тартибга келтириб ёза бошлади. Тароватли, сокин кечада олим яна хаёлан Улуғ Ватан уруши йилларига қайтди. Бу жуда оғир саёҳат эди. Лекин унинг ҳар одимини қайтадан босиш, кечинмаларни эслаш шарт. Москва остоналаридаги оғир жанглар... Волоколамск тош йўлида гитлерчиларга берилган қақшатқич зарба... Шу ерда оддий жангчи Туроб Жўраев елкасидан оғир яраланиб, уч ой госпиталда даволаниб, яна ўз қисмига қайтди... Фарбий Шимолий фронтлардаги жанглар... 900 кунлик қамалда қолган ленинградликларни ҳимоя қилиш... Фашист газандаларни улуғ Ленин шаҳрига йўлатмай, уларга ўнголмас зарбалар берган совет баҳодирларининг жасоратлари ветеран жангчи кўнгил кўзгусида яна (нечанчи бор!) намоён бўлди.

Туроб Жўраевнинг жанговар йўли улуғ пойтахтимиз Москва остоналаридан бошланиб, фашистлар қароргоҳи Берлинда ғолибона тугади. Буюк Ғалаба хушхабарини Эльба соҳилида эшитганида ўзининг кейинги онгли ҳаёти ва билимини совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган жасоратларини ёзиб қолдиришга бағишлагша онт ичди. Бу қасам ижодининг асосий йўлини белгилади.

Тўрт йиллик оғир жанглар хоҳ фронтда бўлсин, хоҳ фронт орқасида бўлсин, ҳар кишининг ёдидан асло кўтарилмайди. Ўша йиллари бутун мамлакат фронт учун, Ғалаба учун меҳнат қилди ва хавfli душман устидан буюк Ғалабани қўлга киритди. Урушда она-Ватанимиз ўзининг 20 миллион фарзандидан ажради. Қўп жангчилар яраланиб, ногирон бўлиб қайтдилар.

Фронтда ва душман орқасида туриб, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатган совет кишиларининг

қахрамопликлари тарихнавис олимни қаламга ундади. Мана 35 йилдирки, унинг қўлида қалам, у ҳамон изланишда.

Сталинград бўсағасида немис-фашист қўшинлари қуршаб олиниб, улар батамом тор-мор этилганига 35 йил тўлиши муносабати билан олим ана шу улуғ ғалабамиз қахрамонлари ҳақида 1978 йилда тарих фанлари доктори, профессор Туроб Жўраев янги асар ёзди. Собиқ жангчи ижодий постда туриб, тунларни бедор ўтказиб, қахрамонлар хотирасини абадийлаштирди. Бу унинг биринчи асари эди.

«Ўзбекистон» нашриёти 1975 йилда «Ўзбекистонликлар — партизан уруши қатнашчилари» китобини нашр этди. Буюк ғалабамизнинг 30 йиллигида китобхонларга совга этилган бу асарнинг муаллифи ҳам Туроб Жўраевдир. Муҳим мавзуга бағишланган бу монографияни Туроб ака 30 йил мобайнида ёзган. Ҳа, урушдан кейинги тинчлик йилларида муаллиф уруш йилларида турли воқеалар туфайли душман орқасига тушиб қолган ўзбекистонлик жангчи йигитларнинг партизанлик ҳаракатига қўшилиб, ёвуз душманга қарши шафқатсиз жанглар олиб борганликларини архив материаллари асосида ўрганиб, жонлантирди.

Партизанлар ҳақидаги китобда кўпгина қасоскорларнинг номлари тилга олинган. Бу ватанпарвар, садоқатли халқ баҳодирларининг номларини ва улар кўрсатган жасоратлар тафсилотини ёзиш учун Туроб ака Москва, Ленинград шаҳарларидаги Улуғ Ватан уруши архивларини кўздан кечириб чиқди. Уруш йилларида партизанлик ҳаракатлари бошланган РСФСРнинг ғарбий областлари, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикалари, Молдавия ва Карелия ерларида бўлиб, собиқ партизанлар билан учрашди, улар қўлларидаги ва маҳаллий ташкилотлар архивларида сақланаётган ҳужжатларни ўрганди.

Китобда уруш йилларида фақат бизнинг мамлакатимиз территориясидагина эмас, балки чет элларда, гитлерчи босқинчиларга қарши партизанлик ҳаракатлари бошланган жойларда ҳам жангга отланган ўзбекистонликлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Олимнинг бошқа китоблари ҳам юқорида номи тилга олинган асар каби муҳим мавзуга бағишланган. Унинг рус ва ўзбек тилида 1964 йилда нашр этилган «Ватаннинг содиқ фарзандлари» китобида ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳақида сўз боради. Муаллиф бу китобни ёзишдан аввал улугъ номга мушарраф бўлган Ватан паҳлавонларининг турли жойларда сақланаётган архив ҳужжатларини ўрганган. Қисмлар, фронт қўмондонлари томонидан мукофотга тавсия этилган варақалар билан танишган, ҳозир ҳаёт бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан учрашиб, улар билан суҳбатлашиб, фактларни аниқлаган.

Туроб ака ёзган китоблар орасида унинг докторлик диссертациясига мавзу бўлган, 1964 йилда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Компартияси» деган китоби алоҳида қимматга эга. Бу китобда Улуғ Ватан уруши йилларида жонажон республикамизнинг партия ташкилоти душман устидан Улуғ Ғалабани таъминлаш учун олиб борган улкан оммавий-сиёсий ва ташкилий ишлари ёрқин фактлар асосида тасвирланган. Муаллиф бу китобдан ташқари «Совет Ватани учун жангларда» (1970), «Ўзбекистон Волга бўйидаги жанг кунларида» (1963), «Ўзбекистон Компартияси Москванинг қаҳрамонна мудофааси кунларида» (1961) асарларини нашр эттирди. 1978 йилда Т. Жўраевнинг «Фан» нашриётида Москва остоналарида немис-фашист қўшинларини тормор этишда қатнашган ўзбекистонлик жангчилар ҳаётига бағишланган китоби нашрдан чиқди. Туроб аканинг ҳамма ёзган асарлари 150 босма листга яқин тўпламни ташкил этади.

Жангчи олимнинг китоблар жавонида йиллар ўтиши билан саргайиб, рангги ўчган митти ён дафтари сақланади. Бу партия билети ҳажмидаги кичкина ён дафтари 1942 йилда қўлга олиниб, унда Туроб аканнинг жанг майдонларида кўрган-кечирганлари, орзу-ўйлари, жангдан бўш вақтларида ёзган, машқ қилган шеърлари жой олган. Бу дафтардаги шеърларни Жўраев жанггоҳларда ёвга қарши жанг қилиб юрган кезлари вақт топиб қаламга олган ва уларни фронтда ўзбек тилида чнқадиган газетага ва республика матбуотига жўнатиб турган. 1962 йилда Ўзбекистон Давлат бадий адабнёт нашриёти чиқарган «Жанговар саҳифалар» тўпламида Туроб аканинг 1942 йил ноябрида Шимоли-ғарбий фронтда ёзган «Ватанимни севаман» деган шеъри босилган. Унинг бошланиши бундай:

Ватан менинг шоним,
бахтим, ҳаётим,
Уни жонимдан ҳам ортиқ
севаман.
Эркига қасд қилган
қонхўр душмани,
Аямасдан қириб, яксон
этаман.

1943 йил баҳор ойларида Шимоли-ғарбий фронтда шиддатли жанглار боради. Туроб Жўраев 63- танк полкида жангчи алоқачи бўлиб, огир жанглarda қатнашди. Гитлерчи босқинчиларнинг ҳамлаларини пучга чиқариб, уларни орқага чекинтириш жангларида жасорат кўрсатди. Полк командирининг бўлинмалар билан мустаҳкам алоқасини таъминлади. Ана шу баҳор жанглари вақтида намуна кўрсатган Туроб Жўраев «Жасорати учун» медали билан мукофотланди.

Жангчи Туроб Жўраев 1941 йил августида Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университетини муваффақиятли тугатиб, дипломи севимли ёри Муборакхонга қолдириб, ўзи жанг майдонига отланган. Она-Ватан шарафи учун

энг огир жойларда, шиддатли жанггоҳларда жасорат кўрсатиб, гитлерчиларга қирон келтирган. Унинг жанговар орденлари жангдаги жасоратидан ёрқин далил. Қизил Юлдуз, II- даражали Ватан уруши орденлари, «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» ва бошқа медаллари баҳодир уруш ветеранининг оловли йиллардаги шон-шуҳратининг ёрқин далилидир.

Туроб ака урушдан кейин туғилиб ўсган жонажон Тошкентга қайтиб самарали илмий-педагоглик ишларини олиб борапти. У партия совет ташкилотларининг юқори лавозимларида ишлади. Ҳозир эса Энгельс номидаги Чет тиллар Давлат педагогика институтида мураббий, марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири. Ёши олтиншдан ошган, лекин чиниққан солдатдек бардам Туроб ака қайноқ ижодий-илмий ва педагогик ишлар билан банд.

Туроб акани оромбахш оқшомда ўз ҳовлисида, жажжи невараларини қўлидан ушлаб, сайр қилиб юрганида, ёзув столи ёнига ўтириб, фронт хотираларини ёзиш учун ён дафтариини қўлига олганида, уни постда турган сарҳадбондай, муддатсиз хизматда бўлган жангчига ўхшатгим келди.

1977 й.

ЗИРҲЛАРНИ ЗИРҚИРАТГАН

Мен у билан қарийб бир ой сафарда бирга бўлдим, Улуғ Ғалабамизнинг шонли 30 йиллиги кунлари эди. Республикамизнинг Улуғ Ватан урушида қатнашган 400 га яқин кекса ветеранлари қаҳрамон шаҳарларни зиёрат этиб, жанг қилган жойларини бориб кўришга отландилар. Биз ветеранлар ихтиёрига махсус поезд бериб қўйилди. Қарнай-сурнайларнинг тантанавор садолари остида сафарга жўнадик.

Мен Жиззах областидан бўлган ветеранлар вагонига жойлашдим. Ҳамсафар дўстларим катта ҳаёт йўлини

босиб ўтган ажойиб, дилкаш кишилар эдилар. Улар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўрақул ҳам бор эди. Миқти гавдали, камгап, камтарин, даврада эса ҳамсухбат бу ҳамсафаримнинг жанговар ҳаёт йўли мени қизиқтирарди. Мен уни жанг қилган жойларини китоблардан ўқиганман. Энди эса унинг ўзи билан ўша жанг қилган жойларга бирга боряпман.

Поездимиз Брянск шаҳрига келиб тўхтаганда, шаҳар аҳолисининг вакиллари бизларни кутишга чиқиб, нон-туз тутганларида, уни Жўрақул қабул қилиб олди. Табаррук заминда етиштирилган ноз-неъматлардан тотиб кўрар экан, севинч ва ифтихордан кўзлари йилтираб кетди. Беҳад севингани ва ҳаяжонланганидан фақат «Раҳмат, азиз дўстлар!» дер эди холос.

Вокзалдаги митинг тугаб, шаҳарнинг диққатга сазовар жойларини сайр этганимизда Жўрақул бу табаррук жойнинг ҳар бир қадам ерини, унинг обод ва гўзал кўркини ўз қалбида бир умр эслаб қолишга ҳаракат қиларди. Жўрақулининг жанговар ҳаётидаги унутилмас воқеалар ана шу шаҳар бўсағасида ва бу шаҳарга олиб келадиган Орёл ва Курск йўлларида бўлиб ўтган эди.

Уруш бошланганида, Жўрақул Жиззах районидаги «Коммунизм» колхозида табелчи эди. Колхозда ишлаш билан бирга ўрта мактабнинг юқори синфида ўқирди. 1941 йилнинг июль ойида 19 ёшли комсомол аъзоси Жўрақул Тўраев навбатни кутиб ўтирмасдан район ҳарбий комиссариатига ариза кўтариб борди. Унинг илтимоси қондирилиб Қизил Армия хизматида чақирилди.

Жўрақул ўзининг зийраклиги, билими, қобилиятли ва жўшқин гайрати билан командирлар эътиборини ўзига тортди. Уни кичик командирлар тайёрлайдиган курсга ўқишга юборишни лозим топдилар. У курсни аъло баҳолар билан тамомлаб, Самарқанд шаҳридаги кавалерия қисмидаги бўлинмаларнинг бирига командир қилиб тайинланди. Ўша кунлари фронтдан уст-устига нохуш хабарлар келиб турарди. Гитлерчилар урушни «яшин

тезлигида» тамомлаш хаёли билан Ватанимиз пойтахти Москвага, революция бешиги Ленинградга, мамлакатнинг ичкари районлари — Кавказ ва Сталинград томонларига интилар эди.

Курсант Жўрақул ўз бўлинмасида агитатор ҳам эди. Радиодан эшиттирилаётган ва газеталарда ёзилаётган ҳар кунги фронт хабарлари ҳақида жангчилар билан суҳбатлар ўтказар экан, тезроқ жанг майдонига борсам дер эди. Душман сен томонга ўжарлик қилиб мўру малаҳдай ёпирилиб кела берса-ю, сен бўлсанг навбат кутиб унга олтидан қараб тура берсанг қандай бўлади? Бу марднинг иши эмас-ку ахир, дерди ўзига-ўзи.

Ниҳоят, уларни ҳам фронтга жўнатишди. Поезд шимолга қараб йўл олди. Лекин эшелон Оренбург шаҳрига етиб келиши билан поезддан тушишга буйруқ берилди. Отларни шу ердаги қисмга топшириш ҳақида буйруқ борлиги хабар этилди.

Отда жанг қилиш маҳоратини пухта эгаллаган моҳир чавандоз Жўрақул бу шаҳарда отини бошқа жангчига топшириб, ўзи шу ердаги артиллерия қисмида қолдирилди. Фронтга «Уруш худоси»нинг қўрқмас баҳодирлари керак эди. Душман жанг майдонларига жуда катта ҳарбий техникасини ташлаётган эди. Жўрақул энди танка қарши отадиган тўпнинг отиш сирларини мукамал ўрганиб олди. Тўп расчётида Жўрақулдан ташқари Барабанов, Павлов, Спиридонов, Панов ва Маҳкамов деган жангчилар бор эди. Барабанов тўп командири, Жўрақул мўлжалловчи, Самарқанднинг Жума станциясидан бўлган оддий солдат Маҳкамов эса снаряд ташувчи эди.

1942 йил қишида уларнинг қисми фронтга келди. Бу вақтда Курск-Орёл томонларида шиддатли жанглар борарди. Душман қучли мудофаа истеҳкомларини қуриб, олға силжиш нияти билан янги ҳужумларга тайёрланарди. Босқинчиларнинг ёвуз ниятлари қўшинларимизга маълум эди. Баҳодир жангчиларимиз душманни ҳужум-



га ўтишга йўл қўймай жойида яксон этиш ҳақида буйруқ олдилар. Курск — Орёл ярим доирасида бизнинг қўшинларимиз душмандан олдин ҳужумга ўтдилар. Бу операцияда жуда кўп қўшинлар ва ҳарбий техника иштирок этди, бу тарихда мисли кўрилмаган жанг бўлди. Ана шу жангларда Жўрақулнинг тўп расчёти ҳам катта жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди.

1943 йил май ойида Орёл областининг Малая Архангельская район марказида гитлерчилар ҳужумга ўтдилар. Уларнинг ҳамласи мардонавор қайтарилди. Фашист газандалари жанг майдонида юзлаб ўликларни қолдириб чекинган бўлишларига қарамай, яна куч тўплаб, ҳужумга ўтишди. Душман танкларини, ўзи юрар тўпларини ишга солиди, авиацияси ҳаводан тўхтовсиз ҳужум қилиб турди. Қўшинларимиз ўз жойларида қаттиқ туриб душманининг жонли кучи ва техникасига катта шикаст етказдилар. Лекин душман янги кучини жангга ташлади. Мудофаада турган бўлинмаларимиз олти-етти километр орқага чекиниб, душманга янги қақшатқич зарбалар беришга тайёргарлик кўрдилар. Қўшинларимизнинг бир неча километр ортга қайтганликларини кўрган гитлерчилар ҳовлиқиб қолишди. Улар мавжуд барча танкларини ва ўзи юрар тўпларини ҳужумга ташладилар. Аҳвол анча оғирлашди. Қўмондонлик қўшинларимизга душманининг зирҳли машиналарининг йўлини тўсиб, жонли кучини ва техникасини тўғридан мўлжалга олиб, уни яксон этиш ҳақида буйруқ берди.

Тўпчилар танкларга қарши ишлатиладиган снарядларни кераклигича жамлаб, ўзларини пана жойга олиб, душманининг зирҳли машиналарини кутдилар. Ўнг томондаги қўшин тўпчилар жангга кирдилар. Жўрақул бутазорлар орқасидан моторлар гулдиросини эшитди. Гуё бутун борлиқни қандайдир бир ваҳший овоз тутгандай эди. Бир маҳал батарея командири траншея бўйлаб югуриб келди:

— Айтганим тўғри келди, душманнинг мақталган янги «қутилари» ташриф буюришяпти. Броняни тешувчи снарядларни ишга соламиз, дўстлар,— деди.

Жанг олдиндан батарея командири бўлинма жангчиларига фронт штабидан фашистлар ўзларининг «Пантера», «Тигр» ва «Фердинанд» деб ном олган мақталган янги танклар ва ўзи юрар тўпларини жангга олиб келганликлари ҳақида хабар олинганлиги эшиттирилган эди. Мана ҳозир ёвнинг ўша кучли броня ва қуролга эга бўлган аждаҳолари бутазорлар орқасидан ўрмалаб келишяпти.

Жўрақул тўн командири Барабановга қаради. У мўлжални аниқ айтиб:

— Броняни тешувчи снарядлар билан оғонь!— деб қичқирди. Унинг овози бўғиқроқ чиқарди.

Ҳар икки томондан ҳам кучли отишма бошланди. Душман танкларни тўплардан ўқ узиб, батареяларимизни жим бўлишга мажбур қилмоқчи бўларди. Лекин тўпчиларимиз ҳам анойилардан эмас эди. Бир вақт Жўрақул бутазорлар орасидан чиқиб, ўнг томондаги батареяга ўт очиб бало-қазодек югуриб-елиб бораётган танкни кўрди. «Тигр» деб пичирлади ичида. Барабанов ҳам, бошқа тўпчилар ҳам ёвнинг бундай танкини илгари ҳеч кўрмаган эдилар. Барабанов:

— Жора, нишонга ол, бренобой билан ур!— деб қичқирди.

Жўрақул қулай пайт келганлигини билиб, «Тигр»нинг биқинини нишонга олди. Икки снаряд ёв танкига устма-уст бориб урилди. Югуриб бораётган даҳшатли маҳлуқ таққа-тақ тўхтаб қолди, кейин ёниб кетди. Бу зафар тўпчиларимизнинг руҳини кўтариб юборди. Батарея жангчилари ёвнинг мақталган зирҳли машиналарини ўзларига яқинлаштирмадилар, кўринган жойларида уларга қаттиқ шикаст етказиб турдилар.

Ёнган «Тигр»дан нарпроқда яна бир машина куйиб, қорайиб ётарди. Жўрақул бу машина душманнинг куч-

ли броняга эга бўлган «Фердинанд» деб номланган ўзи юрар тўпи эканлигини билиб олди. Бу зирҳли машина ёвнинг «Пантера» ва «Тигр» танкларини кузатиб, батареяларимизга олидан шиддатли ўт очиб келарди. Унинг нафаси ўчганлигидан Жўрақул жуда хурсанд эди. Жанг тўпчиларимизнинг ёлиб келишлари билан тугади.

Жанг майдонидан узоқ бўлмаган жойдан ўтган темирийўлни қўриқлаш ҳақида буйруқ келди. Пўлат излардан ҳарбий эшелонлар ўтиб турарди. Душман темирийўлни ишдан чиқариш учун кўп урипти. Олидан пўлат изларга қараб оғир тўплардан тез-тез ўқ узиб турарди. Темирийўл картошка экилган далалардан ўтган эди. Жўрақул ёв снарядлари картошка далаларига урилиб, портлаб, кўкариб яшнаб турган картошка кўчатларини ҳавога улоқтириб, юлқиб ташлаётганлигини қайғуриб кузатиб турар, ичида вой лаънатиларей, боғларимиз, полизларимизнинг уволи урсин сенларни, деб сўкинарди.

Темирийўлни қўлга киритиш учун душман ўз танкларини ҳам ишга солди. Қулай жойларга ўрнашиб олган тўпчиларимиз душманнынг бирорта ҳам зирҳли машинасини темирийўл изига яқинлаштирмадилар. Темирийўл учун жанг тўхтовсиз тўққиз кун давом этди. Охири нияти амалга ошмаган душман яна орқага чекинишга мажбур бўлди.

1943 йил 6 юни Жўрақул Тўраев ёдида унутилмас хотира бўлиб қолган. Орёл шаҳрини озод этишда Жўрақул намуна кўрсатиб жанг қилди. Душман шаҳар бўсағасида яксон этилиб, кўп жонли кучи ва техникасини ташлаб, ғарбга қараб чекинди. Жангда намуна кўрсатгани учун тўп мўлжалловчиси кичик сержант Жўрақулга «Жасорати учун» медали ва «Аълочи тўпчи» нишони топширилди. Медаль душмандан озод қилинган қишлоқда тантанали вазиятда топширилди. Бошқа жангчилар ҳам ҳукумат мукофоти билан тақдирландилар. Жўрақул жанговар медални командир қўлидан олар экан, коман-

дир ёнида турган батарея партия ташкилотчисига ўзининг партия сафига қабул қилишлари ҳақидаги аризасини топширди. Тантанали маросимдан кейин партбюро йиғилиши бўлиб, аълочи жангчи сержант Жўрақул Тўраев Ленин партияси сафига қабул қилинди.

Жангчилар митингдан кейин йўлга чиқдилар. Чунки душман чекинаётган эди. Жўрақул бўлинмаси 1943 йилнинг сентябрь ойида Днепр соҳилига келди. Бу улкан сув тўсиғига фашистлар катта умид боғлаб, бу ерда жон сақламоқчи бўлишар, иложини топса, қўшинларимизга қаттиқ шикаст етказишга тайёрланарди. Лекин қўшинларимизнинг аҳди ҳам айнан шундай эди. Улар душманин янги зарбалар беришга, у қонхўр газандаларни бу ердан тезроқ ҳайдаб чиқаришга ва уларни ўз уясида батамом яксон этишга катта ҳозирлик кўрардилар.

Тўпчиларимиз дарёнинг шарқий соҳилига етиб келишиб, уни тезроқ кечиб ўтишга ҳозирлик кўрдилар. Кечаси фонтон кўприк қурилиб, тўпчилар ўтншга қўзғолганларида, гитлерчилар дарё устига ракеталар отиб, фонтондан хабар топишиб, тўплардан ўт очиб, кўприкни бузиб юбордилар.

Душман гарбий соҳилда мустаҳкам ўрнашиб олиб, жангчиларимизнинг кечувига халақит бера бошлади. Шу билан бирга улар дарёнинг нариги томонидан ҳар жой-ҳар жойдан оғир тўплардан ўт очипб, дарёни кечпб ўтишга, техникаларимизни фонтон кўприклардан олиб ўтишга халақит бердилар. Разведкачилар ёрдамида душманиннинг ўт очиш жойлари бирма-бир аниқланди. У жойларни энди яксон этиш керак эди. Полк командири батареядан энг яхши мўлжалловчини ўзига сўради. Батарея командири Жўрақулни тавсия қилди. Полк командири Жўрақулни ёнига чақириб, унга душманиннинг ўт очиш жойлари қаерда эканлигини айтди ва лўнда қилиб:

— Уларнинг нафасини ўчириш сизнинг зиммангизга юклатилади!— деди.

Шу вақт бригада командири ҳам келиб қолди. Тўраев уларнинг кўз ўнгида кўрсатилган нишонларга ўт оча бошлади. Унинг отган снарядлари нишонларга аниқ бориб тегаётганлигини командирлар кузатиб турдилар. Шу вақт душман томондан тўпларнинг гүмбурлаши эшитилди. Душманнинг ўт очиш жойлари ҳам ҳаракатга келди. Лекин Жўрақул ёвнинг ўша ўт очаётган жойларини бирин-кетин ўққа тутиб, уларнинг нафасини ўчириб борди. Бригада командири жангчи Жўрақулга ташаккур билдирди. Сўнг Жўрақул тўпи бундан буён биринчи тўп расчёти номи билан юритилсин, деб буйруқ берди. Шундай қилиб, Жўрақул биринчи номерли тўп мўлжалловчиси бўлиб қолди. Бу катта ишончини оқлаш учун у ўз билими ва маҳоратини оширишга ҳаракат қилди.

Кўшинларимиз Днепрни кечиб ўтдилар. Фарбий соҳилда жанглар қизиқ кетди. Жўрақул ҳам тиним билмади. У ўз дўстлари билан душманини таъқиб этиб, олдинга силжирди. Ҳар бир дала, ҳар бир қишлоқда қаттиқ жанглар бўлди. Гороховишче қишлоғи учун бўлган жангчи Жўрақул бир умр эсдан чиқармайди. Қишлоқдан тахминан уч километр узоқликда бўлган йўл четида Жўрақул тўпини жангга тайёрлади. Бошқа тўпчилар ҳам ўз жойларини аниқлаб, яхши ўрнашиб олдилар. Қишлоқ томонга душманнинг катта кучи келаётганлигини хабар этилди. Уни яна аниқлаш керак. Шунинг учун солдат Панов разведкага юборилди. У разведкадан қайтиб келиб, қишлоқ йўлидаги ботқоқликка ёғоч харилар ётқизиблиб, танклар ўтиши учун йўл қилинганлигини хабар этди. Шу вақт икки чақиримча масофадаги бир қишлоқ томондан моторлар овози эшитилди. Моторларнинг кучли гувуллашидан танклар келаётганлигини аниқ эди. Танклар Гороховишчеге разведкачи Панов аниқлаб келган харилар ётқизилган йўл бўйлаб икки томондан тизиллишиб, шиддат билан қишлоқ томонга шошилдилар. Бир томондаги танклар Жўрақул тўпи турган жойни пайқаб қолгандек ўша томонга йўлини тезлаб, тўппа-

тўғри келарди. Душман танкларини яксон этишга буйруқ берилди. Расчёт жангчилари ёвнинг зирҳли кучини зирқиратиш учун уларни ўша ёғоч кўприклар устида яксон этиб, ботқоққа ботириб, гумдон этиш учун совуққонлик билан уларни яқин келишини кутиб туришарди.

Душман танклари тахминан 700 метрча масофага яқинлашиб келганда, тўплардан ўт очишга буйруқ берилди. Жўрақул тўпи олдинда эди. У танкларнинг энг олдинда келаётганини нишонга олди. Снаряд мўлжалга тегди. Харилар бўлишиб кетди. Танклар тўхтаб қолди. Четга чиқишга йўл йўқ. Орқага айланиб ўтишнинг ҳам иложи йўқ. Атроф ботқоқ. Ана шу қулай жойда душмanning етти танки ва бир ўзи юрар тўпи яксон қилинди. Қолганлари орқага тисарилиб, қаттиқ жойга чиққанларидан кейин қочиб қолишди.

Гитлерчилар танкига шикаст етказилганидан кейин уларнинг тўплари ва миномётлари авжга кириб қолди. Улар тўпчиларимиз турган жойларни ўтга тута бошладилар. Лекин Жўрақуллар ҳам бўш келишмади. Тўраев душмanning яқин масофадан отаётган бир тўпини зник нишонга олиб, уни парчалаб ташлади. Сўнг панада туриб, ўт очаётган танкни ҳам аниқ нишонга олиб ёндириб юборди. Шу вақт бир снаряд Жўрақул тўпи ёнида портлади. Тўп стволи букилиб қолди. Шита ўрнидан кўчиб кетди. Тўп кўтарилиб саккиз метр нарига бориб тушди. Павлов ва Панов яраланди. Жўрақул ҳам пешонасидан яраланиб қон сиғиб юз-кўзини қоплай бошлади. Бунинг устига кучли портлашдан гарапг бўлиб қолди. Павловга қараса, у ҳам ҳеч нарсани тушунмай, қўли билан мени траншеяга туширинг, дегандай имо қилади. Жўрақул судралиб бориб, Павловни елкалаб, траншеяга олиб тушди. Ёнидан дока олиб, унга ёрдам кўрсатди, ўзининг юзидаги қонни ҳам артиб, ярасини боғлаб олди. Сўнг бошини кўтариб тўпи турган жойга қаради, бошқа шерикларини топиб, уларга ёрдам кўрсатиб, траншеяга

олиб келмоқчи бўлди. Лекин улар ҳалок бўлган эдилар. Панов ҳам кўринмай қолди. Панароқ жойга эмаклаб кетганга ўхшайди.

Жўрақул қаттиқ ярадор бўлса-да, жанг майдонини ташлаб кетгиси келмасди. У озод қилинган жойни душманга қолдириш ёвга таслим бўлиш билан баробар, дер эди. Кучини йиғиб, автоматини қўлга олди. Гранаталарга портлатгич ўрнатиб ёнига қўйди. Ўз участкасига душман танкларини йўлатмади. Ҳали ўзи портлатиб юборган харилар йўлидан ёпирилиб келаётган гитлерчи автоматчиларга қарши ўт очишни давом эттирди. Икки взводдан ортиқ фашист солдатларини қириб ташлади. Танида охирги мадори ва автоматиди охирги ўқи қолгунча жанг қилди.

Шу вақт улар турган чоҳ устида яна снаряд портлади. Энди икки жангчи ҳолсизлашиб, ўринларидан туришга ҳоллари қолмади. Автомат ҳам ишдан чиқди. Бошқа батареялар ҳам аллақачон жим бўлиб қолншган. Хавфли сукунат. Нега қўшни тўплар овоз чиқармади?! Наҳот улар ҳам шикаст топган бўлсалар?! Жўрақул автоматини қўлига олиб, окоп устига кўтарилишга ҳаракат қилди. Лекин биров елкасидан ерга босгандай ўридан қўзғололмади. Пешонасига урилган снаряд парчаси уни ана шу ҳолга тушириб қўйган. Окоп орқасидан нотаниш немисча пншқириниш, бақириниш-чақиринишлар эшитилиб қолди. Наҳот ҳамма иш тамом бўлса? Наҳот фашистлар окоп устида пайдо бўлиб, ҳолсиз ётган икки жангчинини тилка-пора қилиб кетишса? Жўрақул қаноти синган бургутдай ўз жойида талпиниб турарди. Шу вақт окоп устида кучли отишма бошланди. Немисча бақириниш-чақиринишлар бир зумда гумдон бўлди. Пиёдаларимиз ва танкчиларимиз Жўрақуллар турган жойга етиб келишди. Улар ёвнинг йўлини тўсиб, душманни орқага чекинишга мажбур этдилар. Санитарлар Жўрақул билан Павловга биринчи ёрдам кўрсатиб, уларни санбатга олиб кетдилар.

Жўрақул санбатдан госпиталга жўнатилади. У ерда

1944 йилнинг апрель ойигача даволанди. Бир куни эрта-лаб палатага Барабанов кириб келди. Унинг поғонида майорлик юлдузи бор эди. Барабанов Жўрақул билан қучоқлашиб кўришди. Жанговар шерикларидан салом келтирганлигини ва тезроқ соғайиб, яна қадрдон батареяга қайтиб боришини таъкидлади. Жўрақул бу жанговар командири энди батареяга командирлик қилаётганлигини ундан сўраб, билиб олди. Хурсанд бўлиб, «мана тузалиб қолдим, яна сенинг ёнигнда туриб, фашист газандаларни яксон этаверамиз» деди. Барабанов Жўрақулга катта хушхабарни—уни Гороховишче жангида катта жасорат кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганлигини айтди. Жўрақул жанговар дўсти ва командирига раҳмат айтди. Командиридан ҳамшаҳар дўсти Холмурод Ҳакимовни сўради. У бошқа батареяда хизмат этарди. Барабанов Холмуродни соғ-саломат хизмат қилиб юрганлигини айтди. Барабанов хайрлашиб, қисмга жўнаб кетди. Жўрақул тезроқ тузалиб яна жанговар дўстлари ёнига боришга интиқ бўлиб юрди. Батареядаги аҳволни билиш учун Холмуродга хат ёзди. Ундан тезда жавоб келди. Холмурод хушхабарни ёзиб юборибди. Хатда СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 29 мартдаги Фармони билан младший сержант Жўрақул Тўраевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги зўр қувонч ва ифтихор билан ёзилган эди. Бу хушхабар госпиталга тез тарқалди. Ҳамма баҳодир тўпчини юксак фахрли унвон билан муборакбод этди. Жўрақул дўстларига, шифокорларга раҳмат айтиб, ўзини бардам сезаётганлигини, тезроқ қадрдон қисмга етиб боришини госпитал бошлиғидан сўради.

Бир неча кундан кейин Тўраев яна ўзининг қадрдон батареясига қайтиб борди. Майор Барабановга, ҳамшаҳари Холмурод Ҳакимовга ва бошқа жанговар дўстларига уларнинг табриклари учун чексиз миннатдорчилик билдирди. Янги тўпини қабул қилиб оларкан:

— Энди сен билан Берлингача бирга борамиз!— деди.

Лекин майор Барабанов Жўрақулни ёнига чақириб:

— Сен ҳали бутунлай соғайиб кетмагансан. Ҳали яна даволанишнинг керак. Сен яхши жанг қилдинг. Сенга қўмондонлик бир ойга дам олишга рухсат берди. Ҳа, қаҳрамон дўстим, энди ўз юртингга, туғилиб ўсган Жиззах шаҳрининг бориб, у ердаги кишиларга бизнинг батареямиз жангчиларидан салом айт. У ерда саломатлигининг яхшилаб, сен билан учрашувга келганларга бизларнинг жанговар ҳаётимиздан ҳикоялар сўзлаб бер,— деди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, баҳодир жангчи, коммунист Жўрақул Тўраев туғилиб ўсган Жиззах шаҳрига етиб келди. Шаҳар аҳолиси уни таптанавор кутиб олди. Шаҳар корхоналари ва колхозларида учрашувлар бўлди. Жўрақул қаерда бўлмасин, у ердагиларга ўз батареяси ҳақида ҳикоялар сўзлар, жанговар дўстларидан саломлар топширарди.

Жангларда чиниққан қаҳрамон Жўрақулнинг дам олиш вақти тамом бўлгандан кейин у фронтга отланаман деб, военкоматга борганда, у ерда уни командирлик мактабига ўқишга юбориш тўғрисида буйруқ келганлигини айтишди. Шундай қилиб, Жўрақул командирлик мактабига жўнаб кетди. У мактабни муваффақиятли тамомлаб, 1954 йилгача ҳарбий қисмларда хизмат этди. Фронтда олган оғир яра йил ўтган сайин ўзини билдирарди. Жўрақул 1954 йилда ҳарбий хизматдан бўшаб, Жиззах районидаги партия ва совет ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ҳозирги кунда эса Жиззах область қурилиш бошқармасида старший инженер бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг беш фарзанди бор. Улар улгайиб, армияда хизмат қилиб қайтишди.

Жўрақул Белоруссия ўрмонларидан ўтиб борар экан, вагон деразасидан баҳор либосига бурканган ям-яшил далаларга, кўкка бўй чўзиб, мағрур қад кўтарган ўрмонларга, обод шаҳар ва қишлоқларга бир дунё севинч ва

ифтихор туйгулари билан қараб борарди. У оқ оралаган сочини панжалари билан тараб тўғрилаб, бизларга:

— Гороховишче қишлоғини бориб кўргим келяпти, у ер ҳозир ўзгариб, зап чиройли қишлоққа айлангандир,— деди, олис-олисларга хурсанд қараркан.

Бу гўзаллик, бу яшнашда у ўзининг ҳам катта ибратли ҳиссаси борлигидан қувонади.

1977 й.

ОКОПДА ЁЗИЛГАН САТРЛАР

Абулқосим акани яқинда тасодафан редакциямиз биносида учратиб қолдим. Уни бошқа редакцияларда ишлайдиган ҳамкасб дўстларимиз учрашувга чақиришган экан. Мен уни дарҳол танидим. Бу шанига шеърлар битилган, қўшиқлар куйланган машҳур жангчи эди. Орден ва медалларини тақиб, худди солдатлик давридагидек бардам қадам ташлаб келяпти. Сўрашиб анча суҳбатлашдик.

Уни биринчи бор 1944 йил ёзида Минск тош йўлида, иккинчи бор Польшада, Нарев дарёси плацдармида учратган эдим. Оловли йиллар, эски жанговар дамлар киши хотирасидан асло унутилмайди.

1944 йил ёзида Белоруссия ерларини фашист босқинчилардан озод этиш учун шиддатли жанглар борар эди. Жангчи Абулқосим Мадатовнинг бўлинмаси Витебск районидаги муҳим бир тепаликни эгаллаб турган эди.

Гитлерчилар тепаликни қўлга киритиш учун танкларини ишга солди. Абулқосим танкка қарши отадиган милицияни қулай пана жойга ўрнатиб, душмanning зирҳли машиналарини пойлаб ётар эди. Бир вақт биринчи бўлиб ёвнинг мақталган «Фердинанд» танки пайдо бўлди. У йўлини тезлаб, Мадатов ётган тепаликка қараб келарди. Ёв машинасининг олд броняси қалин эди. Уни ПТР ўқи билан отиб бўлмас эди. Мадатов унинг кузатиш туйнуқларини мўлжалга олиб ўқ уза бошлади. Бир ма-

ҳал танк бир силкинди-ю, юрган жойида тақа-тақ тўхтаб қолди. Сўнг айланиб орқасига аста-секин кета бошлади. Лекин танк орқасидан келаётган душман пулемётчилари хуруж қилиб қолди. Улар Мадатов томонга ёпирилиб келарди. Мадатов анойилардан эмас. Серкасидан ажралган душман бўрилариининг йўлини тўсиб, шиддатли ўқ узиб, уларни ҳам орқага чекиннишга мажбур этди.

Лекин душман ўша тепаликдан умидини узмас эди. Унинг яна тўрт танки ғимирлаб тепалик томонга юриш бошлади. Мадатов душманнинг олдинда келаётган танкини аниқ мўлжалга олиб ўқ узди. Танк тутаб ёна бошлади. Душманнинг бошқа танклари эса Мадатов ётган жойга ёппасига шиддатли ўт оча бошлади. Жангчи ётган жой чанг-тўзон ичида қолиб кетди. Олисдан бу воқеани кузатиб турган командирларимиз Мадатов ҳалок бўлди деб ўйладилар. Лекин яраланган мард ўзбек йигити жойида маҳкам турган эди. Жойини ташлаб кетмади. Аксинча ярасини ўзи боғлаб, ўзини дадил тутиб, гитлерчиларнинг иккинчи танкини ҳам ўқ узиб, аланга олди. Ёвнинг қолган икки танки олдинга бетлолмади. Мадатов ғолиб чиқди.

Жангчи Абулқосимнинг мардлиги, ёвга даҳшат солиб танк қирувчи баҳодирлиги бутун фронтга ёйилди. Уни қўмондонлик ордени билан мукофотладди. Ёзувчилар, журналистлар унинг бўлинмасига келиб, мард жангчининг қаҳрамонлиги ҳақида шеърлар ва очерклар ёздилар.

Танктешар қуроли мергани Абулқосим Мадатов ҳақида фронт газетасининг ходими капитан Артем Ажимамудов «Баҳодир» деган очерк ёзди. Унинг очеркида қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Бу тепаликда уйдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Унинг жанглар билан юз километрлаб йўлни бирга босган энг яқин дўсти жанг арафасида ярадор бўлди. Бу ерда Абулқосим Мадатов якка ўзи танктешар қуроли билан ётар ва гитлерчиларни кутар

эди. Броня тешувчи қўрқмас жангчи ўз ўқчи бўлинмасидан олдинда атиги 20 метрлик масофада жойлашди. Бу ердан туриб немис танкларини жуда боплаб уриш мумкин.

Йигирма яшар баҳодир то иккинчи фашист танки тутаб ёнгунча ва тепалик орқасига думалаб тушгунча жанг қилди. Қолган икки танк орқасига чекинди, немис автоматчилари эса унинг орқасидан қоча бошладилар.

Мадатов ёнидан атакага кўтарилган Совет пиёда аскарлари бўлинмалари олдинга ҳужум қилиб ўта бошладилар. Улар душманни тор-мор қилиш ва уни ғарб томонга ҳайдашга интилар эдилар.

Кечқурун немислар тепаликдан суриб чиқарилганда комсомол ташкилоти шу жангчи қаҳрамон ефрейтор Абулқосим Мадатовни комсомол сафига қабул қилди.»

Юқорида ёзилган сатрлар «Фронт ҳақиқати» газетасида эълон қилинди. Газетанинг кейинги сонларида машҳур танктешар Мадатов ҳақида шеърлар пайдо бўла бошладилар. Ўзбек тилида чиқадиган фронт газетасининг ҳарбий муҳбири лейтенант Адҳам Ҳамдам Мадатов хизмат қилаётган қисмга борди. Абулқосим Мадатов ёвнинг танкларини ёндирган ва жонли кучини ўққа тутиб яқсон этиб, ғолиб турган тепаликни бориб кўрди. Душмanning икки танки қияликда куйиб, қорайиб турарди. Унинг атрофида Мадатов отган ПТР ўқларининг гилзалари сочилиб ётарди. Қисм командири ва жангчилар Мадатовнинг жасоратини ғурурланиб ҳикоя қилардилар.

Хушҳаво тоғли Баҳмал районидан бўлган баҳодир Мадатов ҳақида шоир ўзининг қуйидаги «Жангчи Абулқосим» деган шеърини ёзди:

Ғувиллаб учар шамол,
Кўк бетида булутлар.
Майдонни айлаб қамал
Жанг бошлади йигитлар.
Тепаликка югурди
Абулқосим жанговар.

Кўринган ёвни қирди,
Зафар бўлди унга ёр.
Ярадор бўлди дўсти,
Танк келмоқда узоқдан.
— Ёв ҳеч қочиб қутилмас
Мен ясаган тузоқдан!—
Дедн баҳодир йигит,
Жанг бошлади қаҳрамон.
У жанг қилган шу кунг
Қойил қолди ер-осмон.
Ёв устига ёғилди,
Ажал ўти — қўрғошин.
Абулқосим қизишди,
Гўё бўлиб оташин.
Мадатов очган ўтдан
Фашист танки соврилди,
Аламга тўлган фриц,
Ўт ичида қоврилди.
У жангда топиб зафар,
Вафо қилди аҳдига.
Ёв қайтиб келолмади,
Баҳодирнинг шаҳдига.
Довруқларинг таралсин,
Жангда ботир паҳлавон,
Зафар топ, камолга ет,
Минг йил яша, қаҳрамон!

Жангчи Мадатовнинг душман танкларига қарши жанг қилиб ғолиб чиққанлиги ҳақидаги хабар ўша вақтда фронт газетасида ҳарбий муҳбир бўлиб ишлаб турган майор, машҳур совет шоири Михаил Матусовскийни ҳам илҳомлантириб юборди. У ҳам қўрқмас танк тешар ўзбек йигитига бағишлаб қуйидаги балладани ёзди:

Олов билан қопланган
Танк ҳақида сўзлайман.
Абулқосим Мадатов
Жангини мен сўзлайман.
Унинг отган ўқидан
Танкни қоплар аланга.
Жангчи қаҳру ғазабин
Сочар эди душманга.
Жангчи қалбин олови

Сўниш битмас ҳеч қачон,
Мадатовдек жангда сен,
Ботир бўлиб, ур жавлон!

Жангчи шуҳрати мангу олов каби асло сўнмайди. Абулқосим Мадатов жанг майдонларида мислсиз жасорат кўрсатиб, гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда шон-шуҳрат қозонди. Кўксини орден ва медаллар бе-зади. Урушни Берлин яқинида, Эльба дарёсининг бўйида тамомлади.

Мадатов Белоруссияни фашист босқинчилардан озод қилиш жангларида ПТР билан шуҳрат қозонган бўлса. Польшада ва Германияда фашист газандаларни батамом тор-мор этиш жангларида танкка қарши отадиган тўп командири этиб тайинланди. Сержант Мадатовнинг тўп расчётида 5 киши хизмат қилар эди.

Мадатов урушнинг охирида Венгрияда Дунай дарёси бўйида ҳам гитлерчилар танкларига қарши жангларда қатнашди.

— Урушнинг охири эди,— деб эслайди Абулқосим ака,— зангори Дунай соҳилларида жанг борар эди. Гитлерчилар мағлуб бўлаётганликларига кўзлари етиб турган бўлишига қарамай, қолган-қутган техника ва одам кучларини жангга ташларди. Ана шундай шиддатли танк жанглари Дунай соҳилида ҳам бўлди. Бу ерда ҳам Абулқосим голиб чиқди. Қўмондонлик уни II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлади. Бундан ташқари унинг Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» ва бошқа медаллари бор.

Сержант Абулқосим Мадатов урушни ғалаба билан тамомлаб, 1945 йилнинг ноябрь ойида Германиядан, Эльба дарёси бўйидан Зарафшон соҳилига, ўзи туғилиб ўсган Бахмал районининг Қўкилбой қишлоғига қайтиб келди. Уйланди, оила қурди. «Бахмал» совхозида ғаллакор бўлиб ишлади. Қадрдон қирларда олтин ороллар яратди. Оиласида 8 фарзанд туғилиб, вояга етди. Катта ўғли Совет Армиясида хизмат қилиб қайтди, ҳозир совхозда меҳнат қилмоқда.

Абулқосим ака яқинда пенсияга чиқди, зафар пашидасини, қариллик гаштини суриб юрибди. У Улуғ Ватаи уруши ветерани, кекса галлакор сифатида учрашувларга бориб туради. Ўзининг мамлакатнинг турли жойларида тинч ижодий меҳнат билан шугулланиб келаётган жанговар полкдош дўстлари билан алоқа боғлаб, уларникига бориб-келиб туради.

Яқинда Абулқосим ака Москвага, шоир Михаил Матусовскийникига бориб меҳмон бўлди. Икки жанговар дўст фронт йилларини эслашди. Бу учрашув ҳақида журналист С. Савельевнинг «Ўттиз икки йилдан сўнг» очерки «Красная звезда» газетасида 1976 йил октябрь ойида босилиб чиқди.

Собиқ жангчилар, полкдош дўстлар Абулқосим Мадатов ва шоир Михаил Матусовский биргаликда Кремль девори ёнидаги Номангум солдат қабри ёнига бориб, сукут сақлаб турдилар, дўст-биродарларини эслашдилар.

Абулқосим ака ҳозир Одесса шаҳрида истиқомат қилиб турган фронтчи қаламкаш дўсти Артём Аджимамудовдан, Белоруссия ССРининг Минск областидаги Копейное қишлоғида турувчи полкдош дўсти, запасдаги старшина Михаил Семёнович Пискуновдан ҳам хат хабарлар олиб туради.

Жанговар йиллар шуҳрати, жанговар дўстлар қадрли асло упутилмайди. Қўшиққа айланган дўстлик сатрларини дилларда ва тилларда ҳамма вақт бирдай янграйди.

1977 й.

ХОЛМАТ ПАРТИЗАН

У соҳилда туриб, гувоҳномасини ўқиб, ўша оғир, оташини дамларини эслайди...

Тун. Икки қир орасидаги аэродромдан самолёт ҳавога кўтарилди. Еру осмонни булут қоплаган. Елкаларига парашют кўтариб, сакрашга ҳозир турган десантлар чурқ этмайди. Ҳар ким ўз ўй-ҳаёли билан банд. Фақат

самолёт мотори кучли гувиллайди. Жангчи Холмат Ражабов курси ўртасида ўтирибди. У бўйдор бўлганлиги учун ўтирган дўстлари орасидан ажралиб турибди.

Хаёл нималарга элтмайди. Холмат елкасидаги парашют тасмаларини тўғрилаб, тиззасидаги автомат дискасига қўлини қўйиб, ўзини гарбга эмас, шарққа, туғилиб ўсган Жиззах шаҳрига учиб бораётгандай ҳис этди. Ҳа, қоронғу тунда, осмон-фалакда ўзинини қаёққа улаётганининг билмайсан киши.

Холмат самолёт деразасидан ерга қаради. Бутун олам зулмат қатърига чўмган. Фақат гоҳ-гоҳида у ер-бу ерда ўт чақнайди. Митти ракеталар кўтарилиб, атрофини ёритиб, сўнг сўнади.

Хаёл энди шимолга, жанг майдонига айланган Стара Русса шаҳрига олиб кетди. Уша шаҳар яқинидаги Козловка қишлоғи учун бўлган шиддатли жанг Холмат хаёлидан кўтарилмайди. Қишлоқ катта йўл четидаги муҳим мудрофаа аҳамиятига эга бўлган жой эди. Қишлоқни гитлерчилар эгаллаб олган. Уларни у ердан қувиб чиқариш керак. Полк командири Чуйков бир рота жангчиларини ажратиб, уларни қишлоқни озод қилишга юборди. Улар орасида взвод командири Холмат Ражабов ҳам бор эди.

Рота тоғ отарда қишлоққа ҳужум қилди. Жанг бир неча соат давом этди. Душман жанг майдонида жангчиларининг икки юздан ортиқ жасадини қолдирди. Шунга қарамай қишлоқни ташлаб кетгиси келмасди. Ана шу пайтда рота командири ярадор бўлди. Унинг ўрнига командирлиқни ўз зиммасига олган Холмат ротани жангга бошлаб борди. Душман қишлоқдан уриб чиқарилди. Лекин шундай қувончли бир дамда қишлоқ четида, Холмат турган йўл яқинида душман снаряди портлади. Холмат қонга беланган кўкрагини ушлаб, ўтириб қолди. Санитарлар уни ҳушсиз ҳолда жанг майдонидан олиб чиқиб кетдилар. Бир неча кун санбатлаётгандан кейин, уни госпиталга жўнатдилар.

Холмат госпиталда даволаниб, у ердан чиққандай кейин мана ҳозир самолётда учиб бораётган десантчи йиғитлар қисмига тушиб қолди. Бу ҳаво десанти бригадаси ҳам жангларда шуҳрат қозонган қисмлардан эди. Жанглар оташида тобланган Холмат бу қисм ҳаётига тезда кўникиб, моҳир десантчи бўлиб олди. Парашютдан сакрашини, душманининг орқа томонида туриб, унга қақшатғич зарбалар бериш йўллариини ўрганди. Отда юриш, машина ҳайдаш, рельсларни портлатиш ва яна қанча шунақа ҳарбий ишларини ўрганиб, ўзининг довжорак, моҳир жангчи эканлигини кўрсатди. Мана энди, жанговар дўстлари билан биринчи марта муҳим топшириқни бажаришга боришти. Самолёт силкинди. Кимдир қалқиб ўрнидан туриб кетди. Командир соатиға қараб, ҳаммани мўлжалга яқинлашди, деб огоҳлантирди.

Самолёт учишда давом этиб, бир неча минут ўтгандан кейин, моторининг овози пасайгандай бўлди. Ў давра ясаб орқасига қайтишга ҳозирлик кўрарди. Ерга сакрашга команда берилди. Самолёт эшиги очилди. Бир зумда самолёт бўшаб қолди. Холмат ҳуржунга ўхшатиб елкаси ва кўкрагига халта қилиб олиб олган парашютининг чайир тасмаларини тўғрилаб, ўзини бўшлиққа олди. Олам қоронғу. Ҳеч нимани кўриб бўлмайди. Олдин сакраганлар қўнадиган жойга яқинлашиб қолишган эди. Холмат эса парашютини ерга яқин қолганда очмоқчи бўлди. Чупки заминга яқин очилса, парашют аниқ мўлжалга бориб тушади. Ҳавода чархпалак бўлиб ерга тушиб бораётган Холмат дилида бир... икки... уч... тўрт... деб бир неча рақамни санагандан кейин халқани тортди. Парашют очилиб Холмат ўрмон чеккасидаги ўтлоққа бориб қўиди. Оёғи ерга тегиб, парашютни йиғиштирмасданок қаттиқ отишма бошланиб кетди. Душман парашютчилардан хабар топган эди.

Десантчиларга Днепрнинг ўнг қирғоғида турган душман қўшинларининг бир қисмини ўзлари билан жанг қилишга мажбур этиб, жангчиларимизга дарёни

кечиб ўтиш, плацдармни кенгайтириш учун қўлай шароит яратиш вазифаси топширилган эди. Душман соҳилдан улоқтириб ташланиб, Днепрнинг гарбий томонидаги бир неча ўн километрлаб жойлар босқинчилардан озод қилинган эди. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда Ражабов командпрлик қилган десантчилар взводининг жангчилари ҳам намуна кўрсатдилар.

Десантчиларимиз бир неча кунлик шиддатли жанглардан сўнг душмanning орқа томонида туриб, гитлерчи босқинчиларга қарши ҳаракат қилишни давом эттириш ҳақида буйруқ олдилар. Чунки ерга қўниш ва ундан кейинги шиддатли жанглар вақтида улар ўзларининг анча кучларини йўқотган эдилар. Шунинг учун десантчилар Киев областининг Канев районида ҳаракат қилаётган Кутузов номли партизанлар отрядига бориб қўшилдилар. Холмат Ражабов партизанлар взводига командир қилиб тайинланди. Энди у ўрмонларда яшаб, халқ қасоскорларини янги жангларга бошлаб борарди. Рельсларни портлатиб, душман эшелонларини жарга қулатарди.

Бир воқеа Ражабовнинг эсидан асло кўтарилмайди. У ўз взводи партизанлари билан навбатдаги топшириқни бажариб, базага қайтиб келаётган эди. Шу вақт бутазорлар орасидаги йўлдан шовқин-сурон, рус тилида айтилаётган қичқириқлар эшитилиб қолди. Партизанлар ўзларини панага олдилар. Холмат аҳволни аниқлаб келиш учун икки разведкачисини олдинга юборди. Разведкачилар йўлга яқинроқ келиб, одамлар фарёди эшитилаётган жойни кузата бошлади. Йўлда фашистлар юпун, оч-наҳор бемажол асирларни зўрлик билан ғарбга олиб кетишаётган эди. Гитлерчи жаллодлар очлик ва қийноқлар натижасида ҳолдан тойиб, йўлда юролмай тўхтаб қолган совет кишиларини автоматларидан ўқ узиб, отиб ташлаётган эди. Икки разведкачи орқага тез қайтиб, аҳволни Ражабовга айтди. Командир взвод жангчиларини ёнига олиб зуд-

лик билан йўлга яширин равишда яқинлашиб келиб, фашист соқчиларига қўққисдан ҳужум қилди. Ҳаял ўтмай гитлерчилар қириб ташланиб, қулликка ҳайдаб кетилаётган асирлар, аёллар ва ёшлар озод қилинди. Озод қилинган асирлар партизанларга қўшилдилар.

Фашист жазо отрядлари йўлдаги воқеадан хабар топиб, партизанлар яширинган ўрмонга ҳужум бошладилар. Афтидан улар ўрмонни ўраб олишга қарор қилган эдилар, орқа томондаги сўқмоқ йўлларда ҳам гитлерчилар пайдо бўлди. Аҳвол оғирлашди. Ражабов ўша ерлик партизан йигитлар орқали хилват сўқмоқ йўлни аниқлаб, у ердан ўз одамларини хавфсиз жойга олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Ўрмонга икки томондан ўраб келаётган босқинчиларни чалғитиш ва уларни бизникиларга етиб олиш учун йўл қўймаслик мақсадида Ражабов тўрт моҳир пулемётчи партизанни взвод тунаган жойда қолдирган эди. Ўрмонда қолган тўрт баҳодир партизанлар дам олган ертўлалардаги похолларни ташқарига олиб чиқиб, улар орқасига беркиниб ўзларини икки томондан ўраб келаётган душман кучларига қарши ўт очдилар. Ўрмон ичи кучли отишма жойига айланди. Пировардида йигитлар похолларига ўт қўйиб, душман тўдаси ичида ваҳима кўтардилар. Кучли аланга осмонга ўралади. Партизанлар қаерда-ю гитлерчилар қаердалигини билиб бўлмас эди. Тўрт баҳодир икки ёқдан ёпирилиб келаётган душман кучларини гулхан атрофида бир-бирларига тўқнаштириб, уларни ўзаро уруштириб, ғойиб бўлди. Олти соат давом этган бу жангда фашист газандалари ўзларининг кўп одамларидан ажралдилар. Тонг отгандан кейингина гитлерчилар ўзлари алданганликларини билдилар. Ражабов партизанлари эса гитлерчи босқинчилардан шу тариқа қасос олиб, янги топшириқни бажариш учун бошқа базага йўлга чиққан эдилар.

1944 йилнинг февраль ойида партизанлар отряди Совет Армияси қисмлари билан бирлашдилар. Холмат пар-

тпзан, энди яна ўз қадрдон қисмига қайтиб, урушнинг охиригача жанг майдонларида жавлон урди. Мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, уйига кўкси тўла орден ва медаллар билан қайтди.

Урушдан кейин Холмат Ражабов Тошкент олий партия мактабида ўқиди. Зомин МТСида директор бўлиб ишлади. Мирзачўлнинг тақир, қоқ ўртасида биринчи бор ташкил этилган «Пахтакор» совхозига директор ўринбосари бўлиб борди. Элимиз қадим замонлардан буён орзу қилиб келган Мирзачўл даштларида «оқ олтин» дурдоналарини етиштирди.

Холмат ака ҳозир пенсияга чиқиб, қарилик гаштини суриб юрибди. Лекин у уйда дам олиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Жиззахда уни ҳамма билади ва ҳурмат билан номини тилга олади. Холмат ака жамоат ишларида актив қатнашади, ветеранлар учрашувларига бориб туради.

Мана бугун у ўзбекистонлик Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан қардош Украинанинг гўзал пойтахти Киевда, зангори Днепр соҳилида турибди. Унга бу ерда партизанлик гувоҳномасини топширдилар. Атрофини ўраб олган фронтчи, жанговар дўстлари уни унутилмас шонли йиллар эсдалик қоғозини олганлиги билан самимий табрикладилар.

Эсдалик қоғозида Ўзбекистон ССРнинг Жиззах шаҳридан бўлган жангчи Холмат Ражабов 1943 йилнинг 15 декабридан 1944 йилнинг февраль ойигача бўлган муддат ичида Украина ССРнинг Киев областида тузилган Кутузов номи партизанлар отрядида взвод командири сифатида фашистларга қарши жанг қилганлиги кўрсатилган эди.

У соҳилда туриб, гувоҳномани ўқиб, ўша оғир, оташли дамларни эслади.

1977 й. Киев.

Ҳотам ака бизларни бир кўчатзордан иккинчи кўчатзорга олпб ўтарди. У ҳар бир ниҳол ёнига борганда, ёш кўчат билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгандай унга эгилиб, шохларини тараб, бўртиб турган куртакларига меҳр билан қарарди. Бир текис шакл берилган ниҳолларнинг турли навлари ва хиллари ҳақида яйраб сўзларди:

— Буларни қаранг, мана Ҳурмойи, мана Субҳони. Мана бунисини Шаллох дейдилар. Ўрикнинг энг йирик навидан, ранги оппоқ бўлади.

— Бу ерни Оқтош дейдилар,— Ҳотам ака энгашиб, коптокдек келадиған тошни қўлга олиб яна қайта уватга қўйди, қаёққа юрманг, оёғингиз остидан тош чиқади. Тошлоқда боғ яратиб юрибмиз...— уннинг сўзларида алланечук ғурур бор эди. Бундай ғурур ўз қудрати-кучига ишонган миришкор кишиларда бўлади.

Ҳотам ака уфққа бош кўтариб, баланд адрларга синчков назар ташлади. Ҳали қўл теккизилмаган яйдоқ, ҳарсангли тепаликлар унинг ҳаёлини ўзига тортган эди. Унинг ана шу хаёлчан ниғоқи менга унинг шу ҳолатда бошқа жойда Днепр соҳилида кўрганлигимни ёдимга солди. Республикамизнинг Улуғ Ватан уруши ветеранлари Қаҳрамон шаҳарларга саёҳатга боришган эди. Улар Одессадан Севастополга бораётиб, йўлда Херсон шаҳрига қўниб ўтдилар. Ветеранлар поезди Херсонга яқинлаша боргандаёқ Ҳотам ака ҳаяжонлана бошлаган эди. Бу ҳаяжон ҳамма ветеранларга таниш: бир вақтлар жанглар, портлашлар натижасида зириллаб, оёқни куйдириб турган жойлар бугун қандай экан?! Поезд вокзалга келиб тўхтаганда, кутганимиздек ҳаммадан олдин Ҳотам ака перронга қадам қўйди. У 1943 йил кузида жанговар дўстлари билан биргаликда Днепрни кечиб ўтиб, бу шаҳардан гитлерчи босқинчиларни қувиб чиқа-

ришда, шаҳар атрофидаги мевазор боғларни, бепоён экинзорларни душмандан тозалашда намуна кўрсатиб жанг қилган эди.

Қайиққа тушиб, Днепрни айландик. Тўлқинлар устида сузиб, шаҳар ташқарисига чиққанимизда мевазор боғлар кўринди. Хотам ака гуркираб, яшнаб турган меваларга мамнун тикилиб:

— Жанг йиллари бу жойларда бўлганимда пайҳон бўлган боғларни кўриб ачинган эдим. Эндиликда қандай антиқа боғлар пайдо бўлибди. Уша вақтда мен бу ерда бўлганимда «Урушни тамомлаб уйга эсон-омон қайтсам, боғбон бўламан» деб орзу қилган эдим. Бахтим бор эканки, орзуимга етдим. Бу ерда ҳам ажойиб боғларни кўриб, хурсанд бўлиб турибман,— деди.

Хотам ака боғлар ҳақидаги суҳбатини давом эттирар экан, меваларнинг ширали, серҳосил навлари ҳақида кўпроқ сўз юритарди. Биз ундан ўзи директор бўлган «Мўян» боғдорчилик совхозининг истиқболи ҳақида сўзлаб беришни сўрар эдик. У эса ийманиб «Ўзим ҳақимда нима ҳам дердим, эл қатори бир боғбонман-да» деб қўяқоларди ва суҳбатни яна боғлар истиқболига бурар эди.

Кокилон даштида юриб Хотам ака дилида уруш йилларида Днепр соҳилларида боғбон бўлиш нияти туғилганлигини эсладим. Бир куни жангдан кейин тунги осойишталик пайтида старшина жангчиларга овқат келтирди. Бир термосдан сатилчаларга компот қуйилди. Хотам ака оғир миномёти ёнида туриб, компотни симирганда сатилчадан шафтолиқоқи чиқиб қолди. У шафтоли қоқини шимиб ҳаёлга берилди. Шафтоли қоқини етиштирган ва юборганга дилидан раҳмат айтди, ўзини у худди гўзал Фарғона боғларида, туғилиб ўсган Полвон қишлоғида, ажойиб соҳибкорлар орасида юргандай ҳис этди.

Старшина Хотамга худди мана шу шафтоли қоқиларни унинг ойиси юборгандай, қолган компот шарбатини

унинг сатилчасига қуяр экан: «Бу шафтоли қоқи тошкентлик бир қария аёлдан совғага келган» деди. Ҳотам кекса онахон қиёфасини кўз олдига келтириб, унга дилдан раҳмат айтди. Ҳаёлга берилиб фронт орқасидаги ҳаётни ўйлай кетди. Онахоннинг балки бу шафтоли қоқидан бошқа меваси йўқдир. Лекин у ҳимматли онахон шу охирги эҳтиётли қуруқ мевасини ҳам бизга совға этиб юборибди. Раҳмат онажон, шу шафтоли қоқингизни полкимизнинг қарийб ҳамма одамлари — баҳодир миномётчилар шарбат қилиб ичдилар. Уларга дармон бўлди. Улар сизга раҳмат айтиб, жангга кирадилар. Полкимиз яна анча олдинга силжиди. Биз қанча жойларни ёвдан озод қилдик, қанчадан-қанча боғ-роғларни босқинчилардан тозаладик. У боғлар одам кўрса ачинадиган аҳволда. Ёвузлик кўнглида бор одам кўзига боғ кўринадими? Боғнинг қадрига ҳақиқий яратувчи инсонлар етади.

Уша оловли йилларда дилда туғилган муқаддас орзу мана бугун рўёбга чиқиб, кекса жангчи бир антиқа боғичра юрибди.

Ҳозир баҳор фасли. Мева дарахтларининг гуллари қуёш нурларида товланади. Янги кўчатзорлар барпо бўляпти. Кекса, тажрибали соҳибкорлар дарахтларнинг ортиқча шохларини кесиб, уларга оро бермоқдалар. Ана шу боғбонлар орасида юриб, Ҳотам ака урушдан кейинги йилларда Кокилон даштининг нақадар ўзгариб кетганлигини, бу ердаги бепоён боғларнинг яратилишида ўзининг камтарона ҳиссаси борлигини ўйлади шу топда. Гуллар водийсига хушнуд қараб, боғларда ишлаётган одамлар билан саломлашиб, Октябрь инқилобининг 60 йиллиги тантаналари нишонланадиган йилда совхозга қарашли мевазор боғлардан ҳар қачонгидан ҳам мўл мева етиштириб, байрамга улкан совғалар тайёрлашни сўзларди.

Ҳотам ака кекса боғбонлар орасида юрар экан, улар ўртасида ўз тажрибалари билан элга танилган, ҳозир

пенсиядаги моҳир соҳибкор Абдувоҳид ака Расулов, Уктам Дадабоев, Элқўнди Кийиковларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди. 1951 йилда Ҳотам совхозга оддий ишчи-боғбон бўлиб келган эди. Беш йил шу вази-фада тер тўкиб меҳнат қилди, ўша тажрибали боғбон-лар ёнида туриб, мева хилларини кўпайтириш ва улар-дан мўл ҳосил етиштириш сирларини ўрганди. Ҳотам ўқишга боришни, машҳур боғбонларнинг тажрибаларни, билимларини ўрганишни орзу қилар эди. Совхоз маъмурияти Ҳотамнинг ўқишга бўлган иштиёқини эъти-борга олиб, Тошкентдаги Р. Р. Шредер номли боғдорчи-лик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти қошидаги боғбонлар мактабига юборди.

Институтда олиб борилаётган илмий ишлар кўлами Ҳотамда ғоят катта таассурот қолдирди. Бу илмий дар-гоҳ боғларида соҳибкор олимлар олиб бораётган ил-мий ишларни қунт билан ўрганди. Ниҳоят, ўқишни та-момлаб, у яна совхозга қайтди, уни боғдорчилик бри-гадасига бошлиқ қилиб тайинладилар.

1954 йилнинг қиши қаттиқ келганлигини элимиз ях-ши билади. Қаттиқ совуқ мевазор дарахтларга ўз таъ-сирини кўрсатди. Кўп дарахтлар совуқ уриб, баҳорда кўкармай қуриб қолди. Ҳотам ака шу қуриб қолган мева дарахтлари ўрнига янги кўчатзорларни яратишга бел боғлади. У ўз бригадасига қарашли ишчилар билан фидокорона меҳнат қилиб боғларни парваришлаб, улар-ни ҳосилга киритди. Боғлар меваси олдинги йилларга қараганда тўрт баробар ошди. Бригада миришкорлари давлатга 50 тонна ўрнига 200 тонна ўрик топширдилар. Белгиланган 5 тонна ўрнига 18 тонна қулупнай етишти-рилди. Совхоздаги 3 бўлим, 12 бригада ичида Ҳотам ака бригадаси мева етиштириш бўйича биринчи ўринга чи-қиб олди.

Тажрибали боғбон коммунист Ҳотам Уктамов совхоз коллективи орасида катта ҳурмат қозонди. У 1961—1965-йилларда агроном-реализатор бўлиб ишлади. Совхоз

боғларида етиштирилган ҳўл ва қуруқ мевалардан жона-жон мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Красноярск, Новосибирск ва бошқа шаҳарлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлишига ҳаракат қилди.

1968 йилда Уктамов совхозга партия комитетининг секретари қилиб сайланди. Ҳотам ака совхоз коммунистларига раҳбар бўлиб тайинланганида ўзининг 1944 йил ёзида фронтда, Днестр дарёси бўйида партияга ўтганлигини хотирига келтирди. У хизмат этаётган миномёт полки дарёни кечиб ўтиб, унинг ғарбий қирғоғида душманга қарши қаттиқ жанглар олиб борар эди. Гвардиячи старший сержант Ҳотам Уктамов миномёт расчётининг командири эди. У ва унинг қўл остидагилар жангда катта маҳорат кўрсатишарди. Душманнинг ўндан ортиқ ўт очиш жойлари, пулемёт ва миномёт нуқталарини яқсон этишди. Жангда намуна кўрсатган Уктамов III даражали Шухрат ордени билан мукофотланди. У орден олиш вақтида бўлинма парторгига партия сафига қабул қилиш ҳақидаги аризасини топширди. Шунда аълочи жангчи Уктамов партия сафига қабул қилинди. Кейинги жангларда коммунист сифатида қатнашди. Яна талай орден ва медаллар билан мукофотланди. Фронтда партия билетини қўлига олар экан, ҳамма вақт намунали, бўлишга аҳд қилган эди.

Совхозга партия комитетининг секретари бўлиб сайланганида шу аҳдини ёдига келтирди. 1972 йилда уни совхозга директор қилиб тайинлашди. Ҳотам ака энди бу катта ҳўжаликнинг истиқболини ўйлаб, келажаги ҳақида бош қотириши керак. Совхозга қарашли бир қанча ерлар ўзлаштирилмай қолган эди. Тошлоқ бўлиб ётарди. Ана шу жойларни ҳам харсанглардан тозалаб, ўзлаштириб, у ерларда янги боғлар барпо этиш унинг эзгу нияти бўлиб қолди. Соҳибкор боғбонлар билан маслаҳатлашиб, Қокилон даштида 400 гектар янги кўчатзорлар барпо этишди. Бу ерларда нок, олма, шафтоли каби мева кўчатлари етиштирилаяпти.

Илгари мева кўчатлари бир-биридан анча олислаб экиларди. Ўктамов кўчатларнинг нави ва ҳосилига қараб уларни мевасини кўпайтириш учун янги тадбирлар белгилади. Паст бўйли мева дарахтларини ўтказиш тажрибаларини олиб борди. Бу усул яхши натижалар берди. Ниҳоят, ҳосилдорлик кўпайди. Совхоз шу вақтга қадар йилига 2100 тоннагача мева етиштириб келган. Айрим йилларда етиштирилган мева 3 минг тоннадан ҳам ошиб кетди.

Келажакда мевани янада кўп етиштириш учун совхоз бўлимларида ва бригадаларида қизғин иш олиб борилмоқда. Совхознинг Жафир Мамбетов, Юрсунжон Эшонжонов, Алихон Нурхонов каби бригадаларида ҳар йили планда мўлжалланганидан 1,5 — 2,5 баравар ортиқ мева етиштириб келинмоқда. Кекса боғбонлардан Котиб Алиев, Мақсуд Илёсов, механизаторлардан Нишонбой Ражабов, Худойдот Жўраев, Усмонали Тешабоевлар боғларни парвариш қилишда намунали ишлаб келмоқдалар. Меҳнат унуми самарали бўлганлиги натижасида етиштирилган меваларнинг таннарихи йилдан йилга арзонлашиб бормоқда. Бир центнер мева илгари 2 сўмдан ошиқроқ бўлса, кейинги йилларда 10 сўмга тўғри келди. Совхознинг 400 га яқин ишчиси бор. Улар хўжаликнинг турли тармоқларида фидокорона меҳнат қилиб, мева, сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришда намуна кўрсатиб ишлаб келмоқдалар.

Ҳозир «Мўян» боғлари баҳор либосида. Инсон меҳнати билан яратилган антиқа чаманзорлар адирлар ёнбағрида атласдай товланади. «Мўян» боғбони — кекса коммунист, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси Ҳотам ака Ўктамов боғ оралаб юрар экан, элимининг ризқу-рўзи бўлган ширин-шакар меваларни кўпайтириш ҳақидаги ўзининг режалари билан банд. Қаршисида эса худди уни табриклайтгандай шафтоли, ўрик кўчатзорлари гулга бурканиб, антиқа кўрк билан товланиб турибди.

Унинг уйи университет ўқув корпуси билан студентлар ётоқхонаси йўлкасида қад кўтарган. Бундан қирқ икки йил бурун бу йўлгага у биринчи бор қадам қўйган эди. Шундан буён бу табаррук гузар унинг ҳаёт йўли бўлиб қолган.

Йўл устидаги уйи билим ихлосмандларига рамзий қиёфада эзгу маърифат постини эслатиб туради. Студентлар бу уй ёнига яқинлашганларида «Ҳамдам домла хонадони!» деб, унга эҳтиром билан нигоҳ ташлаб ўтадилар.

Эшикда сочларига оқ оралаган, кўзойнакли, қотма, чехрасидан нур ёғилиб турган домла кўринади. Талабалар билан самимий кўришиб, ҳол-аҳвол сўраб, улар билан бирга ўқув даргоҳига йўл олади. Ҳамдам Бердиёров — тилшунос олим. Унинг дарсига махтал бўлиб ўтирган студентлар, аудиторияга кириб келишини хурсандчилик билан кутиб оладилар. Унинг биринчи бор ўқитган студентлари аллақачонлар билим чўққиларини эгаллаб, педагог, жамоат арбоби, юқори илмий даражага эга бўлган олим, устозлар бўлиб етишганлар. У эса ҳамон ёш мутахассисларни билим сарчашмаларидан баҳраманд этиб, уларни вояга етказиш хизматида.

Домла катта, аҳил зиёлилар оиласининг отахони. Турмуш ўртоғи Барчиной университетнинг фалсафа кафедрасида чорак асрдан буён илмий ходим. Катта ўғли Буюк — инженер, иккинчи ўғли Илҳом домла туғилиб ўсган Пахтачи районидаги мактабда илмий мудир. қизлари Зебинисо. — шифокор, Дилоро — меъмор, Шоира — тилчи, кенжатоғ қизи Моҳира эса филология факультетининг аълочи студенти.

Домланинг босиб ўтган қайноқ умр йўли, самарали иш фаолияти университет ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Олий таълимотни ҳам, юқори илмий даражаларни ҳам шу жонажон улкан билим даргоҳида олган. Бу

ерда машҳур тилшунос ва адабиётшунос олимлар билан биргаликда илмий-педагогик ишлар олиб борган ва улар раҳбарлигида тилшуносликка оид илмий асарлар ёзган.

Самарқанднинг Регистон майдонидаги устод Садриддин Айнийнинг уй-музейида домла Ҳамдам Бердиёровнинг портрети қўйилган. 1949 йил 15 майда Ҳамдам домла «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўнг кўмакчилар» тема-сида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Диссертацияга устод С. Айний биринчи оппонент эди. Буюк олим, аллома, қалам соҳиби, филология фанлари доктори, профессор С. Айний ёш олимнинг илмий ишини юқори баҳолади.

Ҳамдам Бердиёров аспирантурада ўқиб юрган вақтларида устод С. Айний уйига тез-тез бориб, ўзининг илмий ишларини унга кўрсатиб, қимматли маслаҳатлар олиб турган. Устоз бу ёш олимнинг фанга бўлган зўр иштиёқини, ғайратини ҳурматлаб, унга ўз ёрдамини аямасди ва уни ўзининг истеъдодли тилшунос шогирди деб биларди.

Ёш тилшунос олим диссертация ёқлагандан кейин университетда дарс бериш билан бирга, илмий-ижодий ишлар олиб боради. У 1946—1977- йиллар давомида 48 та илмий асарлар ва мақолалар ёзди. Шулардан икkitаси умумий тилшунослик ва ўзбек фразеологияси фанлари бўйича дарслик — қўлланмадир. Кейинги 25 йил давомида ўзбек тилининг дурдонаси ҳисобланган 10 мингдан ортиқ мақол, матал, афоризм, қочиреқ иборалар, турғун бирикмаларни — ўзбек фразеологизмларини тўплади ва уларнинг изоҳини беришга киришди. Ўзбек фразеологизмларини изоҳлаган икки китоби нашрдан чиқди.

Ҳамдам Бердиёров ёш олимлар Т. Ҳўжаев ва Б. Йўлдошевлар билан бирга ёзган «Умумий тилшунослик» қўлланмасида умумий тилшуносликнинг тил ва тафаккур, тил ва нутқ каби проблемалари, тилшунослик гариhi, ундаги айрим оқимлар ҳақида маълумот, берди, со-

вет тилшунослигининг ўзига хос хусусиятларини баён қилди. Шу билан бирга бу қўлланмада марксизм-ленинизм классикларининг тил ва тафаккур проблемаларига оид қарашларидан текстуал намуналар келтирди.

Тилшунос олим, илмий-педагоглик ишларини самарали давом эттириб келмоқда. У, олтмиш йиллик умрининг қирқ йилини ўзбек тилшунослик фанига бағишлади. Унинг катта ҳаёт йўлини ўйлар эканман, у билан университетда бир курсда беш йил бирга таҳсил кўрганлигимиз ва Улуғ Ватан уруши фронтларида бир-биримиздан хат олиб турганлигимиз ёдимга келади. Ўлуғ Ватан Уруши бошланганда бизнинг курсдош йигитлар ичидан у биринчи бўлиб, 1941 йилнинг июнь ойида армия сафига чақирилган эди.

1942 йил ёзида унинг Бокудан йўллаган хатини ва интендант лейтенант формасидаги кичкина фотосуратини олдим. Мактубда «Шонли Қуролли Кучларимизнинг жанговар техникаларини ёнилғи билан таъминлаш хизматини бажариб юрибман, гитлерчи босқинчилар Бокуга, унинг нефтига интиляпти. Лекин қора олтинимизнинг бир томчисини ҳам унга бермаймиз. Ёвуз очкўзларни Кавказ тоғларидан улоқтириб ташладик. Боку нефтлари фашист босқинчиларни батамом тор-мор келтириш учун шиддатли жанглار олиб бораётган моторлаштирилган қўшинларимизга етказиб берилмоқда», деб ёзган эди.

Бир куни ундан хат олдим. Мактубни Украина фронтдан йўллаган эди. 1943 йилнинг куз ойларида Днепрни кечиб ўтиш ва гитлерчиларни ўнг қирғоқда яксон этиш учун қаттиқ жанглар борарди. Шунда, фронтга ёнилғи олиб келган Бердиёров душмanning ҳаво ҳужумига дуч келиб қолди. Фашист қузғунлари техникамизни ёнилғисиз қолдириш учун темир йўл станцияларида кўринган ёнилғи цистерналарини ишдан чиқаришга ҳаракат қилар эди. Кичкина темирйўл бекатига энди келиб тўхтаган эшелонга фашист «Юнкерс» самолётлари шўн-

ғий бошлади. Бердиёров зенит тўпчилари ёнига югурди. Улар қаторида туриб пулемётдан ўт очди. Душман калхатларининг ҳамласи қайтарилди. Эшелон зарар кўрмади. Бердиёров зенитчи баҳодирларга раҳмат айтиб, эшелонни эгаларига безарар топшириб Москвага қайтди.

Гитлерчи босқинчилар батамом тор-мор этилиб, Рейхстаг устига Совет қўшинларининг ғалаба байроғи ўрнатилди. Шарқда эса, япон империалистларига қарши жанг давом этарди. Бердиёров учун ҳам ҳали уруш тугамаган эди. У энди Узоқ Шарқда Япон қўшинларига қарши жанг олиб бораётган жанговар техникаларимизга ёнилғи етказиб бериб турди. Олдинги марраларда бўлиб, қўмондонликнинг топшириқларини намунали бажарди. Бу хизматлари учун уни қўмондонлик Қизил Юлдуз Ордени билан мукофотлади. Урушдан ғалаба билан қайтган Ҳамдам ўқишини давом эттиришни, билимнинг юксак чўққиларига интилишни орзу қилди. 1946 йилнинг февраль ойида Самарқанд Давлат Университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси аспирантурасига ўқишга кирди. 1949 йилда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Шундан буён университетнинг филология факультетида узлуксиз ишлаб келмоқда. Доцент Ҳамдам Бердиёров кейинги ўн йилдан буён умумий тилшунослик кафедрасининг мудиридир. Педагогик илмий соҳадаги самарали ишлари учун бир неча бор Ўз.ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари, В. И. Лениннинг 100 йиллиги муносабати билан «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан мукофотланган. 1977 йил августида унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берилди.

Ҳамдам Бердиёровнинг бундан қирқ икки йил бурун қишлоқдан келиб, университет даргоҳига илк қадам қўйган вақтида, менга «Ота-онамдан жуда ёш етим қолганман. Болалар уйда тарбияланиб бу ерга ўқишга келдим. Катта билим йўли чорлаяпти мени. Ўқитувчи

бўламан!» деб айтган сўзлари ёдимга келиб, унинг табар-рук олтмиш ёшлигини қўтлаб, шу сўзларни қаламга олдим. У ўша студентлик йилларидаёқ ўзининг фанга, билимга тиришқоқлиги, ўткир зеҳни билан дўстларининг ҳурмат эътиборини қозонган эди. У аъло баҳолар билан ўқиб, қолоқ студентларга машғулотларни ўзлаштиришда кўмаклашарди. Доим қувноқ, зийрак кайфият билан дарс тайёрларди, ҳазил-мутоибани яхши кўрар ва халқ афоризмларига катта эътибор билан қараб, уларни алоҳида тутган дафтарчасига ёзиб борарди. Ёшликдаги қизиқиш, изланиш уни ўзи орзу қилган билим чўққиларига етаклади.

Яқинда яна унинг хонадонида бўлдим. У ерда домланинг ҳамқишлоғи, ўзи билан университетда бирга таҳсил кўрган, Улуғ Ватан урушининг актив қатнашчиси, кекса мураббий Улуғ Раҳимовни учратдим. Урушдан кейин неча ўн йиллар ўтиб, уни энди биринчи бор кўришим эди. Ҳамдам домланинг ҳам, Улуғ домланинг ҳам кўксиларида жанговар мукофотлар нишони колодкалари қаторлашиб, ранг-баранг нусхада товланиб турарди. Бу урушда берилган орденлар ва медаллар белгиларига қараб, 1941 йил июнь-июль ойларида университетни битирганликлари тўғрисидаги дипломларини уйда қолдириб, фронтга кетган курсдош дўстларимизни эслаб кетдик.

Биз билан беш йил бир курсда ўқиб, уруш бошланиши билан жанг майдонларига отланган дўстларимиздан Атомулло Тошматов, Абдусаттор Ҳамидов, Қашшоф Хабиев, Мухиддинов, Фатхуллинлар буюк ғалаба кунига етиб боролмадилар. Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Курсдошлар Улуғ Раҳимов ва қорақалпоқ шоири Обитой Турумбетов оғир ярадор бўлиб, уруш охирида уйга қайтдилар. Урушда олинган оғир жароҳат, оғир касаллик натижасида Обитой Турумбетов дўстлар даврасидан бевақт кетди. Улуғ Раҳимов эса урушдан ғалаба билан

қайтганидан буён ўзи туғилиб ўсган Зиёвуддин қишлоғидаги ўрта мактабда ўқитувчи ва директор ўринбосари бўлиб ишлаб келаяпти. У уруш инвалиди, оғир ишга ярамайди. Катта оиланинг отахони. Район мактабларидаги ва бошқа жойлардаги ветеранлар учрашувларига бориб туради. Учрашувларга борганида урушда берилган ўндан ортиқ орден ва медалларини тақиб боради. Уларни қачон ва қайси жанглар учун берилганлигини сўзлаб, она-Ватан ҳимояси инсон эътиқодининг чўққиси, уни жон фидо қилиб қўриқлаш муқаддас бурч, дейди.

Домла Ҳамдам Бердиёров университет уруш ветеранлари кенгашининг аъзоси. Университетда Улуғ Ватан урушида актив қатнашган мураббийлар ва студентларнинг портретлари стенди бор. Улар орасида офицер Ҳамдам Бердиёровнинг ҳам портрети бор. Университетда, мактабларда, маҳаллаларда уруш ветеранлари билан учрашувлар бўлиб туради. Бу давраларга Ҳ. Бердиёров ҳам тез-тез таклиф этилади. У ёшларга уруш ҳақида, Ватан мудофааси тўғрисида сўзлаб берар экан, совет кишиларининг хавфли душманга қарши мислсиз жасорат кўрсатиб жанг қилганликларини, 1945 йил 9 майда эришилган буюк ғалабамиз катта қурбонлар эвазига келганлигини, Қуrolли Кучларимиз жаҳонни фашизм асорати хавфидан асраб қолганлигини сўзлаб, Она-Ватан куч-қудратини ошириш, унинг мудофаасига доим тайёр туриш ҳар бир совет кишисининг муқаддас бурчи деб таъкидлаб ўтади. Урушда жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатган курсдош, ҳамқишлоқларининг жанговар ҳаётларидан мисоллар келтиради.

Яқинда Ҳамдам Бердиёровнинг уйига телефон қилиб, яна бир хуш хабарни билдим—ёшлар устозига профессор унвони берилибди. Собиқ фронтчи дўстим бугун диёримизнинг йирик тилшунос олими, профессор-мураббийси. Мен уни чин дилдан табриқладим.

1978—79 й.

— У ўша кечаси уйга бошқа қайтиб келмади. «Мен йигитларим билан бўламан. Хавотир олма. Болаларга эҳтиёт бўл» деган сўзи қулогим остида худди ҳозиргина айтилгандек ҳамон жаранглаб турибди, — деди ёшланган кўзларини артиб Саодат опа.

Хонага жимлик чўкди. Диванда ўйинчоқлар ўйнаб ўтирган қизалоқ невараси бувисига бош кўтариб қараб, ўйинини тўхтатди, полга тушди, кекса аёл ёнига келиб, унинг бағрига бош қўйди. Кекса аёлнинг қизи Роза опа эшикдан кириб келди. Она дардига шерик бўлиб, у ҳам азиз отасини фарзандга хос қўмсаш билан ўксиб-ўрта-ниб эслади:

— Ўша вақтда мен бир яшар эканман, отам мени қўлларига олиб, «сен кенжатойнмсан, момақаймоқ эркатойнмсан, сен бахтли, тинч замонда яшайсан» деб юзларимдан ўпиб, беланчакка ётқизиб, ойим билан хайрлашиб, уйдан чиқиб кетган эканлар,— дея ҳикоя қилди Роза опа.

Ойиси қизининг сўзини тасдиқлаб, оқ оралаган бошидаги рўмолининг учи билан намланган киприкларини артиб, оғир хотираларидан яна сўз очди.

— Ҳа, отаси ўша сўнгги марта уйда бўлганида, бу кенжатойим билан абадий хайрлашаётгандай қўлидан қўйиб юборгиси келмасди. Бу қизимнинг асл оти Зухра бўлиб, Фотима билан эгизак туғилган. Отаси гулни яхши кўрарди. Шунинг учун буни севиб, эркалаб Роза деб атаётган эди. Шу-шу Зухрамнинг оти Роза бўлиб қолди. Отаси ўшанда буни беланчакка ётқизиб, опаси Фотимани ҳам, беш яшар ўғлим Арслонимни ҳам қайта-қайта қучиб, ўпиб, «сизлар менинг келажагим, бахтимсизлар» дегани, буларни эҳтиёт қил дегандай меҳр тўла кўзларини менга бир лаҳза қаратгани ҳамон ёдимда.

Саодат опа ўша оловли тонгни, севган азиз ёри Турсунбой Отабоев билан ғарбий чегарада биргаликда кечирган сўнгги дамларини хотирга келтирди.

Турсунбойнинг ҳарбий унвои капитан бўлиб, 124-ўқчи дивизиянинг 781 полкида катта сиссий раҳбар, яъни комиссар эди. У хизмат этаётган полк Ғарбий Украинанинг Львов областига қарашли Соколовский районига яқин чегарада турарди. Полkning партия ташкилоти ҳужжатлари комиссар хонасида сақланарди.

Отабоев Тошкентдаги Ленин номи ҳарбий мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ва унинг биринчи қалдирғочларидан эди. У Самарқанддаги ҳарбий қисмда Собир Раҳимов билан бирга хизмат қилган ва республиканинг жанубий районларида ўша вақтларда пайдо бўлган босмачиларга қарши жангларда актив қатнашган тажрибали командирлардан эди.

Турсунбой оиласи турган уй чегарадан олис эмас эди. Ташқарига чиқиб, озгина юрилса, чегарага дуч келинарди. Саодат турмуш ўртоғи билан кўчини кўтариб қўл жойларда бўлди. Самарқандда, Ростов Дон, Житомир ва бошқа шаҳарларда ҳам истиқомат қилишга тўғри келди. Чегарага келганларида эса, аввал ертўлада яшадилар, кейин уй топиб, уч бола билан у ерга кўчиб ўтишди.

Чегарачилар комиссарининг рафиқаси Саодатни яхши танир эдилар. Саодат гоҳида турмуш ўртоғи Турсунбой билан чегарачилар даргоҳида меҳмон бўларди. Шундай вақтларда чегара чизигидан ғарбда — Польша тупроғида гитлерчи босқинчилар изгиб юришганини, ўша ёқдан ёвуз свастикали қора кўланкаларнинг хавфи борлигини пайқаб, кўнглига гулғула тушиб, ўзини беҳаловат сезарди.

Уруш бошланмасдан бир кун илгари Турсунбой уйига кеч қайтди, одатдагидек ўлтириб дам олмасди, талишнинг турган гўдакларини қўлига олиб, бир-бир кўтариб, юзларидан ўпиб, уларни ерга қўйиб:

— Болаларим, менинг ташқарида пшм бор, сизлар билан ўйнаб-яйраб ўлтиришга вақтим йўқ. Менга жавоб берасизлар, — деб ўрнидан қўзғалди ва эшик орқасида турган болани олиб, ташқарига чиқди. Ҳовли тўғрида

қалашиб ётган ўтишларининг биттасини ҳам қолдирмай ёриб, тараша-саржини қилиб уюб қўйди. Озиқ-овқат запасларини кўздан кечирди. Саодат турмуш ўртоғининг бу ҳаракатларини зимдан кузатиб, унинг юраги бир нимага сезаётганлигини, эл бошига хавф-хатар яқинлашиб қолганлигини пайқайди.

Ўтин ёриб чарчаган Турсунбой овқатланиб, болаларнинг каравотлари ёнида тўшалган атлас кўрпачага ёнбошлаб мудради. Саодат эрининг бошини кўтариб, боши остига ёстиқ қўйди. «Болаларини бугун эркалатолмагани учун улар ёнида дам олмоқчи шекилли» деб уйғотмади.

Саодат бир маҳал чўчиб уйғонди. Ойдин кеча. Осмон юлдузларга тўлган. Лекин юлдузлар йўлини аланга довуллари тўсиб борапти. Еру кўк ларзага келиб, деразалар дириллаб турибди. Турсунбой ўрнида йўқ. Болалар ҳам тўп-отишма овозларидан чўчиб уйғонишди. Қишлоқда қий-чув бошланди. Саодат хавф тортгани — эл бошига оғир фалокат келганлигини билиб, онласи — гўдакларни одамхўр босқинчилар қурбонни бўлмаслигини ўйлади.

Саодат мерган эди. У 1936 йилда турмушга чиқиб, Самарқандга келганида, ўзини жангчи аёли эканлигини, умри бундан буён эри қаерда бўлса, ўша ерда Ватан мудофааси қалъаларида кечинини ўйлаб, ҳарбий тайёргарлик машқларида қатнашган эди. Милтиқдан, тўпнонча ва пулемётдан моҳирона отадиган бўлиб қолган. 1941 йилининг 22 июнь тоғотарида Саодат аввал йиғлаб, чиқариб турган болаларини кийинтириб:

— Дадаиғ ҳозир келади, ҳозир жўнаймиз, — деб овутирди. Кейин эрининг ипстолетини ахтара бошлади. Бироқ тунда Турсунбой бир оз мизғиб олгач, рафиқасини уйғотишга кўзи қиймай, ипстолетини олиб, полк штабига йўл олган эди.

Саодат аҳволни билиш учун кўчага отилди. Солдатлар у ёқдап бу ёққа югуриншарди. Штабдагилар ҳам

машиналарга алланималарни ортиб, ёнаётган бино ичига ўзларини уриб у срдан бир нималарни олиб чиқардилар. Кўчада қишлоқнинг туб кишилари ҳам нима қилишларини билмай, ўзларини ҳар ёққа урмоқдалар, мол-қолларини асраш чорасини кўрмоқдалар.

Саодат эрини кутди. Бироқ ундан дарак йўқ. Яна уйига, болаларни ёнига югурди. Беш яшар ўғилчаси Арслон икки сингилчасининг қўлидан ушлаб, эшик олдида «дадамларин олиб келмадингизми?» деб жовдираб туришарди.

Тонг ёришай деди. Ёз тонги барвақт отади. Ҳаммаёқ чарақлаб кетган. Лекин чарақлаб турган қуёш юзини фашист газандаларининг замбарак ўтлари қоплаб олган эди.

Ниҳоят, Турсунбой кўринди у эшик олдида тик турганича, Саодатни, болаларини ўпиб, хайрлашди.

— Уруш! Гитлер уруш бошлади! — дея олди холос.

Саодат эрига ташланди. Турсунбой қўлида тутиб турган нистолетини эҳтиётлаб, хотинининг бошини кўтариб, унинг юзига тикилди:

— Сен командирнинг аёлисан. Ўзининг маҳкам тут. Ватан бошига қандай хавф келганини тушунасан. Машина келади, болаларни олиб мамлакат ичкарасига жўна. Командирларнинг оналари қасрда бўлса, сен ҳам ўшалар олдида бўл. Болаларни эҳтиёт қил! Кўришганича, хайр!— деди-ю чегара томонга югуриб кетаётган жангчилар қаторига шошилди.

Арслон дадасининг кетидан йиғлаб югурди:

— Бизни ташлаб қаёққа кетяпсиз, дадажон?

Саодат югуриб бориб, Арслоннинг қўлидан ушлаб, сингилчаларни ёнига олиб келди. Кўчада машина пойлади. Машинадан эса дарак йўқ. Кўчада, атроф-теваракда снарядлар портлайди. Улар турган уй ҳам ёниб кетди. Саодат болаларини етаклаб, қўшини поляк ертўласига олиб тушди. Шу вақт ташқаридан:

— Саодат она, қаердасиз!— деган ўзбекча сўз эшитилди.

Саодат болаларини етаклаб, ташқарига отилди. Ертўла эшиги олдида тошкентлик Абдусаттор деган жангчи шошиб турарди. Абдусаттор:

— Ёнаётган бино орқасида штаб машинаси турибди. Командирларнинг оилаларини олиб кетар экан. Турсунбой акам мени сизга юбордилар. Қани тез бўлинг, кетиб қолишмасин, — деди. Ўзи Фотимани кўтариб олди, Саодат эса Розани кўтариб, Арслонни етаклади. Улар йигирма қадамча юрмасдан, ертўладан турқи совуқ киши чиқиб уларга қараб:

— Қаёққа кетяпсиз? Фойдасиз! Қолинг, — деб бақирди. Саодат тўхтади. Бу ўша, тўпалон бошлангандан бери бир-икки унинг кўзига кўринган киши. Ҳаммани кетманглар деб ташвиқот қиляпти. Немислар меҳрибон, аёлларга, болаларга тегмайди, дейди. Бирдан Саодатнинг миёсида бир нарса ярқ этди. Айғоқчи! Душман айғоқчиси! У Розани ерга қўйди. Айғоқчи унинг тўхтаганини кўриб «гапимга кирди!» деб кўкрагини кўтариб, тиржайиб турарди.

Саодат Абдусаттор қўлидан милтиғини шартта олиб, бир лаҳзада душман айғоқчисини нишонга олди. Милтиқ варанглаб кетди. Айғоқчи кўкрагини ушлаб, ерга ағдарилди. Саодат милтиқни Абдусатторга бера туриб:

— Турсунбой акангизга «хотинингиз уйга бекор қайғмаяпти. Бир фашистни ўлдириб қайтаптилар» дени, — деб тушунтирди. — Агар ёш болаларим бўлмаганда меннинг ҳозир ўрним Турсунбой акангиз ёнида бўларди...

Улар машинага етиб олишди. Абдусаттор кўнгли хотиржам бўлиб изига қайтди.

Дивизия штаби 40 километр орқароқдаги Горох шаҳрида эди. Машина Горохга етиб келганда, бу шаҳар ҳам аланга ичнда эди. Душман самолётлари қайта-қайта бомба ёғдириб, иморатларни кул тепага айлантириб ташлаганди. Штаб жойлашган бино устида аланга ўрляпти. Саодат уч боласини етаклаб йўл чеккасидаги эман дарахти остида қаёққа боришини билмай йиғлаб ўлтирганида, бир туркман йигити келиб.

— Мен сизни танидим. Сиз комиссаримизнинг аёлисиз. Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Мен полкдан келдим. Алоқачиман. Ҳозир сизни эвакуация қилдираман,— деди.

Саодат туркман йигитидан эрининг тақдирини сўради. Жангчи бир пас жим қолди. Нафаси томоғига тикилгандай гапиролмади. Қўзлари йилтираб, бўлган воқеани айтиб берди.

— Турсунбой оға бизнинг батальонда эди. Уришиб-уришиб қирқ киши қолдик. Оға бизни ўрмон четига, йўл ёқасига олиб чиқди. Окоплар қазиб, немислар йўлини тўсишга чиқдик. Фашистлар танклар, бронемашиналар, мотоцикллар ва машиналарда ёпирилишиб келишарди. Мотоцикл ва машиналардаги гитлерчиларга ўқ узиб, уларни тўхтатдик. Комиссаримиз танкларнинг ичидан ташқарига қарайдиган тешикларини ўққа тутдилар. Танклар ҳам, бронемашиналар ҳам тўхтаб қолди. Роса қирғин жанг бўлди. Энг кам деганимизда, юзтача фашистни қулатдик. Керилиб келаётган фашистлар ерга ётишга мажбур бўлишди. Шу вақт олисдан ёвнинг янги танклари кўринди. Турсунбой оға мени ёнларига чақириб, «йигит, сен ортга қайтиб, дивизия штабига бор, капитан Отабоев қирқ жангчи билан душманнын юздан ортиқ солдатини қириб, танклар йўлини тўсиб, чорраҳадаги ўрмон четида ҳалок бўлди деб айтгин, бедарак кетди деб ўйламасинлар», дея мени штабга жўнатдилар..

Саодат болаларини бағрига босиб, ўкириб йиғлаб юборди.

Туркман йигити:

— Йиғламанг, опа, йиғлаш ўрнига элга қайтишни ўйланг.. — деди-ю ўзи от қўшилган арава топиб келди ва:

— Одамлар қаёққа кетаётган бўлсалар, сиз ҳам ўша ёққа йўл олаверинг. Сиз ахир командир аёлисиз-ку! Ўзимизникилар сизларни ҳўрлатиб қўймайдилар,— деди.

Саодат эвакуация қилинганлар орасига тушиб қолди. Йўлда яна фашист қўзғушлари ҳужум қилди. Саодат

икки қизалоғи билан аравада, ўғилчаси ярадор солдатлар билан иккинчи аравада эди. Фашист қузғунлари темирйўл ёқалаб дала йўлларида шарқ томонга паноҳ истаб бораётган қариялар, болали аёллар тушган от-араваларни, пиёда бораётганларни пулемётлардан шафқатсиз ўққа тутардилар. Бир солдат Розани, Саодат Фотимани олиб, буғдойзорлар ичига яширинишди. Душман бомба, ўқларипи ёғдириб орқасига қайтиб кетгач, Саодат икки боласини олиб, ярадор солдатлар тушган аравани ахтара бошлади. Йўлда қонли фожиага дуч келди. Ярадор солдатларнинг ҳаммаси ерда жонсиз ётарди. Арава бомба зарбидан парчалашиб, унинг бўлаклари ёнида қўшилган икки от ҳам ўлиб ётарди. Саодат фарёд чекиб, ўғлининг исмини айғиб, бақириб, ҳар ён югурди. Лекин ҳеч ердан Арслоннинг да-рағи чиқмади.

Жанг бораётган томондан бир қўли ва елкаси яра-ланган солдат йўлдан ўтиб кетаёлиб, икки ғўдакни кў-тариб, «Арслон!» деб бақириб-чақириб буғдойзорда тен-тираб юрган аёлга қараб югурди. Бориб аёлнинг бир боласини соғ қўли билан кўтариб:

— Тез юринг, лаънатилар босиб келишяпти, жанг овозини эшитмаяпсизми?— деб Розани кўтариб югурди. Унинг орқасидан йиғлаб, йўқолган ўғлига қалби ўртаниб, Саодат Фотимани кўтариб, буғдойзор ичидан чиқди.

Урушнинг еттинчи кун эди. Саодат Киев томонга қочиб бораётган ўша ерли кишилар орасига яна тушиб қолди. Йўлда икки боласини кўтариб оч-наҳор кети-шаётган аёл устида ёвуз свастикали калхатлар пайдо бўлди. Одамлар ҳар ёққа тирқираб қочдилар. Саодат икки боласини кўтариб ҳеч қаёққа қочолмас эди. Йўл четида икки боласини бағрига босиб, ерга ётиб олди. Анча нарида бомба портлади. Самолётдан отилган пу-лемёт овозлари тариллаб эшитилди. Ерда қий-чув бош-ланди. Саодат қалқиб кетди. Фотима чинқираб юборди. Саодат бошини кўтариб, Фотимани пайпаслаб, қўл оёқ-

ларини ушлади. Қўлига иссиқ қон илашди. Ўз тирсагидан ҳам қаттиқ оғриқ сездим. Тирсагини ушлаб, қўрқиб кетдим. Осколка тегибди..

Ҳамма ерда яхши одамлар бўлади. Нотаниш бир кекса киши билан болали жувон унинг ёнига келишиб, сумкаларидан дока ва пахта олишиб, Саодатга ва қизи Фотимага биринчи ёрдам кўрсатишди ва ўзлари билан бирга шарқ томонга олиб кетишди.

Саодат икки боласини қўлига олиб, поездма-поезд юриб, 14 кун деганда Пензага, 39 кун деганда Тошкентга етиб келди. Шифокорлар яхши қараб, ўзи ва қизининг яралари битиб кетди. Лекин кўнгил яраси ҳали ҳали битмайди. Йигирма беш ёшида сеvimли ёридан ва ягона ўғилчасидан ажралган аёл орадан шунча йиллар ўтганига қарамай, ҳамон йўл пойлайди. Ўғилчиси Арслон катта бўлиб, ойижон деб эшикдан талпиниб кириб келаётгандай.

Саодат элга қайтгандан кейин икки қизалоғини тарбиялаб, ўқитиб вояга етказди, уйлик-жойлик қилди. Кичик қизи деҳқон. У Янгийўл районидаги Калинин номи колхознинг раиси. Колхозининг 1177 гектар пахта майдони бўлиб, ҳар гектаридан ўтган йили 31,5 центнердан ҳосил кўтарди. Колхоз раиси Роза Отабоева урушининг биринчи кунда қурбон бўлган отасини эслаб:

— Улар бизнинг бахтимиз учун қурбон бўлганлар. Уларнинг хотирасини эъзозлаб, турмушимизни янада гўзал, она-Ватанимизни янада қудратлироқ бўлиши учун бор кучимизни аямасдан меҳнат қилишимиз керак, — дейди.

Саодат опа ҳар йили фарзандлари, невараларини олиб Львов областига боради, қаҳрамон умр йўлдошининг қабрига гулчамбарлар қўйиб, «болаларингизни эҳтиёт қилдим, тарбиялаб вояга етказдим. Неваралар билан сизни зиёрат қилгани келдик» деб у билан хаёлан сўзлашади.

Саодат опа урушда сеvimли ёридан, азиз ўғилчасидан

ажралди. Ўзи ва бир қизалоғи ярадор бўлди. У чегарадаги жудоликни эслар экан, асло уруш бўлмасин, урушни ният қилганларнинг ўзларига қирон келсин дейди.

1977 й.

ВОЛГАДАН КЕЛГАН ҚИССА

—Биз унинг хотирасини ёдга оламиз...

—Ҳа, ҳа... У шифокор деган улуғ номга муносиб моҳир қўлли, улкан қалбли инсон эди. У, жонкуяр, истеъдодли мураббий, қўрқмас ва баҳодир солдат эди...

Ҳозиргина студентлар танаффусга чиқиб, бўшаб қолган залда икки тенгқур, икки фронтчи шифокор суҳбатлашиб ўтиришибди. Сочларига оқ оралаган, тўладан келган, лекин ҳаракатлари чаққон киши папкасидан қалин дафтарни олди:

—Дўстим уйига Волга соҳилидан эсдаликка олиб келдим, — деди.

Бўлажак шифокорларга лекция ўқиб, бир оз дам олишга чиққан кекса мураббий дафтарни аста варақлаб, унинг биринчи саҳифасига ёзилган: «Ҳужжатли қисса. Икром Зиёев ва Азиз Валиев хотирасига бағишлайман» — деган сўзларга кўзи тушди.

Дафтарни варақлаётган киши, Улуғ Ватан урушининг ветерани, медицина хизматлари полковниги Мамадали Азизов. Унинг ҳолати бирдан ўзгарди. У ҳозир ўзини, ҳатто ёнида ундан сўз кутиб ўтирган, узоқдан келган азиз меҳмонини ҳам унутди. Чунки унинг қўлида фронтда ҳалок бўлган қадрдон дўсти, бирга ўқиб, бирга катта бўлган улуғ инсон ҳақида жангнома бор эди. У қиссадан бош кўтармай, унинг қаҳрамонини кўз олдига келтирди. Икром Зиёев-ўрта бўйли, қорачадан келган, қотма, ҳаракатлари чаққон, зийрак ва меҳрибон, кишини ҳайратда қолдирадиган даражада ғайрати танига сиғмайдиган доно шифокор йигитлардан эди. Курсдош ва аспирантурада бирга ўқиган дўстлари унинг билимга, тажрибага

ташналығы ва тинимсиз иш фаолиятига завқ билан қарашарди.

Қўнғироқ чалинди. Кекса мураббий меҳмонни ўқитувчилар хонасига олиб кириб, у ердаги устозлар даврасида қолдириб, ўзи дарсга кириб кетди ва танаффус бўлиши биланоқ, яна азиз меҳмони ёнига қайтиб, у билан бўлинган суҳбатини давом эттирди. Меҳмон ўз ҳасти ва ишидан сўз очиб, бундай деди:

— Мен Волга бўйидан, Сараговданман. Ўша ердаги медицина институтида ўқитувчиман. Бу ерга — Андижонга командировкага келдим. Мен 1941 йилда ТошМИни битирганман. Фронтга Фарғонадан кетганман.

— Ундай бўлса сиз Икром Зиёев билан бир медсанротата бирга хизмат қилган экансиз-да? — сўради кекса мураббий.

Худди шундай. У киши фронтда устозим бўлган. Хирургия соҳасида йирик мутахассис эди. Ҳа, уларнинг яхшиликларини ҳеч қачон унутмайман. Устознинг дилкаш, меҳрибон, ёрқин образи кўз олдимда доимо жонланиб, ҳаракатланиб туради. Мана шу қиссани ёзишга уларнинг сўнмас хотираси ундади. Бу ерга ҳам уларнинг бола-чақаларини, қавму-қариндошларини кўрай, фронтда бирга бўлганларимни ва қаерда абадий хайрлашганимни, оғир бўлсада, уларга айтиб, дардлашай деб келдим.

—Бу ерда кексайиб, кўзи ожизланиб қолган онаси ва пединститутда ўқитувчи бўлиб ишлаётган синглиси, филология фанлари кандидати Ибодат Зиёева бор. Турмуш ўртоғи ва қизи эса Самарқандда.

—Мен шундай табаррук, фидокор инсонни туғиб вояга етказган онани албатта кўришим керак, — деди меҳмон.

Улар Икром Зиёевнинг онасини бориб кўрдилар. Кўзи ожиз она узоқдан меҳмон бўлиб келган ўғлининг дўстини пешонасидан ўпиб:

— Уғлим қайтиб келгандек бўлди,— деди.

Сўнг ўгли доғида ожизлашган кўзларини енги билан

артиб, хўрсиниб-хўрсиниб қўйдн. Уйга меҳмон келгайлигини эшитиб, қариндошлар йиғилди. Институтдан Икром Зиёевнинг синглиси келди. Мединститут ва медтехникумдан мураббийлар келишди. Дўстлар йиғини тантанага айланди. Хотиралар эсга олинди. Медтехникум директори сўз олиб, уларнинг техникумига улкан шифокор ҳамшаҳарлари, медицина фанлари кандидати, Улуғ Ватан frontiда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Икром Зиёев номи берилганлигини айтганда ҳамма бу хушхабарни қарсақлар билан қарши олди.

— Мен устозим хотирасига ҳужжатли қисса ёзиб келдим, — деди саратовли меҳмон. — Менинг исмим Остер Виктор Романович, медицина хизмати полковниги. Икром Зиёев медицина-санитария взводи командири бўлган бўлинмага 1941 йил ноябрида кичик врач бўлиб хизматга келган эдим. Ўшандан буён ўзимни у кишининг шогирди деб биламан.

Суҳбат узоқ давом этди. Суҳбат охирида Виктор Романович Икром Зиёев хонадонига ҳужжатли қиссасини эсдалikka қолдирди.

Ҳужжатли қиссада Фарғонада тузилган 38-алоҳида ўқчи бригаданинг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги қаҳрамонона жанглари, унинг 3-ўқчи батальонининг рота политруги, ҳозирги вақтда улкан давлат арбоби ва йирик қалам соҳиби Шароф Рашидовнинг ўша вақтда шиддатли жанглarda кўрсатган жасорати, шунингдек, бригаданинг медицина-санитария ротаси шифокорларининг фидокорона хизматлари, шу ротанинг комиссари, Самарқанд Давлат университетининг собиқ ректори Азиз Валиевнинг бўлинма коллективи орасида олиб борган сиёсий-жанговар ишлари ва уни 1944 йилнинг кузида Молдавияда немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган оғир жангларнинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ёзилган.

Қиссада тасвирланган қаҳрамонларнинг ҳаёти менга таниш. Уруш бошланганда мен Самарқанд Давлат

университетини тугатиб, қўлимга «филолог» деб ёзилган дипломни олган эдим. Уруш ҳақидаги хабар радиодан эшитилиши биланоқ университетнинг мажлислар залида митинг бўлди. Эсимда, университет ректори Азиз Валиев мамлакатимиз чегараларига қўққисдан, хиёнаткорона бостириб кирган немис-фашист босқинчилари совет халқининг қаҳру-ғазабига дучор бўлиши, шавкатли Қуролли Кучларимизнинг қақшатғич зарбаларидан батамом тор-мор этилиши, она-Ватанимиз яна ўзининг осойишта, бахтли ҳаётига қайтиши ҳақида оташин нутқ сўзлади. Митингдан кейин ўқитувчи-профессорлар, ўқувчи-студентлар ҳарбий хизматга чақиришларини сўраб, шаҳар ҳарбий комиссариатига мурожаат этдилар. У ерга келганлар орасида ҳурматли домламыз Азиз Валиев ва моҳир шифокор Икром Зиёев ҳам бор эди.

Икром Зиёев бизни ўқитмаган бўлса-да, биз уни яхши билардик. Унинг синглиси Ибодат Зиёева биз билан бир курсда ўқир эди. Икром синглисининг ўқишларида хабар олиш учун факультетимизга келиб турарди. Бундан ташқари мединститут аудиторияларида лекция ўқиётган вақтларида ва шаҳар касалхоналарида оқ халат кийиб, беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаётган пайтларда учратардик.

Урушнинг биринчи куниди фронтга отланган, бахтли ҳаётимиз учун жонларини фидо этган Азиз Валиев ва Икром Зиёевнинг жанг майдонларидаги жасоратлари элимыз хотирасидан асло ўчмайди. Чунки, бу ватанпарвар эл фарзандларининг босиб ўтган жанговар ҳаёт йўллари авлодлар учун намуна бўладиган қаҳрамонлик қиссасидан иборатдир.

Уруш бошлангандан бир неча ой ўтгач Фарғонада тузилган алоҳида ўқчи бригаданинг шахсий состави асосан Ўзбекистонликлардан иборат эди. Қисм ва бўлинмаларнинг командирлари, оддий солдатлари уруш кўрмаган, қўлларига биринчи марта қурол тутган кишилардан иборат эди.

Санрота кишилари ҳам худди шундай эдилар. Унинг составида медицина фанлари кандидати деган юқори илмий даражага эга бўлган ягона киши Икром Зиёев бўлган. Тажрибада бўлинма шифокорларига устоз эди. Буни яхши тушунарди у. Ҳамма унга дала хирургиясини беморларни дала-жанг шароитида даволашда қўлланиш усуллари бўйича мурожаат қилар эдилар. Шунинг учун Икром Зиёев тунларни бедор ўтказиб, машҳур ҳарбий шифокорнинг китобларини кўздан кечириб, янги жанг шароитида ярадорларни даволаш ишларини қандай олиб бориш ҳақида ўз билим-тажрибаларини ходимларга ўргатарди ва улар билан амалий тажрибалар олиб борарди. Бу амалий иш усуллари ҳаммага маъқул келарди ва улар ўз ишларини устозлари айтганича бажаришга интилардилар.

Ниҳоят фронтга жўнаш ҳақида буйруқ келди. 38-алоҳида ўқчи бригада 1941 йилнинг сўнгги ойларида Москва яқинига етиб келди. Фронтнинг бу участкасида оғир жанглар борарди. Бригада Москва остоналарида шон-шухрат қозонган 8-гвардиячи панфиловчи ўқчи дивизия билан биргаликда 3-зарбдор Армиянинг 2-ўқчи корпуси ихтиёрига берилди. Бу Армия Старая Русса районида қуршаб олинган 16-немис армиясини яксон этиш учун шиддатли жанглар бошлаб юборди. Жангларда намуна кўрсатган баҳодир жангчилардан разведка группалари, кичик зарбдор кучлар ажратилиб, уларга душманнынг жуда мустаҳкамланган истеҳкомларини аниқлаш ва қуршовни кенгайтириш учун халақит бераётган объектларини аниқлаб уларни портлатиш, олдинга силжиш учун йўл очиш вазифаси топширилди. Шундай зарбдор разведка группаларидан бирини рота политруги Шароф Рашидов бошқарди.

Бригаданинг 3-батальони Парусъи дарёсидан кечиб ўтди, лекин Марфино қишлоғи яқинида олдинга силжий олмай қолди. Чунки қишлоқ ўртасидаги черковнинг қўнғироқ ўрнатилган минорасидан душман тўхтовсиз ўқ

ёғдириб турарди. Уни олисдан милтиқ ва пулемёт ўқлари билан олиб бўлмас эди. Артиллерия эса бу майдонга ҳали етиб келмаган эди. Душманнинг черков тепасидаги ўтли нуқталарини яксон этиш вазифаси Ш.Рашидов бошлиқ етти кишидан иборат бўлган разведкачилар группасига топширилди.

Ярим кеча. Осмонни қора булут қоплаб олган. Февраль ойининг аччиқ изғирини бадан-баданан ўтиб кетади. Парусъи дарёси музлаб ётибди. Лекин жуда катта эҳтиёткорлик билан ўтиш керак. Музнинг юпқа жойлари синиб, ёки қарсиллаб душманга ўзини сездириб қўйиши мумкин. Разведкачилар ихчам пахталик, унинг устидан маска-халат кийиб олганлар. Душман қишлоқнинг ҳар томонидан гоҳ-гоҳида ракета отиб, олдинни ёритиб, сергак турарди. Лекин уни чалғитиб, доғда қолдириш мумкин. Ҳамма гап разведкачиларнинг чаққон ва эҳтиётли ҳаракатларига боғлиқ. Рашидов группани дарё қирғоғига сездирмай олиб бориб, уларга шу эҳтиёткорликни янада кучайтириш ва жуда тез ҳаракат қилиш зарурлигини уқтирди. Душман зада бўлиб қолган. У салгина шамол туриб, дарахт шохлари шивирласа ҳам шарпа гумон қилиб, ўша ёққа бир талай ўқ ёғди-рарди.

Автомат, пистолет ва гранаталар билан қурулланган етти разведкачи музлаган дарё устидан билдирмай ўтиб, қоронғу тун пардасига ўралган қишлоқнинг чекка уйларига етиб бордилар. Улар гоҳи ётиб, гоҳи туриб, гоҳи югуриб бир уйдан иккинчи уйга жуда эҳтиёткорлик билан ўтиб, ўзларини сездирмай тез ва дадил ҳаракат қилдилар. Рашидов черковга яқинлашиб, унинг ҳаво кириб турадиган туйнук-токчасига портлатгич ўрнатиб, унга шнурни боғлаб тушди ва пастда чеккадаги уй муюлишида кутиб турган шериклари ёнига тез қайтиб келди. Сўнг шнурнинг бир учи ўриятилган аппаратнинг кнопокасини босди. Душманнинг черков тепасидаги кузатиш жойи ва ўқ нуқтаси яксон этилди. Бригада

эрталаб Марфино қишлоғини ва бошқа аҳоли пунктларини гитлерчилардан озод қилди. Қўмондонлик жанговар топшириқни намунали бажарганлиги учун 3-батальоннинг сиёсий раҳбари Шароф Рашидовни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлади. Бошқа разведкачилар ҳам орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Медицина хизматлари полковниги Виктор Романович 1942 йилнинг нотинч, қиш-қировли ўтли давлари тўғрисида сўз юритар экан, оғир жаиғлар бораётган пайтларда рота сиёсий раҳбари Ш. Рашидовни олдинги маррадаги ўқчи взводларда, жангнинг энг хавфли жойларида бўлганлигини, шунингдек, жангдан бўш вақтларида санротага келиб, комиссар А. Валиев ва хирург И. Зиёев ва бошқа жангчи ҳамда командирлар аҳволидан хабар олиб турганини, ҳамма ерда жангчиларга меҳрибонлик кўрсатиб, ўзининг ташаббус ва ғайрати билан уларни янги зафарларга илҳомлантириб келганлигини катта муҳаббат билан тасвирлайди.

1942 йилнинг аёзли февраль ойини Виктор Романович оғир дард билан эслайди. Киёво, Холм аҳоли пунктлари томонларда оғир жанглар кеча-кундузи бир минут ҳам тинмайди. Муҳим мудофаа аҳамиятига эга бўлган бир қанча қишлоқлардан гитлерчиларни қувиб чиқариш керак эди. Шунинг учун 38-алохида ўқчи бригада жангчилари дам олмас эдилар. Йўлларда, ўрмонларда, қишлоқларда, дарё ва кўлларда шиддатли жанглар борарди.

Санротага олдинги марралардан ярадорлар келиб турарди. Бундай пайтда ҳамма иш билан банд бўларди. Душман эса бомбардимончи ва қирувчи самолётларини учириб, олдинги маррага ва у ерга яқин бўлган жойларга тез-тез ҳужум қилиб турарди. Бир кун санротага бир оғир ярадор келтирилди. Унга тез ёрдам кўрсатилиши керак эди. Икром Зиёев операцияни бошлаб юборди. Ичак-чавоғи зарарланган солдатни тез операция қилиб, ўнинг осколка зарар етказган ичак бўлагини кесиш,

қолган соғ қисмини тикиб, жангчи ҳаётини сақлаб қолини учун кураш борди.

Оғир аҳволда ётган беморга аввал қон қуйилди. Жангчи ўзини сал яхши ҳис этганида операция бошланди. Шу вақтда санрота турган қишлоққа душман самолётлари ҳужум бошлади. Душман палаткаларнинг устида қизил крест белгиларини кўрса-да, бу жойларда ярадорлар, беморлар ётганлигига қарамай, ваҳшиёна ҳужум қилди. Операция биноси ёнида бомбалар портлади. Дераза ойналари синиб, том тахтаси қулаб тушди. Операция столи ёнидаги ҳамшира ва врачлар ўзларини ташқарига олдилар. Шу вақт операция олиб бораётган Зиёевнинг «Қаёққа! Ҳеч ким жойидан жилмасин, операция давом эттирилади!» деган хитоби эшитилди. Ҳамма ортига қайтди. Операция муваффақиятли тугади.

Зиёевнинг билими, тажрибаси, аҳволи оғир бўлган дамлардаги дадил ҳаракатлари санрота шифокорларининг ғайратига-ғайрат қўшади ундан ўрганиб, ўз тажрибаларини ошириб борадилар. Виктор Романович ҳам санротага келгунча бирор беморни операция қилмаган ва бу ишда ўзини уқувсиз деб биларди. Уни операцияга ўргатган Икром Зиёев бўлган. Шогирд устозидан кўп нарсаларни ўрганиб, уруш охирида медицина-санитария батальонининг бош хирург ва младший лейтенантликдан медицина хизматлари полковниги даражасига кўтарилди.

Икром Зиёев бошқа шифокорларга ҳам ўз тажрибасини ўргатиб келган. Уни жанг майдонига яқин турган санротада дам олиб ўтирган вақтини ҳеч ким кўрмас эди. У гоҳи жанг бўлиб турган жойлардан келган ярадорларни қабул қилувчи сортировка-ярани боғлаш бўлимида, гоҳи хирургия взводида, гоҳи эвакуация пунктида пайдо бўлиб қоларди. Ҳамма ишда унинг ёрдами ва ташаббуси сезилиб турарди.

Қиёводан 25-30 километр жанубдаги Михалкино қишлоғига кўчиш ҳақида санротага буйруқ келди. Шифокорлар бу қишлоққа етиб келиб, ўз хўжаликларини

йўлга қўйиб, ярадорларни қабул қила бошладилар. Бирдан ҳаво ҳужуми бошланди. Икром Зиёев ярадорлар аҳволидан хабар олиш учун йўлнинг нариги томонидаги уйларга бораётган эди. У йўлга етмасданоқ атрофида бомбалар портлади. Осколка уни оғир жароҳатлантirdи. Ҳаво ҳужуми тугаб, дўстлари у борган жойга етиб келганларида у ҳалок бўлган эди. Унинг ўлими санрота учун оғир жудалик эди. Медицина хизматлари майори Икром Зиёевни Новгород областининг Старая Русса районида қарашли Михалкино — у ҳалок бўлган жойга дафн этадилар. Шифокорлар, жанговар дўстлари унинг ишини давом эттиришга, унингдек ишлашга қасамёд этдилар. Шифокорлар, жанговар дўстлари ўз қасамёдларига содиқ қолдилар. Улар хизмат этган 38-алоҳида бригада жангларда шуҳрат қозонди. 1942 йилнинг 17 мартда у 4-гвардиячи алоҳида ўқчи бригадага, кейин гвардиячи дивизияга айланди. Шимолий Кавказ, Украина, Молдавия ва қардош социалистик мамлакатларни гитлерчилардан озод этиш жангларида актив қатнашди. Улуғ ғалабага муносиб ҳисса қўшиб, ўзини шон-шуҳратга буркади.

Андижон медицина институти аудиториясида Икром Зиёев тўғрисида суҳбатлашиб ўтирган икки фронтчи шифокор мураббий, урушда ҳалок бўлган дўстларини ёдга келтириб, бир дам хомуш қолдилар. Улар бахтимиз учун курашганлар ва бу йўлда ҳалок бўлганлар, биз билан абадий бирга, дегандек, дераза ташқарисидан эшитилаётган студентларнинг қувноқ гурунгларида, уларнинг жўшқин, дилрабо қўшиқларига қулоқ солиб, босиб ўтган жанговар ҳаёт йўлларини эслаб ўлтирар эдилар.

ҚАҲРАМОНЛИК ҚИССАСИ

Эрталаб Брянск вокзалида карнай-сурнайларнинг тантанавор садолари янграганда Саидусмон вагон зинасида туриб, йўл чеккасидаги иморатларга бир

дақиқа тикилиб қолди. Унинг юзу кўзида алланарсаларни хотирлаб, ҳаяжонланаётганлиги сезилиб турарди.

—Юринг вокзалга борамиз, у ерда митинг бўлади, — дедим.

— Биламан, ҳозир... — деди у яна хаёлпаршон ҳолда.

Биз вокзалда ўзбекистонлик Улуғ Ватан уруши ветеранлари шарафига уюштирилган митингдан кейин шаҳарни томоша қилиш вақтида Коммунистик райондаги Янгибозор қишлоқ совети оқсоқоли Саидусмон аканинг чехраси ярақлаб, жилмайди:

—Менга табаррук бу жойлар...

Сиз уруш вақтида бу ерда бўлганмисиз?

Бўлганман, биродар, кейин мана буни ҳам шу ерда олганман.

Унинг кўкрагида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи ярақлаб турарди.

—Мен яраланиб, шу ерда, госпиталда даволанганман. Госпиталь шу яқин ўртада эди. Уша бинони изладим-у, лекин тополмадим. Бино бир қаватлик эди. Ўрнида кўл қаватли кўркам турар-жойлар қад кўтарибди.

Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини айланганимиздан кейин маданият ва истироҳат боғида митинг бўлди. Брянск области партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Ўзбекистондан келган меҳмонларни Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги билан қизғин табриклаб, урушдан кейинги йилларда ўз областларида олиб борилган улкан қурилиш ишлари ҳақида гапирдилар. Митингда республикамиз вакиллари ҳам сўзга чиқиб, қардошларимизга ўзбек элининг оташин саломларини топширдилар.

Мен атрофга қарадим. Дарахтлар ям-яшил, баҳаво боғнинг ўртасидаги ёзлик театр одам билан лик тўлган. Ўртадаги курсиларнинг бирида Саидусмон ака Қосимхўжаев ўтирибди. Унинг атрофида брянслик қариялар, гўдакларини кўтариб олган ёш жувонлар галстук таққан,

гуллар кўтарган мактаб ўқувчилари ўтирибдилар. Ҳамманинг чеҳрасида шоду ҳуррамлик.

Митинг тамом бўлди. Бир тўп ўқувчилар Саидусмон акани ўраб олиб, унга митти дафтарчаларини тутдилар, эсдалик дастхатларини ёзиб қолдиришни илтимос қилдилар. Бир вақт болалардан каттароғи:

—Амаки, сиз қаерда қаҳрамонлик юлдузини олган-сиз? — деб сўраб қолди.

—Шу ерда, сизнинг шахрингизда олганман, — деди у.

—Ия, сиз бизнинг қаҳрамонимиз экансиз-ку, билмай юрибмиз.

Дастхат олувчилар кўпайиб кетди.

—Қаранг, сизлар келишларингиз билан ҳаво ҳам пилиб кетди. Хоҳласангиз кўлга олиб борамиз, чўмили-сиз, — деди бир бола.

—Майли, — деди Саидусмон болалар таклифидан мамнун бўлиб. Сўнг ёнидаги ҳамсафар дўстларига қаради. Улар ҳам сайр этиб, чўмилишга хоҳиш билдирдилар.

Ун минут пиёда юрилгандан кейин мусаффо кўл сатҳи қуёш нурларидан ярқираб кўринди. Ҳаво дим ва иссиқ бўлганлиги учун кўлда одам кўп эди. Лекин болалар мажнунтол шоҳларини кўл сувига эгиб турган холи жойни танлаб, Саидусмон ака ва унинг шерикларини таклиф этдилар.

Сувнинг салқини, тиниқлиги кишининг баҳри-дилини очиб юборарди. Каттаю кичик бир пасда ўзларини сувга отишди. Болалар сувга бир-икки бор калла ташлагандан кейин пляжга, қумга ўлтириб, Саидусмон аканинг қандай қилиб қаҳрамон бўлганлигини сўзлаб беришни илтимос қилдилар. Саидусмон ака ўз атрофини ўраб, унинг ҳикоясига маҳтал бўлган ёшларнинг илтимосини қайтаролмаслигини яхши биларди.

—Мана кўл бўйида ўтирибмиз, — деб суҳбатини давом эттирди собиқ жангчи, — бу обу ҳаёт ҳавзаси Десна дарёсидан бошланади. Бу дарё соҳиллари эса

бир вақтлар шиддатли жанг майдонларига айланган эди. Уша вақтлардаги қадрдон дўстларимни, жонажон 13-армиянинг баҳодир жангчиларини кўз олдимга келтирсам...

Сиз генерал Пухов қўмондон бўлган 13-армияда хизмат қилганмисиз? Бу армия бизнинг Брянск области-мизни фашистлардан озод қилишда қатнашган. Мактабимиз музейида бу армия ҳақида ёзилган китоблар, фотосуратлар ва ҳужжатлар бор, — деди, Саидусмон рўпарасида суҳбатчи жон-дили билан тинглаб ўтирган йигитча. У саволини тугатмасданоқ, нлтимосга ўтди: — Амаки сизни мактабимизга таклиф этамиз. Учрашув ўтказамиз. Шунга ҳўп дея қолинг. Мактабимиз яқин.

— Раҳмат, ўғлим, — деди Қосимхўжаев, сўнг бола бошини силаб, унга оталарча меҳрибонлик билан сўзлади, — Болаларим, таклиф учун раҳмат. Биз бир оздан кейин Минскга жўнаб кетамиз. Омон бўлинглар, бахтли ҳаёт кечиринглар. Урушни ҳеч кўрманглар. Она Ватанимизга муносиб баҳодир фарзанд бўлинглар. Оталар жасорати фарзандлар мероси эканлигини унутманглар. Бизларнинг жанг майдонларида қўлга киритган ғалабаларимизни муқаддас сақлаб, ўқишда, меҳнатда, Ватан посбонлигида намуна бўлишларингизни истайман.

Болалар эсдалик учун суҳбат аҳлини суратга олишди.

— Мактабимиз музейида сақлаймиз, — дейишди улар.

Болалар билан хайрлашиб, саёҳатчи дўстларимиз ёнига қайтдик. Поездимиз кечга яқин қардош Белоруссия ССРнинг пойтахти Минскга йўл олди. Юмшоқ вагонларнинг бир меёрда тебраниб бориши Саидусмон аканинг ўтмишини, жангу жадал йўлларини эсига солди.

Шавкатли Қуролли Кучларимиз немис-фашист қўшинларини Курск остоналарида тор-мор этгандан кейин ҳужум жангларини давом этдириб, Днепр соҳилларига етиб келди. Душманин мовий Днепр соҳилларидан улоқтириб, унинг ўнг қирғоғида плацдарм эгаллаш учун шиддатли жанглар бошланиб кетди. Фронт қўмон-

дони 13-армияга ҳужумни тўхтатмасдан Десна дарёсини кечиб ўтиб, тезлик билан Днепр соҳилларига етиб боришни ва душман бу ерга етиб келмасданоқ унга қақшатғич зарбалар бериш вазифасини топширди. Армия қўмондони Десна дарёсини учта ўқчи корпус кучи билан 150 километр кенгликда кечиб ўтишга ҳозирлик кўрди.

Саидусмон хизмат этиб келаётган 15-ўқчи корпус дарёга биринчи бўлиб етиб келди. Сентябрьнинг илк кунлари эди. Ҳамма ерда сўлим ёз нсъматлари етилиб, куз саҳийлигини кўз-кўз этадиган палла. Соҳил яқинидаги олмазор, нокзорлар бўм-бўш. Мева дарахтлари ўқ-снарядлар бўронидан синиб, ерга ағанаб ётибди. Ҳалп етилиб пишмаган мевалари хас-хазонлар ичида ер билан битта бўлган. Дарахтлар ҳам унсиз йиғлаётгандай кўринди ўшанда Саидусмоннинг кўзига. Синган шохлари, снаряд тегиб кўчган пўстлоқлари фарёд чекаётганга ўхшайди. Автомат тутиб, фашистлар хароб этган боғлардан ўтиб бораётган Саидусмон бир лаҳза ўзи туғилиб ўсган Тошкент хиёбонларини, Паркент боғларини кўз олдида келтирди.

Дунёнинг энг ширин мевалари Чотқол тоғи этакларида етилади. Чирчиқ сувидай ширин сув дунёда йўқ. Бу оби ҳаёт чашмасидан баҳра олган ҳар бир дарахт мевалари асалдай ширин, минг дардга даво бўлади дейишади, қариялар. Саидусмон Десна соҳилида туриб уни Чирчиқ билан таққослади. Опа-сингилга ўхшаш бу дарёлар. Бу ерда, қардош Украина ерларида, Черниговнинг табаррук заминида ҳам унинг юртидаги каби ширин-шакар мевалар ўсарди. Фашист босқинчилари наки инсон, табиат мўжизаси меваларни ҳам қўймай қириб ташлаган. Шулар ҳақида ўйларкан, яксон бўлган боғлар фарёдига қулоқ тутаркан Саидусмоннинг ғазабига ғазаб қўшилиб борарди.

1943 йилнинг 11 сентябрь тонготари Саидусмон хотирасидан асло кўтарилмайди. Ғира-шира тонг палласида 8-ўқчи дивизия жангчилари жангга тайёр турибди.

Дивизия командири полковник Порфирий Мартинович Гудзь полк командирларини ва бошқа ҳужумкор бўлинмаларни йиғиб, Десна дарёсидан тўрт жойдан кечиб ўтишга буйруқ берди. Ҳар бир полкка ва бошқа бўлинмаларга дарёнинг қайси жойидан кечиб ўтиш зарурлиги аниқ кўрсатиб берилди. Дивизия Қорон шаҳарининг ғарбий-шимоли томонида ҳаракат қилиб, дарёни кечиб ўтиши керак эди. Дивизия дарёни қўққисдан кечиб ўтиш ниятида эди. Шу мақсадда қисмнинг олдинги соқчилар группаси ёв кучини аниқлаш учун дарёга яқинлашди. Душман кучли ўт очиб, ўзининг кечув жойларини кузатиб турганини, қаршилиқ кўрсатишга тайёрлигини англатди. Бизнинг артиллериямиз ишга тушди, душманнинг ўт очиш нуқталари яксон этилди. Шундан кейингина кечув бошланди.

Дивизия катта қийинчиликлар билан дарёнинг ғарбий қирғоғида жойлашиб олди. Бироқ душман ҳам анойи-эмас, у эртаси кунёқ плацдарм яқинига катта куч тўплади. Артиллерия ва авиациясини жангга ташлаб, плацдарм илма тешиқ қилиб ташланди кейин пиёда ва танк қисмларини атакага кўтарди. Ватаннинг шу бир қарич ери учун яна шиддатли олишув бошланиб кетди. Дивизия жангчилари орасида қурбонлар кўпайди. Аҳвол анча оғирлашди. Шунда дивизия командири полковник П. М. Гудзь катта хавф туғилган жойга 229-полкни ташлади. Полк командири полковник Данил Кузьмич Шишков ўз жангчиларини атакага кўтарилган гитлерчиларга қарши ҳужумга бошлаб борди.

Дарёни кечиб, ўнг қирғоқда плацдарм эгаллашда ва душманнинг плацдармдаги қарши атакаларини қайтаришда сержант Саидусмон Қосимхўжаев командир бўлган бўлинма алоҳида намуна кўрсатиб жанг қилди. Жанг олдидан полк командири подполковник Шишков ўзига қарашли бўлинмаларни айланиб чиқди. Саидусмон ёнига келганда, бир оз дам олиб, жангчилар даврасида улар билан суҳбатлашди.

— Бизнинг полк Брянск, Курск ерларида фашистларни тор-мор келтириб, шон-шухрат қозонди. Энди Десна-Днепр соҳилларида турибмиз. Душман бу сув тўсиқларига катта умид боғлаган. Шунингдек, бу дарёларнинг ўнг қирғоқларида мустаҳкам ихота объектларини қурган. Лекин бизнинг полкимиз ўзининг жанговар йўлида бундай тўсиқларнинг қанчасини парчалаб келди. Бу ерда ҳам шундай жасорат кўрсатасизлар деб ишонаман. Сержант Қосимхўжаев, сиз ўз взводингиз билан Деснани биринчи бўлиб кечиб ўтасиз! Душмanning плацдармдаги кучларини яқсон этиб, қўшинларимизни дарёни кечиб ўтишларига ва плацдармни кенгайтиришларига имкон яратасиз.

— Ишончингизни оқлаймиз. Бўш келмаймиз!

Уша дарёни кечиш учун бошланган ҳужум тонги ҳамон Саидусмоннинг ёдида. Тонг қоронғусида тўплар гумбуридан еру кўк ларзага келди. Душмanning Десна соҳилидаги ва ичкари томонларидаги истеҳкомлари ағдар-тўнтар бўлди. Ана шундай отишмали дамда 15-ўқчи корпус Деснани кечиб ўтишга киришди. Саидусмон ўзининг қадрдон 229-полки жангчилари билан дарё соҳилига биринчи бўлиб етиб келди. Полк командири кечув олдидан Саидусмонга «Сиз ўз взводингиз билан Деснани биринчи бўлиб кечиб ўтасиз» деган эди. Командирнинг бу сўзи взвод жангчиларини жасоратга чорларди.

Биринчи қайиқда Саидусмон ўз жанговар шериклари билан олдинга интилди. Душмanning омон қолган тўплари дарёни кечиб ўтаётган жангчиларимизга халақит бериш учун жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатиб, кучли ўт очдилар. Бир-икки қайиққа шикаст етди. Қосимхўжаев қайиғидаги икки жангчи ҳам елкасини ушлаб, қайиқ ичига энгашди. Санитарлар уларга биринчи ёрдам кўрсатдилар. Урушда ҳар лаҳза ҳаётга тенг дейишади. Қайиқ соҳилга тез етиб борди. Чаққон, абжир Саидусмон ўзини соҳилга отиб, анча нарида иккинчи

қайиқдагиларга автоматдан ўқ узаётган икки фашистнинг овозини ўчирди. Иккинчи қайиқ ҳам соҳилга етиб келди, ундаги жангчилар Саидусмонга раҳмат айтиб, биргаликда олдинга югуриб кетдилар.

Душман окоп траншеяларига яхши жойлашиб олган эди. Мия ишлатиб, чаққонроқ ҳаракат қилмасанг, ўзингн миҳлаб қўяди. Лекин йигитлар бўш келишмасди. Саидусмон группаси ҳужум қилиб бориб, шаҳар четига, поезд йўлига яқинлашиб қолди.

Қаршидаги ғиштлик уйдан уни мўлжалга олиб, бир фашист қўл пулемётидан тўхтовсиз ўқ ёғдирарди. Саидусмон ётиб қолди. Бошини кўтарай деса фашист пойлаб турибди. Анча вақт ерда ётиб, бу аҳвол жонига тегди. Ёнига ағдарилиб хас-тиканлар устидан думалаб ўтиб, ўзини пана жойга олди. Душман уни кўрмай қолди. Орқадан эмаклаб бориб, Саидусмон душман пулемётчиси турган хонага граната ирғитди. Бино ичида тўзон кўтарилиб, пулемётнинг дами ўчди.

Сўнг шаҳар ичида жанглар қизиб кетди. Ҳамма ерда жангчиларимизга маҳаллий аҳоли, партизанлар ёрдам кўрсатинди. Душман яширинган жойида яксон этилиб, у ерлар озод этилди.

Гитлерчилар Днепр дарёси бўйидаги маррада қўшинларимизнинг кучли ҳамласини тўхтатишга уринган эдилар. Аммо мард жангчиларимиз гитлерчиларнинг ҳар қандай қабих ниятларини ер билан яксон қилдилар. Улар босқинчиларнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, Днепрдан ҳам кечиб ўтдилар ва дарёнинг ғарбий соҳилидаги ерларни эгалладилар. Ана шу муҳим мудофаа аҳамиятига эга бўлган жойларда туриб, гитлерчиларга қақшатғич зарба бердилар.

Қосимхўжаев Днепр дарёсини кечиб ўтиш учун олиб борилган жангларда совет фарзандларига хос бўлган жасурлик, қаҳрамонлик, ҳарбий маҳорат намуналарини кўрсатди. У Припять дарёси яқинида бир группа жангчилар билан душманнынг орқа томонига ўтиб олди ва

«Ватан учун», деган ҳайқириқ билан Кашовка қишлоғи, а биринчи бўлиб отилиб кирди. Қишлоқдаги гитлерчилар қўққисдан ҳужум қилинишини кутмаган эди. Қосимхўжаев группасининг дадил ҳаракатлари душман қароргоҳига саросима солди ва у қишлоқдан тартибсиз чекина бошлади. Фашистлар катта талофот кўрди. 229-полк эса ўз вазифасини муваффақиятли бажарди. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 16 октябрдаги Фармони билан сержант Саидусмон Қосимхўжаевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Унвон эълон қилинган вақтда Саидусмон яраланиб Брянскда госпиталда даволаниб ётган эди. Хуш хабарнинг қаноти бор дейишади. Госпиталда уни табриклаган одам қолмади. Хонаси гулларга тўлиб кетди. Шаҳар мактабларидан ўқувчилар келиб, унинг бўйнига пионер галстугини тақишди ва тезроқ тузалишини истаб, яхши тилаклар билдиришди...

Саидусмон ака фронтчи дўстлари даврасида ўлтириб, «Галаба» поездида ўзи бир вақтлар жанг қилган жойлардан ўтиб борар экан, Брянскда хайрлашиб қолган болаларни эслади. 1943 йилнинг кеч кузида шиддатли жангларнинг бирида оғир яраланиб, Брянскда даволанганлигини ва орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтгандан кейин яна Брянскга келиб, бахтли, қувноқ болалар даврасида ўлтириб, уларга Десна-Днепр бўйидаги жанг хотираларини сўзлаб берганлигини ёдга келтириб, мамнун жилмайиб қўйди.

Бундан беш йил муқаддам қаҳрамон шаҳарлар йўлида, фронтчи дўстлар орасида ўзининг Улуғ Ватан уруши фронтларида босиб ўтган жанговар йўли ҳақида суҳбатлашиб ўтирган Саидусмон акани яқинда Тошкент областининг Коммунистик райони маркази Янгибозорда учратиб қолдим. Қосимхўжаев бу ерда қишлоқ совети раисининг ўринбосари бўлиб ишлайди. У, ҳамон тетик, ҳар қандай жиддий хизматга тайёр жангчидай бардам ва ғайратли кўринарди.

Саидусмон ака райондаги ва ўз қишлоғидаги янги ўзгаришлар ҳақида суҳбат бошлади. Қишлоқларда ободонлаштириш ишлари тобора авж олиб бораётганлигини, аҳоли замонавий янги турар жойларга кўчиб ўтаётганлигини, жамоат бинолари, ишлаб чиқариш объектлари кенг кўламда қурилаётганлигини мамнуният билан сўзлаб берди. У хаёлга берилиб, Улуғ Ватан урушининг шундадди жангларида гитлерчи босқинчиларни батамом яқсон этиб, элимизга бахтли ҳаёт келтирган баҳодирлар хотирасини ёдга оларди. У, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнига туриб бундай деди:

—Биз дунёда энг хавфли ёни енгдик. Биз Ватаннинг содиқ посбонларимиз. Қаерда бўлмайдик, ҳар қачон она-Ватанимизнинг бахту саодати, куч қудрати йўлида бор кучимизни аямай хизмат этаберамиз. Оталар жасорат-авлодлар мероси деган мақол бор. Авлодларимизни ўша шонли йиллар ғалабалари руҳида тарбиялаб, уларни ишонган боғимиз, суянган тоғимиз қилиб тарбиялаш — биз ветеранларнинг муқаддас бурчи. Шунинг учун ёшлар орасида тез-тез бўлиб, уларга босиб ўтган жанглар йўлларимиз ҳақида сўзлаб берамиз.

Саидусмон ака шу сўзларни айтиб, қадрдон қишлоқидан узоқда бўлмаган баланд тоғларга бош кўтариб қаради. Яшил арчазорлар билан қопланган Чотқал тоғлари қуёшга қаддини бериб Саидусмонни, унга ўхшаган Ватан ботирларини табриклаётгандай туюлди. Мен эса кўкрагида Қаҳрамонлик Олтин Юлдузи порлаб турган қишлоқ оқсоқолини ўша баланд тоғлар оралаб осойишта учиб юрган лочинга ўхшатгим келди.

1979 й.

ИНТИЛИШ

Уни гавжум даврага келиб ўтирганини пайқамай қолибман. Ёнимдаги ҳамсуҳбатим, совхоз партия ташкилотининг секретари Хусан Назаров, «Танишинг, бу киши

• Совхоз уруш ветеранлари ксигашининг ранси Тоштемур Хуррамов бўладилар» деди.

Ёши олтмишга яқинлашган, соч-соқолига оқ оралаган, чўл шамолларидан юзлари қорайган, тийрак кўзли, қарашлари лочин келбатли кекса ветеран биз билан ёски танишлардай самимий кўришди. Унинг ҳикояси кўпроқ дўст-биродарлари ҳақида бўлди.

— Совхоз ишчиларидан 42 киши урушда қатнашган. Ана шу ветеранлар хўжалигимизнинг табаррук отахонлари, энг масъулиятли ишларнинг сардорлари, — дейди Хуррамов,

— Мана Ражаб Маҳмудовни олинг. У кўп йиллардан бери машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жиянқул Рустамовнинг юқори ҳосилли бўлимида сувчи бўлиб ишлайди. Ражаб ака аллақачон пенсияга чиққан. Лекин тажрибаси, меҳнатсеварлиги, қисқаси ғайрати қўймайди. Ҳамма далада бўлганда, уйда ўтиришни собиқ фронтчиға номуносиб хол деб билади. Сув тарашда ордирган кўп йиллик тажрибасини ёшларға ўргатади, уларнинг ҳақиқий мураббийси бўлиб қолган.

Ражаб ака урушда чинакам катта жасорат кўрсатган қаҳрамонларимиздан — деди Хуррамов ғўза эгатларида аста юриб, ҳосилға кирган, гуллаб-яшнаб турган ғўза кўчатларига сув тараётган кекса фронтчи изидан ифтихор билан қараб, — унинг қанча орденлари борлигини билмайси. Сизға айтсам. Тантана кунлари кийиб чиқадиган бир кастюми бор: жанговар орден ва медалларға тўла. Богдан Хмельницкий... иккита Қизил Юлдуз, 2-даражали Ватан уруши орденлари, қанча жанговар медаллар... уларнинг ҳеч бири Ражаб акаға осонликча берилмагандир. Буни биз фронтчилар яхши биламиз. Ражаб ака урушда беқиёс мардлик кўрсатган ботирлардан...

— Богдан Хмельницкий ордени бўлинма ва қисм командирларига берилади-ку?

— Ҳа, Ражаб ака фронтда бўлинмага командир

бўлганлар. Курск-Орёл ярим доирасида, Украина ва Ватанимиздан ташқарида фашист газандаларга қарши олиб борилган жангларда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатганлар. У орденлар ўша шиддатли жангларда қозонилган галабалар гувоҳи...

—Совхозимизда фронтда катта жасорат кўрсатган ва ҳозирда бу ерда пахтачилик коллективларининг сардори бўлиб ишлаб келаётган азамат ветеранларимиз бор. Оз эмас — ҳикоясини давом эттирди Тоштемир Хуррамов.

—Мана шу пахталари гуркираб, мўл ҳосил етиштирилган пайкаллар совхозимизнинг олтинчи бўлимига тегишли. Бу бўлим бошқарувчиси Ҳошим ака Қамолов урушнинг бошидан то охиригача қатнашган баҳодир жангчиларимиздан.

Ҳошим ака бизлар билан кўришиши биланоқ бўлим ишларидан сўз очди:

Бу йил 523 гектар ерга ингичка толали пахта экканмиз. Ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганмиз. Бўлимимиз ишчилари ҳар йили ўз аҳдлари устидан чиқиб планни районда биринчилардан бўлиб бажарадилар. Нафақат план — мажбуриятимизни ҳам ошириб бажарянимиз.

—Доим шунақа, фронтчасига лўнда, аниқ қисқа сўзлайди. Ишлари ҳам фронтчасига... — кулиб дейди Тоштемир Хуррамов.

Қамолов фронтда старший сержант, бўлинма командири эди. Ўзининг кичкина ўқчи группаси билан эҳ-ҳа қанча йўлларни босиб ўтди. Қўмондонликнинг топшириқларини намунали бажариб, Олий Бош қўмондонликнинг раҳматномаларини олди, орден ва медаллар билан тақдирланди. Унинг бўлинмаси 4-Украина фронтида эди. Бу фронтда ҳаракат қилган қўшинларимиз гитлерчи каллакесарларни Украина ва Молдавия ерларидан, шунингдек Руминия, Болгария, Югославия каби мамлакатлар территориясидан қувиб чиқарди. Ҳа, солдат

этиги қайси ерларни босмади дейсиз, лекин ҳамма ерга у зафар ва ғолиблик нашидасини олиб борди. Охирги шиддатли жанглар давом этаётган бир пайтда бўлинма командири Ҳошим Камолов оғир яраланди. Санитарлар унга биринчи ёрдам кўрсатиб, санитария батальонига жўнатдилар. Камолов олдин санбатда, кейин госпиталда даволаниб оёққа турганда, уруш тугади деган хушхабар келди. Жангларда қаҳрамонлик кўрсатган, Она Ватан олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан бажарган Ҳошим Камоловга армия сафидан бўшаб, туғилган юртига қайтишга жавоб берилди. Уни қадрдон Сурхон водиси шоду хуррамлик билан кутиб олди. У деҳқон фарзанди эди. Яна ер меҳри, қадрдон далалар бағрига чорлади. Шеробод-Сурхон чўлини ўзлаштириш бошланганда, биринчилар қаторида чўлқуварликка отланди. Неча асрлардан буён қақраб ётган Шеробод чўли энди Ҳошим акани мардликка чорлади. Уни бу ерда ҳам чўлқуварларга командир қилиб тайинладилар. Уруш инвалиди, ёши анчага бориб қолган Ҳошим ака чўлқуварларга бош бўлишдан чўчимди. Аксинча, енг шимариб ишга тушиб кетди. Ленин йўли районидаги қўриқ ерда тузилган бу янги совхозга уни бўлим бошқарувчи қилиб тайинладилар. Коммунист, жангчи-пахтакор чўл дурдонасини яратишга бел боғлади. Лекин дурдонани яратиш осон бўлмади. Бошқармадан чўл қийинчиликларига бардош беролмай туғилган жойларига кетиб қолган «полвонлар» ҳам бўлди. Лекин чўлда юрагида ёли бор баҳодирлар қолди. Улар аввал чодирларда яшаб, қиш-қировларга, қийинчиликларга чидаб, ер очдилар. Баҳор келиши билан, биринчи мартаба ерга олтин уруғларини — ипак пахта чигитини экидилар. Ҳайдалиб, яхши текисланиб, бир текис униб чиққан чигит ниҳолларини кўриш, собақ жангчи қалбида нақадар буюк ифтиҳор туйғуларини уйғотмади, дейсиз. У эгат оралаб, аскардай тизилиб, гуркираб, қуёш нурларидан товланиб, яшнаб турган митти ғўза кўчатларини кўриб севинганидан хиргойи

бошлаб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Бу — пахтакор қувончи, бу оғир фронт йўлларини мардонавор босиб ўтиб, уйига музаффар қайтган паҳлавон фронтчи қувончи эди. Голиб Ватанни янада қудратли бўлиши учун жон куйдириб ишлади. Меҳнати зое кетмади. Шеробод чўлининг шери бўлди. Унинг меҳнатини она-Ватан ардоқлади. Қўкрагида меҳнат фронтида кўрсатган жасоратлари учун Ленин ордени, Меҳнат Қизил байроқ ва Октябрь революцияси орденлари ярқираб турибди. Ватаннинг ноёб дурдонаси, ингичка толали пахта чаманзорлари эса фронтда шўхрат қозонган кекса пахтакор меҳру қудратини кўз-кўз этиб гуркираб яшнаб турибди.

Биз водийни, совхоз пахтазорларини айланиб, Тоштемир ака билан қаҳрамонлар даласига келдик. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдусаттор Қурбонов, Жиянқул Рустамов, СССР Давлат муфокотининг лауреати Ҳолмўмин Сафаров бошлиқ бўлган бўлим ва бригадаларида бўлдик.

Қаҳрамонлар далалари ҳам худди Ҳошим ака ерлари каби серҳосил, баракали, файзли чаманзорларга айланган. Совхоз далаларида 3600 гектардан ортиқ ерга чигит экилиб, ҳар йили 15 минг тоннага яқин ингичка толали пахта хирмонлари кўтарилмоқда. Бу — ҳар гектар ердан 40 центнерга яқин ҳосил олинди деган гап. Бундай юксак кўрсаткичга эришишда, совхознинг тажрибакор кексалари, Улуғ Ватан уруши ветеранларининг қўшаётган ҳиссалари каттадир.

Совхознинг кенг, бўлиқ далаларида, уруш ветранлари орасида юрнб, чўлқувар фидойи кишиларнинг бири бўлган камтарин, лекин қалби улкан, меҳри дарё Тоштемир ака Хуррамовни беҳосдан хаёлга келтираман. Унинг ҳаёт йўли музаффар оддий совет кишининг шонли йўлидир. Бу йўл мазмули, эзгу ниятлар, қувончлар билан тўлиқ бўлган йўлдир. Унга назар ташласак, жўшқин воқеалар, шиддатли дамлар, оғир синовлар, қувончли ғалаба онлари кўз олдимизда намоён бўлади.

Тоштемир уруш бошланганда эндигина 17 ёшга қадам қўйган навқирон йигитча эди. Ўрта мактабнинг охириги синфида ўқиётган эди. Мактабни битирса, қишлоқда қолиб, ўқитувчи бўлиб ишлашни сўнг сиртдан ўқиб, педагогика институтини тугаллаб, диплом олишни орзу қилиб юрарди. Уруш унинг ниятларини бўлиб юборди. Ўқитувчилик ўрнига, жанг майдонида қўлига қурол олиб, ёвга қарши жанг қилишга тўғри келди. Туғилган қишлоғи Қумқўрғондан Жарқўрғонга қатнаб, район ҳарбий комиссариатига учраб, ўзини фронтга юборишларини илтимос қилди. Лекин ҳарбий комиссар «тегирмон навбати билан» деб ҳали ҳарбий хизмат ёшига етмаган йигитчани уйига қайтариб, колхоз ишига ёрдам бериб юришни маслаҳат берди. Охири бир кун унинг уйига чақирув қоғози келди.

Ҳарбий машқларни обдон ўрганиб, марди-майдонлик тажрибаси ва билимига эга бўлганидан кейин Тоштемирлар қисми фронтга жўнаб кетди. Поезд Москва яқинидан ўтиб, шимолга — Калинин фронтига етиб борди. Қиш ойлари эди. Тизза бўйи қор оёқ остида ғирчиллайди. Аёз юзни ялаб ўтади.

Совуқ чилла тонготаридан бирида осмонга ҳужумга кўтарилишни билдирувчи ракета отилди. Тонг ҳали оқармасданоқ олдинги маррага катта командирлар келишиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган кузатув пунктларига жойлашиб, ҳужум жангларини бошқара бошладилар. Эрталаб соат еттиларда артиллерия ҳамласини билдирувчи тўп овозлари эшитилди. Шундан кейин олдинги марранинг ҳамма жойларидан душман истеҳкомларига снаряд, бомба ва мина зарбаларини бериш бошланди. Кейин жанг майдони устида авиациямиз пайдо бўлди. Учувчиларимиз душман окопларини, ўт очиш жойларини осмондан ўққа тутиб, бомбалар ташлаб, даминг чиқармай қўйганларида, ердаги қисмларимиз ҳужумга кўтарилдилар. Ҳужумкор баҳодирлар орасида сержант Тоштемир Хуррамов ҳам бор эди. У сапёр қисмида бўлин-

ма командири эди. Бўлима зиммасига жанг майдонларида душман томондан қўрилган истеҳкомларни портлатиш, минораларни зарарсизлантириш ва кечув жойларида кўприклар қуриш вазифалари юклатилган эди. Лекин кўпинча бу жанговар топшириқлар ўрнига, автоматни тариллатиб, ўжар душман билан юзма-юз олишувга тўғри келарди.

Хужум жангги ёвни қақшатиб қўйди. У бир неча километр орқага чекинди. Қўшинларимиз муҳим мудофаа аҳамиятига эга бўлган жойларни эгаллаб олдилар. Ҳамманинг кайфияти зўр эди. Баҳор яқинлашиб келмоқда эди. Унинг келиши жангчиларимизга ўзгача кайфият бағишларди. Баҳор келиши билан яна хужум бошланишини, қонхўр босқинчиларни она-Ватанимиз чегараларидан ташқарига улоқтириб ташлаб, урушни ғалаба билан тугаллашни орзу қилишарди улар.

Чиндан ҳам баҳор наврўзи оламнинг бошланиши билан бутун фронт бўйлаб шиддатли хужум жанглари қизиб кетди. Тоштемир хизмат этаётган 112-ўқчи дивизиянинг 512-полкига қарашли сапёр батальони жангларда актив қатнашиб, қисмларимизнинг ёвни қақшатиб, уни ўрнашган жойларидан ҳайдаб чиқаришларида ва олдинга силжишларида уларга катта ёрдам кўрсатиб келарди. Великие Лука ва Невель шаҳарларини озод қилиш учун олиб борилган шиддатли хужум жанглари сержант Т.Хуррамов ёдидан асло кўтарилмайди.

Душман чекиниб, Великие Луки шаҳари яқинида мудофаа қурди. Уни бу қадимий рус шаҳри остоналаридан ҳайдаб чиқариш, дам олишга имкон бермай ҳар куни, ҳар соат қаттиқ зарбаларга дучор этиш, қилган ҳамма оғир жиноятлари учун қаттиқ жазолаш керак эди. Жангчиларимиз хужум жангларидан руҳланиб, жанг майдонларида мислсиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Тушга яқин шаҳар атрофида шиддатли жанг бошланди. Хуррамов бўлини маси хужумкор группалар билан

шаҳар четига яқинлашиб, пана жойларга ўрнашиб, қаттиқ қаршилиқ кўрсатаётган гитлерчиларга қўққисдан зарба бериш ва уларнинг ўқ олмас жойларини портлатишлари керак эди. Ўз мудофаа марраларининг олдинги томонларини миналаштирган бўлиши мумкин. Бу яширин ёв ҳийласини ҳам фош этиб, зарарсизлантириш талаб этиларди. Шунинг учун сапёрлар бўлинмаси ҳужумда ҳаммадан олдинда боради. Тоштемир Хуррамов бўлинмаси ҳам ўқчи бўлинмалар билан душман истеҳкомлари яқинида пайдо бўлди. Ёв билан юзма-юз жанг бошланиб кетди.

Бутазор орасидан пулемёт овози эшитилди. Хуррамов бўлинмаси ерга ётиб олиб, пайт пойлаб, олдинга силжишмоқчи бўлди. Лекин душман пулемёти халақит берди. Ўқчи бўлинманинг разведкачилари унинг овозини ўчирдилар. Бутазор орқасидан кўриниб турган икки уй остоналаридан яна бошқа пулемёт овозлари эшитилиб қолди.

—Душман унинг пойдеворига жойлашиб олибди, — деди Хуррамов ўқчи батальон командприга.

—Уни ўқ билан олиб бўлмайди. Портлатиш керак. Қани, азамат, йигитларинг билан у аблаҳлар инини яқсон эт! — деди командир унга.

Тоштемир Сурхон ўғли, Боботўф фарзанди, ёшлиги тоғ-адирларда ўтган чаққон, чайир, йигитлардан икки шеригини ёнига олиб душман бекинган жойга яқинлашди. Чиндан ҳам гитлерчилар икки вайрона бинонинг остини бетонлаштирилган ўт очиш жойига айлантириб олишган экан. Бу жой гранаталарни писанд қилмайди. Тоштемир бузилиб, тахталари ағдарилиб ётган уй ичига билинтирмай кириб олиб, портлатгич ўрнатиб чиқди ва орқага қайтиб пана жойдан уни портлатди. Душманнинг ишонган, темир-бетондан ишланган истеҳкомининг кули кўкка соврилди. Олдинда «ура» овозлари, бутун шаҳар бўйлаб янграб кетди. Сўнг шаҳар ичида ва ундан ташқарида ҳам жанглار давом этди. Бу жангларда Хуррамов бўлинмаси намуна кўрсатди. Душман бузиб кетган

кўприklar тузатилди, жанг йўллари миана хавфидан текшириб кўрилди. Великие Луки учун бўлган жангларда қўмондонлик топшириғини намунали бажаргани учун сержант Тоштемир Хуррамов III-даражали Шухрат ордени билан мукофотланди. Бўлинма йигитлари ҳам жанговар орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Невель шаҳрини фашист босқинчилардан озод қилишда ҳам Хуррамов бўлинмаси мардонавор жанг қилди. Шаҳар атрофидаги истеҳкомларда ва шаҳар кўчаларида бўлган олишувларда бўлинма жангчилари ўндан ортиқ гитлерчиларни йўқ қилдилар. Душман қораси кўринган истеҳком жойларга гранаталар ирғитилиб, у ерлар ишғол қилиниб қисмларимизнинг олдинга силжишларига имконият яратилди.

Невель шаҳри учун олиб борилган жангларда актив қатнашгани... дуч келган душман тўдаларини яқсон этишда мардлик кўрсатганлиги учун Хуррамов «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Жангларда чиниққан сержант Тоштемир Хуррамов қадрдон полкининг ветеран жангчиларидан, солдат тили билан «қарня» эди. Бўлинмасига ёш жангчилар келади. Улар билан жангга кириш олдидан машғулот ўтказиб, ўз тажрибаларини ҳикоя қилади, дивизиянинг машҳур баҳодирларининг жасоратларидан сўзлаб беради. «Душман чеклиниб борапти, уни тезроқ батамом тор-мор қилиш учун бир кучга ўн куч қўшиб жанг қилайлик» дейди. Дивизия Болтиқ бўйи совет республикаларини гитлерчи босқинчилардан озод қилиш учун олиб борган жангларда ҳам қатнашди. Ҳар куни шиддатли жанглар бўларди.

1943 йилнинг изғиринли ноябрь ойи эди. Паст-баланд адирлар орасида жанг бошланиб кетди. Бу нотекис заминдан асфальт йўл ўтган бўлиб, уни гитлерчилар қўлдан беришни истамас эди. Чунки адир орасидаги туташ йўл — чорраҳа муҳим мудофаа аҳамиятига эга эди. У ер қўлдан кетса, бошқа мудофаа истеҳкомлари ҳам қўлдан кетишига кўзлари етиб, қаттиқ қаршилиқ

кўрсатиша бошлади. Уша жойни эгаллаш 512- полк жангчиларига топширилган эди. Полк командири Хуррамовни ёнига чақириб, чорраха яқинига билдирмай етиб бориб, у ерда мина бор-йўқлигини текшириб кўришга буюрди.

Командирнинг топширигини бажариш учун сапёрлар бўлинмаси тонг қоронғусида олдинга юрди. Гитлерчилар ракеталар учуриб, осмонни ва ерни ёритиб, атрофни кузатиб туради. Пулемёт ва миналардан ўт очиб, олдинги маррага яқилашишга қўймасди. Хуррамов қиялик бўйлаб, шудгор қилиниб, ташлаб кетилган ва бўлиқ ўтлар билан қопланган ерлардан қоплондай сездирмай, жуда эҳтиётлик билан силжиб, чорраха атрофини текшириб кўрди, шериклари миналарни зарарсизлантирдилар.

Тонг ёриши билан тепалик ва адрдан ўтган чорраха учун қисқа, лекин шиддатли жанг бошланди. Душман ҳамлага дош беролмади. Ишонган жойини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Жангчиларимиз тепаликни ишғол қилиб, олдинга силжидилар ва янги жойларда жанглар бошланиб кетди. Шундай жангларнинг бирида Тоштемир Хуррамов елкасидан оғир яраланди.

Кўп қон оққанидан мадори қуриб, кўзи тиниб борарди. Бўлинма йигитлари хайрлашиб, «тезроқ тузалиб, яна ўзимизга қайтиб келинг» деб, жангга кириб кетдилар. Санитарлар эса ярани боғлаб, Хуррамовни санитария батальонига жўнатдилар.

Елка яраси жиддий эди. Тез орада тузала бермади. Уни мамлакат ичкарисидаги шаҳар госпиталига юбордилар. Бу шифо жойларида узоқ даволаниб, охири оёққа турди. Лекин оғир яраланган елка асли ҳолига қайтмади. Тоштемир оғир нарсанг кўтаролмайдиган бўлиб қолди. Уни 1944 йилнинг охириги ойларида юртига жўнатдилар. Уйга қайтиш олдидан унга яна бир мукофот—«Жанговар хизматлари учун» медали топширилди. Тоштемир уйига қайтгандан кейин бўлинмаси жангчиларига ёвдан қасос олиб, урушни ғалаба билан тугатиб, уйларига эсон-омон қайтпшларини тилаб хат ёзиб юборди.

Тоштемир урушга кетмасидан олдин, ўрта мактабда ўқиб юрган вақтида ўқитувчи бўлишни орзу қилиб юрарди. Урушдан қайтиб келгандан кейин бу орзуси рўёбга чиқди. Туғилиб ўсган Қумқўрғон қишлоғидаги бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб, ёш авлодга билим ва тарбия бера бошлади.

Собир фронтчи, қишлоқнинг кекса ўқитувчиси туғилган юртидаги ўзгаришларни кўриб, боши осмонга етгудай бўлиб, она-Ватанга кўпроқ ва янада яхшироқ хизмат этишни истарди. У Сурхон водисини кезиб, сойлар, дарёлар тўсилиб, чўллар янги гуллаган воҳаларга айланаётганлигини кўриб, янги жойларга бориб ёш авлодни тарбиялашни, уларни ўқитиб, келажакнинг билимдон авлодлари қилиб етиштиришни истарди. 1974 йилда Шеробод — Сурхон чўлларини кенг кўламда ўзлаштириш бошланиб, бу ерга Қумқўрғонлик қалби оташ марди майдонлар кўчиб келадиган бўлишди. Бу хабар Тоштемир ака кўнглига ҳам гулгула солди. У ўз қишлоғида 32 йил ўқитувчилик қилди. Ўқитган болалари энди улғайиб, бола-чақалик бўлиб, чўлга кўчиб кетмоқда эдилар. Тоштемир ака ҳам ўша чўлқуварлар сафига қўшилди.

Шеробод чўли гуллаган воҳага айлана бошлади. Водининг ҳар томонидан неча асрлардан буён хомуш ётган тақир дашт бағрига юрагида ўти бор паҳлавонлар кела бошлади. Тез орада шаҳар типидagi янги аҳоли, пунктлари пайдо бўлди. Янги пахтакор районлар вужудга келди. Шундай навқирон районлардан бири Ленин йўли райони эди. Тоштемир ака хизмат қилаётган Будённий номи совхоз шу районнинг илгор пахтакор хўжаликларидан.

Совхоз раҳбарлари кекса мураббий, моҳир экономист, Улуғ Ватан урушининг актив қатнашчиси Тоштемир Хуррамовдан катта хўжаликнинг турли жойларида ишлайдиган уруш ветеранларига эътиборни кучайтириб, улар ҳақида ғамхўрлик кўрсатишни, ёрдам керак бўлса кўмаклаштишни илтимос қилдилар. Уруш ветеранлари эса йиғилишиб, кенгаш ўтказиб, Хуррамовни ўз кенгашларининг раиси қилиб сайладилар.

Собиқ фронтчилар совхоз ишларида актив қатнашиб, ёшларга намуна кўрсатиб ишлаб келмоқдалар.

— Ишонч, эътиқод зўр нарса экан,— дейди Тоштемир ака.—Кекса ветеранларимиз қадрдон хўжалигимизга ҳали кўп фойдамиз тегади, дейдилар. Уларнинг ишончи, ғайратлари совхоз ютуқларига ютуқ олиб келмоқда. Фронтчилар ёшлардан қолишмай совхознинг турли бўлимларини ва бригадаларини бошқариб пахтадан ва бошқа экинлардан ҳар йили мўл ҳосил олиб келмоқдалар.

Ой тоғ устига кўтарилиб, водини кумуш нурига чўмдиргандай кенг пахтазорлардан хирмон уйган қўли олтин теримчилар, азамат механизаторлар чиқишиб, яқин-йироқлардаги чарогон қишлоқларига йўл оладилар. Дала шийпонларида, хирмонларда эса чироқлар ёқилади. Она-Ватанга чўл дурдоналарини жўнатиш давом этарди. Карвонлар олдида Тоштемир ака Хуррамов. Ҳошим ака Камолов ва совхознинг бошқа отахонлари, қаҳрамонлари боришарди.

1979 йил.

Назармат (Эгамназаров)
НИ НА ЖИЗНЬ, А НА СМЕРТЬ

*Документальная повесть, очерки, зарисовки
об участниках Великой Отечественной войны*

ИБ № 1305.

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан»—1980—Ташкент,
Навои, 30

Редактор Р. К. Шомансурова

Рассом М. Гумаров

Бадний редактор А. Олимжонов

Техредактор Т. Аббосов

Корректорлар М. Саидбаева, Ш. Гофурова

Теришга берилди 24. 01. 1980. Босишга рухсат этилди 15. 04. 1980 Р. 12959.
Қоғоз формати 70×108¹/₃₂ № 1 босма қоғозига «Литературная» гарнитурда
юқори босма усулида босилди. Шартли босма л. 6.65. Нашр листи 6,26.
Тиражи 20000. Заказ 46. Баҳоси 20 тийин.

«Ўзбекистон нашриёти, Ц[а]ртнома № 400—79. Тошкент, 3-700129. Навоий, 30.
Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат ко-
митети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-
босмахонаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44.